

У/ч  
Д.-99



З. ДЎСИМОВ

# ХОРАЗМ ТОПОНИМЛАРИ





ЎЗБЕКИСТОН ССР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИ  
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ



З. ДУСИМОВ

# ХОРАЗМ ТОПОНИМЛАРИ

ТОШКЕНТ  
ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ  
1985

УЧ  
Д-99

Описание

Монография Хоразм топонимларининг шаклланиши ва унинг тарраққият босқичларини ўрганишга бағишланган дастлабки тадқиқотдир. Унда кўпгина жой номларининг тарихи ва этимологияси ҳақида фикр юритилади, шунингдек, топонимларнинг лингвистик хусусиятлари ясаиш моделлари ва типлари таҳлил қилинади.

Китоб тилшунослар, олий ўқув юртлари филология факультетларининг ўқитувчи ва студентларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:  
филология фанлари доктори профессор А. П. ҲОЖИЕВ

Тақризчилар:  
филология фанлари доктори профессор О. МАДРАҲИМОВ,  
филология фанлари кандидати А. ИШАЕВ

РН Б МГУзССР

180198

Д 1602010000-2639 195-85  
М355(04)-85

С. Узбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1985 й.

## КИРИШ

Топонимлар узоқ даврнинг маҳсули бўлиб, тил тарихи ва тарихий диалектология ҳамда тарих, этнография, география, археология, геология каби қатор фанлар учун бой материал беради. Чунки топонимлар маълум тарихий давр, ижтимоий муҳит ва сиёсий турмушнинг маҳсулидир. Улар маълум райондаги аҳолининг дунёқараши ва шу муҳитга муносабатини акс эттиради. Шу сабабли географик номларни илмий жиҳатдан ўрганиш ўша жойда яшовчи халқнинг тарихи, турмуши, тили ҳақида муҳим ва қимматли маълумотлар бериши мумкин.

Ўзбекистон топонимларига (жумладан, Хоразмдаги жой номларига) доир айрим фикр, мулоҳазаларни Улуг Октябр революциясигача яратилган тарихий-этнографик асарлардан ва айрим рус олимларининг турли мақсадларда Туркистон ўлкасига, хусусан Хоразмга қилган саёҳатлари, экспедицияларининг ҳисоботларидан топиш мумкин<sup>1</sup>.

Революциягача бўлган тадқиқотларнинг кўпчилиги рус олимларининг қаламига мансубдир<sup>2</sup>. А. Л. Кун, Н. И. Веселовский, Д. Гладишев, И. Муравин, Н. И. Муравьев, М. Н. Галкин, А. П. Хорошхин, Л. Н. Соболев, В. Лобачевский, П. И. Лерх, шунингдек, гарбий Европадан келган А. Борнс, А. Вамбери, О. Олуфсен каби ўнлаб олим ва сайёҳларнинг асарларида Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон топонимик номлари тўғрисида фойдали мулоҳазалар учрайди. Бу асарлар гарчи махсус жой номларини ўрганишга бағишланган бўлмаса ҳам, шу ўлкага хос тарихий-этнографик маълумотларни сақлаганки, топонимик тадқиқотларда уларни эътиборга олиш фойдалидир.

<sup>1</sup> Бу асарлар тўғрисида ишимизнинг кейинги қисмларида тўхталамиз.

<sup>2</sup> XVIII—XIX асрларда Ўрта Осиёга қилинган экспедициялар тўғрисида маълумот олиш учун қаранг: Маслова О. Д. Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию (1717—1886). Вып. I—IV. Ташкент, 1955—1971.

Географик номларни текширишда Х. Ҳасановнинг «Ўрта Осиё жой номлари тарихидан» (1965), «Географик номлар имлоси» (1962), «Географик терминлар луғати» (1964) каби асарлари ва кейинги пайтлардаги бир қатор мақолалари ва рисоалари республикамиз топонимларини ўрганиш соҳасида муҳим ишлар ҳисобланади<sup>3</sup>.

Ўзбекистон топонимларини ўрганишда ўзбек диалектологларининг хизматлари каттадир. Улар ўзлари ўрганган шевалар тарқалган қишлоқ, шаҳар номлари ҳақида, уларнинг этимологияси борасида дастлабки фикрларни билдирган эдилар. Диалектолог олимларнинг топонимларни йиғишдаги тажрибаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кейинги пайтларда тилшунос олимларимиз республикада географик номларни ўрганишга катта аҳамият бера бошладилар. Олимлар томонидан топонимларни лингвистик планда таҳлил қилишга бағишланган айрим тадқиқотлар вужудга келди<sup>4</sup>. Топонимиканинг бир қатор методик масалалари қаламга олинди.

Кейинги даврларда ўзбек тилшунослигининг фақат топонимика соҳаси билан шуғулланувчи Т. Нафасов, С. Қораев, Ш. Қодирова, Л. Т. Қаримова, Л. Хужамбердиев, Т. Раҳматов, С. Губаева, Ж. Латипов, Н. Охупов каби қатор ёш мутахассислари етишиб чиқди. Уларнинг тадқиқотлари топонимиканинг турли масалаларига бағишланган<sup>5</sup>.

<sup>3</sup> Ҳасанов Х. Ценный источник по топонимике Средней и Центральной Азии.— В сб.: Топономика Востока. М., 1962, с. 31—36; Уша автор. Историко-топонимическая схема Средней Азии.— В сб.: Топонимика Востока. М., 1969, с. 156—161; Уша автор. Беруний асарларида топонимика. «Беруний ва ижтимоий фанлар» Тошкент, 1973, 125—128-бетлар; Уша автор. Ер тили. Тошкент, 1977.

<sup>4</sup> Решетов В. В. К вопросу о термине. Курама и кураминцах. № 5, Ташкент, 1945; Абдуллаев Ф. А. Этимология буйича кузатишлар. Ўзбек халқ ижоди. Тошкент, 1967, 154—161-бетлар; Ишаев А. Ўзбекистон топонимикасидан материаллар йиғишга доир.—«Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари». 5-китоб. Тошкент, 1969, 571—574-бетлар; Уша автор. Шимолий Хоразмдаги баъзи топонимларнинг этимологияси. «Филология масалалари». VII, ТГПИ. Тошкент, 1963, 159—165-бетлар; Жўраев Б., Бегматов Э. Атоқли отларни ўрганишга доир баъзи мулоҳазалар.—«Ўзбек тили ва адабиёти», 1966, 2-сон; Бегматов Э. Антропоним лексемалар ҳақида.—«Ўзбек тили ва адабиёти», 1965, 2-сон; Уша автор. Ономастик сўз яшаш масалаларига доир.—«Ўзбек тили ва адабиёти». 1965, 3-сон ва бошқалар.

<sup>5</sup> Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области. КД. Ташкент, 1968; Қараев С. Опыт изучения топонимики Узбеки



С. Қорасевнинг «Географик номларнинг маъносини биласизми?» (1970), «Географик номлар маъноси» (1974) каби топонимик луғатлари нашр этилди, бу, айни вақтда, республикамизда топонимика фанининг янча ривожланганлигидан далолат беради.

Лекин ўзбек топонимистлари олдида ҳали ечилиши зарур бўлган асосий ва принципиал масалалар, жумладан, топонимларни ўрганиш методлари ва принциплари, ларни йиғиш ва тадқиқ қилиш билан боғлиқ масалалар мавжуд.

Хоразм топонимлари жуда бой ва ранг-барангдир. Хоразмдаги жой номларини ўрганишда профессор Ф. Абдуллаевнинг хизматлари катта. Унинг кўплаб асарларида айрим топонимларнинг этимологияси ҳақида дастлабки фикрлар билдирилган эди<sup>6</sup>.

С. П. Толстов, Я. Фуломов, А. Ю. Якубовский, Т. П. Иванов, М. Йўлдошев, Т. А. Жданко, Л. С. Толстова каби олимларнинг асарларида ҳам Хоразмдаги суғина номлар ҳақида қимматли маълумотлар бор<sup>7</sup>. Хоразм шеваларини текширган А. Ишаев, О. Мадраҳимов, Ю. Жуманазаров, Э. Уразов, Х. Бобониёзов ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам баъзи Хоразм топонимларининг лингвистик хусусиятлари ва этимологияси ҳақида этилди<sup>8</sup>. Ушбу сатрлар муаллифи ҳам ўзининг

ана, К.Д. Ташкент, 1969; Қодырова Ш. Микротопонимы Ташкента, К.Д. Ташкент, 1970; Каримова Л. Г. Топонимы в северозабайкальских говорах, К.Д. Ташкент, 1972; Хужамбердиев Я. Историко-этимологические исследования топонимии Сурхандарьинской области, К.Д. Ташкент, 1973; Рахматов Т. Топонимия города Самарканда и его окрестностей, К.Д. Ташкент, 1973; Гуляева С. Этнонимы и топонимии Ферганской долины, К.Д. Ташкент, 1973; Латипов Дж. Топонимия города Маргелана и его окрестностей, К.Д. Ташкент, 1975; Ахуннов Н. Топонимы Кокандской группы районов, К.Д. Ташкент, 1978.

<sup>6</sup> Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. I. Тошкент, 1961; Фonetика Хорезмского говора. Ташкент, 1967; Ўзбек тилининг ўғуз ажраси. Тошкент, 1978.

<sup>7</sup> Толстов С. П. По следам древнехорезмийской цивилизации. М., 1958; По древним дельтам Окса и Яксарта. М., 1962; Қазини Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, 1964; Фуломов Я. Хоразмнинг сугорини тарихидан. Тошкент, 1959; Якубовский А. Ю. Развалины Ургенча. Т. IV. Вып. 2. Л., 1930; Жданко Т. А. Каракалпаки Хорезмского оазиса. М., 1952. Очерки исторической этнографии каракалпаков. М.—Л., 1950; Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. Тошкент, 1957; Толстова Л. С. Некоторые вопросы исторической ономастики Хорезмского оазиса.— В кн.: Этнография имен. М., 1971; Отголоски ранних этапов этногенеза народов Средней Азии, 1978 ва бошқалар.

<sup>8</sup> Ишбаев А. Мангит шеvasининг фонетик хусусиятлари. К.Д.

кандидатлик ишини Шимолий Хоразм топонимларини ўрганишга бағишлаган эди<sup>9</sup>.

Хоразм топонимлари лексик жиҳатдан асосан туркий тилларга мансуб. Лекин улар таркибида ҳинд-европа (хусусан форс, хоразмий, осетин), араб, мўғул, шунингдек, неопонимларда рус тили элементлари мавжуд. Хоразм топонимларини кузатишдан шу нарса аниқландики, бу территорияда номларнинг турли хилда ясалиши (аффиксация, композиция, ономастик конверсия) усуллари муҳим ўрин тутади. Топонимлар тузилишида туркий тиллар сўз ясалиши системасида актив иштирок этадиган формантлар (-лақ, -ча, -ма ва ҳоказолар)дан ташқари эрон тилларига хос ўнлаб қўшимчалар (-ак, -ан, -дар, -неш, -сар, -пой каби) учрайдики, уларнинг баъзилари қайд этилган тиллар системасида ҳозир ҳам актив қатнашади. Текшириляётган территорияда умумтуркий топонимик системасига мансуб индикаторлардан ташқари, *йап* (ёп), *арна* (арна), *салма* (солма), *қала*, *авыл*, *да:* (даҳа), *топар* (тупор) ва бошқа регионал характердаги терминлар ҳам мавжуд. Хоразм топонимлари таркибида ҳозирги адабий тилда учрамайдиган диалектизмлар сақланган, улар маълум бир лексик қатламни ташкил этади: *Ақвашлық* (овул) — *ақбаш* (шўр ерда ўсадиган ўсимлик), *Сазақлық* (овул) — *сазақ* (саксовул), *Йеканликөл* — *йекан* (қамишсимон ўсимлик), *Дашйасқа* — *йасқа* (саёз, кечув жойи), *Бойанликөл* — *бойан* (сертомир ўсимлик) ва ҳоказо.

Хоразм топонимларининг аталиш принциплари ва умуман номинация қонунлари ҳам бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни кузатиш ўзбек тилшунослигида бу масаланинг ҳал қилинишига ёрдам беради.

Маъкур иш Хоразм топонимларини ўрганишга бағишланади. Биз Хоразм шевалари вакилларининг ҳозирги область маъмурий чегарасидан ташқарисидан ҳам

Тошкент, 1962; Жуманазаров Ю. Ўзбек тили Ҳазорасп шеvasининг морфологик хусусиятлари. ҚД. Тошкент, 1960; Ўзбек адабий тили ва Жанубий Хоразм диалекти. Тошкент, 1971; Урастов Э. Ўзбекские говоры Южной Каракалпакии. АКД. Ташкент, 1969; Жанубий Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. Тошкент, 1978; Мадрахимов А. Исследования по лексике огузского наречия узбекского языка. ДД. Ташкент, 1978; Ўзбек тилининг ўғул-даҳривчи лексики. Тошкент, 1974 ва бошқалар.

<sup>9</sup> Дусимов З. Топонимы Северного Хорезма. АКД. Ташкент, 1970.

ишларини назарда тутиб, айрим чегарадош районлар (Самарқанд, Қорақалпоғистон АССРнинг Амударё, Бетуюв ва Тўрткўл районлари, Туркменистон ССРнинг Ташкент областидаги чегарадош Тахта ва Тошовуз районларининг баъзи қишлоқлари) топонимларини ҳам текширишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Шу билан ҳам ишда қўлланган «Хоразм топонимлари» термини остида Хоразм шевалари тарқалган территориялар тушунилади.

Тадқиқ қилинаётган топонимик материаллар асосан автор томонидан 1966—1980 йиллар давомида шева вакиллари билан сўраш орқали (транскрипция билан) эзиб олинган. Шунингдек, студентлар диалектологик экспедициялари даврида анкеталар тарқатиш йўли билан социологик ўрганиш жараёнида тўпланган. Булардан ташқари XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси ҳарбий ва илмий экспедицияларининг ҳисоботларидан, уларнинг карталаридан, тарихий асарлардан, архив материалларидан, хусусан, Хива хонлари давлат ҳужжатларидан ҳам фойдаланилди.

#### Ишда қўлланилган транскрипцион белгилар

Унлилар: *a* — орқа қатор, лабламанган кенг унли товуш;  
*ā* — олд қатор, лабламанган, кенг унли товуш;  
*ə* (e) — олд қатор, ўрта-кенг, лабламанган унли товуш;  
*o* — орқа қатор, ўрта-кенг, лабламанган унли товуш;  
*ō* — олд қатор, лабламанган, ўрта-кенг, унли товуш;  
*y* — орқа қатор, лабламанган, тор унли товуш;  
*ȳ* — олд қатор, лабламанган, тор унли товуш;  
*u* — олд қатор, тор, лабламанган унли товуш;  
*ū* — орқа қатор, тор, лабламанган унли товуш.  
Ундозлар: *дж* — тил олди, жарангли, қаришиқ ундош товуши;  
*нг* — тил орқа, бурув товуши.

Бошқа ундозларни ифодалаш учун б, в, г, ғ, д, з, й, к, х, ҳ, л, м, н, п, р, с, т, қ, ч, ш ундозларининг ҳозирги ўзбек орфографиясидаги шакллари қўлланади.

#### Шартли қисқартмалар

1. Арб. — араб тили.  
Гқ. — гқут тили.  
Нўг. — нўгой тили.  
Озарб. — озарбайжон тили.  
Олт. — олтой тилида.  
Осетин. — осетин тилида.  
Рус. — рус ва рус тили орқали кирган сўзлар.  
Тат. — татар тилида.  
Тож. — тожик тилида.  
Тур. — турк тилида.  
Турк. — туркман тилида.  
Хоразмий. — қадимги хоразмий тилида.



Чув — чуваш тилида.

Қ. Қалп. — қорақалпоқ тилида.

Қоз. — қозоқ тилида.

Қарлуқ — ўзбек тилининг қарлуқ лаҳжасида.

Қирғ. — қирғиз тилида.

Қипч. — ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасида.

Ўйғ. — ўйғур тилида.

Ўғуз. — ўзбек тилининг ўғуз лаҳжасида.

Форс. — форс тилида.

2. БҒт. — Хоразм областининг Богот райони.

Берун. — Қорақалпоғистон АССР Беруний райони.

Гурл. — Хоразм областининг Гурлан райони.

Ман. — Қорақалпоғистон АССРнинг Амударё райони.

Т. кўл. — Қорақалпоғистон АССРнинг Тўрткул райони.

Тшз. — Туркманистон ССРнинг Тошовуз шаҳри ва Тошовуз райони.

Ург. — Хоразм областининг Урганч шаҳри ва Урганч райони.

Ханқа. — Хоразм областининг Ханқа райони.

Хива. — Хоразм областининг Хива шаҳри ва Хива райони.

Швт. — Хоразм областининг Шовот райони.

Я. ариқ. — Хоразм областининг Янгиариқ райони.

Я. бозор. — Хоразм областининг Янгибозор райони.

Қ. кўпир. — Хоразм областининг Қўшкўпир райони.

Ҳ. асп. — Хоразм областининг Ҳазорасп райони.

3. ДТС — Древнетюркский словарь. Л., 1969.

ДЛТ Девон — Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. Тошкент.

I Том — 1960, II Том — 1961, III Том — 1963.

Рдл — Радлов В. В. Опыт словаря тюркских наречий. Т. I—IV. СПб., 1888—1911.

СТ — «Советская тюркология».

СЭ — «Советская этнография».

ЎТА — «Ўзбек тили ва адабиёти».

Никонов. КТС. — Никонов В. А. Краткий топонимический словарь. М., 1966.

ТДС — Туркман дилининг сөзлуги. Ашғабат, 1961.

ЎзШЛ. — Ўзбек шевалари лексикаси. Тошкент, 1964.

## I БОБ. ХОРАЗМ ТОПОНИМИЯСИНИНГ СТРАТИГРАФИК ТАВСИФИ

Хоразм шеваларининг лингвистик хусусиятларини текширган кўпгина тилшунослар мазкур регионни тил хусусиятларига кўра ўрганиш қатор тарихий-лингвистик проблемаларини олдинга суришни қайд қилган эдилар. Бу проблемаларнинг бош аҳамиятга эга бўлганларидан бири шу шева вакиллариининг ташкил топиш тарихи ва генетик жиҳатдан ўзбек халқи таркибига кирган бошқа уруғдош этник группалар билан муносабати масаласидир<sup>1</sup>.

Сўнгги йилларда олиб борилган тарихий, этнографик, археологик ишлар Хоразм шеваларининг лингвистик хусусиятларини текшириш фақатгина мазкур шева вакиллариининг бошқа туркий халқлар билан муносабати проблемасини ўрганиш эмас, балки Хоразм шевалари вакиллариининг бошқа туркий бўлмаган, жумладан, Шарқий Эрон, Олд Осиёда яшовчи халқлар билан алоқаси масаласини ҳам кун тартибига қўймоқда<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Поливанов Е. Д. Узбекская диалектология и узбекский язык. Ташкент, 1933, с. 26—27; Уша автор. Материалы по грамматике узбекского языка. Вып. I, 1935, с. 13, 27, 28; Батманов И. А. Вопросы классификации узбекских говоров. — В кн.: Проблемы языка. Кн. I. Ташкент, 1934; Ғози Олим. Ўзбек лаҳжаларининг таснифидан бир тажриба. Тошкент, 1936, 21—22-бет; Решетов В. В. О диалектной основе узбекского литературного языка. ВЯ, 1955, № 1, с. 100—108; Уша автор. Узбекский язык. Ч. I. Ташкент, 1959, с. 73—74; Абдуллаев Ф. Хорезм шевалари. I. Тошкент, 1961, 248-бет; Уша автор. Хоразм шеваларининг таснифи масаласи. — Узбек диалектологиясидан материаллар. II. Тошкент, 1960, 51-бет.

<sup>2</sup> Толстов С. П. Аральский узел этногенического процесса. СЭ VI—VII. М.—Л., 1947, с. 309; Уша автор. Древний Хорезм. М., 1948, с. 197; Уша автор. По следам древнехорезмийской цивилизации. М.—Л., 1958, с. 80—86; Толстова Л. С. К вопросу о закавказско-преднеазиатских связях в этногенезе каракалпачков (мютенци) «Общественные науки в Узбекистане», 1966, № 4, с. 28; Уша автор. Некоторые вопросы исторической онтогенетики Хорезмского оазиса. — В кн.: Этнография имен. М., 1971, с. 245—254; Мендельштам А. М. Происхождение и ранняя история Кушан в свете археологических данных. — В кн.: Центральная Азия в кушанскую эпоху. Т. I. М., 1974, с. 190—196.

Хоразм халқининг этпогенетик жараёнида қайд этилган регионда яшаган ва яшаётган этник группаларнинг ҳамда халқларнинг маълум из қолдирганлиги кейинги даврда лингвистик фактлар билан исботланмоқда. Бу территориядаги халқнинг шаклланиши нақадар мураккаб шароитда содир бўлганлигини ҳис қилиш қийин эмас. Оролбўйи халқларининг (қорақалпоқ, ўзбек, туркман) этногенези ҳали аниқ бўлмаган қадимийликка бориб тақалиши ҳам маълум тарихий шароит билан изоҳланади. Маълумки, мазкур территория (Оролбўйи) ўзининг географик шароити билан турли этногенетик ва маданий алоқаларнинг тўқнашган, аралашган ўрни бўлган. Хоразм воҳасининг Ғарб ва Шарқ мамлакатларини бир-бири билан боғловчи йўлда жойлашганлиги ва бошқа тарихий-сиёсий шароитлар бу ерда бир томондан Урал, Волгабўйи ва Ғарбий Сибирь халқларининг, иккинчи томондан Урта Осиё, Эрон, Олд Осиё, Закавказье халқлари ва бошқа томондан Ҳиндистон этник группаларининг (тили, маданияти) аралашушига, тўқнашувига сабаб бўлган. Дарҳақиқат, Хоразм воҳаси территориясида унинг узоқ асрлар давомидаги тарихий жараёнида тили жиҳатдан турли тиллар оиласига кирувчи ва турли манбага боғланувчи кишиларнинг яшаганлиги маълум. Бу шубҳасиз, ҳозирги Хоразм шевалари (ва умуман туркий тилларнинг кўпчилигида) лексикасида хусусан, тарихий топонимиясида ўз изини қолдирган.

Ҳақиқатан ҳам Хоразм аҳолисининг этник таркиби ўтмишда жуда мураккаб ва хилма-хил бўлганлиги, аynиқса бу хусусият унинг жанубий қисмида жуда аниқ сақланганлиги кўпгина тарихий-этнографик асарларда қайд этилди<sup>3</sup>.

Ҳозирги даврда Хоразм территориясида ўзбек тилининг ўғуз ва қипчоқ лаҳжаларига мансуб бўлган шева вакиллари истиқомат қилади. Гарчи бу аҳоли бир-бирига жуда яқин территорияда яшаса ҳам, улар орасида узлуксиз иқтисодий ва маданий алоқалар мавжуд бўлса ҳам ҳозиргача ўзига хос тил хусусиятларини сақлаган. Бу лаҳжаларни лингвистик планда текширган

<sup>3</sup> Вамбери А. Путешествие по Средней Азии в 1863. СПб. 1865. с. 130—135; Толстов С. П. Города гузов.— СЭ, 1947, № 3, с. 100; Волин С. К истории древнего Хорезма. Вестник древней истории, 1941, I, с. 192—196; Якубовский А. Ю. Вопросы этногенеза туркмен.— СЭ, 1947, № 3, с. 49; Сазонова М. В. К этнографии узбеков Южного Хорезма. Археологические работы Хорезмской экспедиции 1947—1948. М., 1952, с. 247—248.

лаҳжувослар Хоразм территориясидаги шевалар лексикасида мавжуд муҳим бир фактни қайта-қайта қайд қилган эдилар. Бу шеваларда араб ва тожик тилларига алоқадор бўлган шундай лексик элементлар борди, улар марказий ўзбек шеваларидаги араб-тожик лексик қатлампидан фарқ қилади. Бундан ташқари, Хоразм шеваларининг лексикаси ҳозирча бизга аниқ бўлмаган лексик қатламга эгадирки, бундай сўзлар қадимги хоразмликлар тилида кириб қолган деб тахмин қилинади<sup>4</sup>.

Ҳақиқатан ҳам Хоразм шевалари лексикасини, хусусан унинг топонимиясини кузатиш мазкур шевада қадимги хоразмий тили элементлари сақланганлигини кўрсатди. Гарчи бу тил XIII—XIV асрларда йўқолиб туркий тиллар билан аралашиб, ассимиляцияланган бўлса ҳам ҳозирги кунда Хоразм топонимиясида кўпгина грамматик ва лексик элементлар сақланган, шубҳасиз бу тилнинг эрон тиллари оиласига, аниқроғи унинг шарқий эрон (восточноиранская ветвь) тармақига мансублигини исбот этади. Кўпгина топонимик асослар (ТО) ва топонимик формант (Ф)лар ҳозирги форс тили асосида жуда аниқ изоҳланади. Аммо топонимлар ерасида шундай ТО ва Ф мавжудки, уни ҳозирги форс тили материал асосида изоҳлаш мумкин эмас. Бу факт Хоразм топонимиясида субстрат номларининг ўзига хос лингвистик хусусиятларга эга эканлигини кўрсатади. Айни вақтда улар хоразмликлар этногенезида эрон элементларидан фарқ қилувчи бошқа этник элементлар ҳам иштирок қилган бўлиши мумкин деб ҳулоса қилиш учун асос бўла олади.

Умуман Хоразм топонимияси халқ тарихи, унинг тили ва ижтимоий ҳаёти билан ҳамоҳанг шакллана борди. Хоразм топонимиясининг ривожланиш ва шаклланиш босқичларини бир неча даврларга бўлиб текшириш мумкин.

1. Хоразмий даври. Бу давр гарчи қатор тиллар ва халқларнинг аралашуви ва ассимиляцияси билан характерланса ҳам унда хоразмий тилининг лексик хусусиятлари сақланган.

2. Ораллиқ даври. Хоразм топонимияси шаклланишининг бу даври эрамининг IV асридан то мўғул

<sup>4</sup> Абдуллаев Ф. А. Хоразм шевалари, 236-бет; Ишаев А. 13-асрнинг ўзбекских говоров Каракалпакии.— В кн.: Вопросы терминологии Ташкент, 1965, с. 112—113; Мадрохимов А. Исследования по лексике огузского наречия узбекского языка. АДД. Ташкент, 1978, с. 18—19.



истилолари давригача бўлган оралиқни ўз ичига олади. Бу даврда Хоразм аҳолиси икки тиллилиги билан яъни хоразмий ва туркий тилларда сўзлашганлиги ва турли этник гуруҳларнинг аралашуви билан характерланади.

3. Туркий-мўғул даври. Бу даврда Хоразм топонимияси турли турк-мўғул компонентларининг вужудга келиши ва айниқса, ўзбек тилининг Хоразм шевалари шаклланишининг дастлабки даврига хос элементларни ўзида мужассамлаштирганлиги билан фарқланади. Бу этапда Хоразмдаги аҳоли ҳар хил этник гуруҳлар, турли туркий халқлар билан алоқага киришган. Шу жиҳатдан ҳам анча мураккаб даврдир. У Улуғ Октябр гача бўлган оралиқни ўз ичига олади.

4. Янги даври. Бу этап Улуғ Октябр социалистик революциясидан кейинги — бизнинг давримизни ўз ичига олади. Бу даврда вужудга келган номларни бошқалардан фарқлаш учун неотопонимлар деб аташ маъқул.

### Хоразмий даври

Бу давр Хоразм топонимиясининг энг мураккаб ва узоққа чўзилган этапидир. Унинг мураккаблиги шундаки бу даврга хос (ёки шу даврдаги тилларга мансуб) топонимлар узоқ муддат давомида бир неча халқ томонидан ўз талаффузига мосланган. Айниқса сўнгги туркий адаптация, ҳинд-европа тилларига хос номларнинг фонетик тузилишини бутунлай туркийлаштирган. Шундай экан, Хоразм топонимиясидаги бу даврга хос номларни бошқа ҳинд-европа ва асосан эрон тилларига хос топонимлар билан қиёсий ўрганиш орқалигина уларнинг келиб чиқиши ҳақида бирор хулосага келиш мумкин. Иккинчидан, бизнинг давримизгача етиб келган кўпгина шаҳар ва сўғориш иншоотлари кейинги аҳоли томонидан бошқача аталган. С. П. Толстовнинг ёзишича, харобаларнинг озгинагина қисми эски номини сақлаган бўлиб, бу номлар тарихий традициялар тизмасини англаб олиш имконини беради<sup>5</sup>. *Көхнә Ургәнч*, *Займаҳшар*, *Дарбанд* харобалари, ўрта асрдаги *Дарған*, *Шорахан* харобалари шулар жумласидандир. Харобаларнинг асосий кўпчилиги ҳозир расм бўлган номини кўп асрлар ўтгандан кейин олган. Шунинг учун

<sup>5</sup> Толстов С. П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, 1964, 27-бет.

(ам йирик шаҳарлар дарё ва каналлар ёзма манбалар-  
та бир неча ном билан юритилади. Масалан, Хоразм-  
нинг қадимги маркази *Фил, Фир, Кас, Кят, Хоразм*  
номи номлар билан аталган. Жумладан. Ибн Хавқал  
«Касни Шаҳристон ҳам дер эдилар» — деб ёзса<sup>6</sup>, Ибн  
Суродобек (вафоти 300/912) *Хоразм* шаҳри билан *Кят*  
наҳрини ҳам эслаб ўтади. Ал-Беруний ўзининг «Ки-  
тобул-футуқ» асарига Хоразм уч шаҳардан ташкил  
тоганини, *Ал-Фир* шаҳарнинг энг мустаҳкам қисми  
эганини ёзади<sup>7</sup>. Кейинги адабиётларда ва Хоразм шева-  
ларида номнинг. *Пил (Фил)* формаси қўлланади. Биз-  
нишча, бу ҳам маълум қонуниятга эгадир. Чунки ҳар  
бир давр ўзига хос ном қўйиш услуби ва моделига эга  
бўлган. Бундан ташқари, Хоразм территориясида турли  
тилда гаплашувчи халқлар яшаганини эсласак, шаҳар-  
ларнинг ҳар бир номи бизни халқ тарихининг маълум  
даврига бошлайди. Дарҳақиқат, *кят, кас, қала, вара,*  
*тур* каби топонимик индикаторлар дунё мамлакатлари  
топонимиясининг деярлик кўпчилигида учрайди. Қизи-  
қи шундаки, бу сўзларнинг ҳаммаси ҳам Хоразм тари-  
хий топонимиясида мавжуд. Улар узоқ даврлардан  
бизга етиб келган топонимлар таркибида иштирок эта-  
ди. Тарқалиш ареали ниҳоятда кенг бўлган бу инди-  
каторлар қўлланиш даврига кўра ҳам турличадир.

«Авесто»да *вара* индикатори қатнашган айрим ном-  
лар учрайди.

Бу, шубҳасиз, унинг қадимийлигидан далолат бера-  
ди. Хоразм пойтахтининг *Пил* ёки *Фир* номи ҳам шуб-  
ҳасиз шу термин билан алоқадор (бу сўзларнинг маъ-  
носи ҳақида қўйироқда тўхталамиз). Кейинги ёзма  
манбалардан маълум бўлишича, Хоразм топонимияси-  
нинг катта бир даврини ўз ичига олувчи кўпгина ном-  
лар *кас* элементини ўзида сақлаган. Сўнгра бизга  
маълум бўлмаган турли сабабларга кўра (шубҳасиз,  
бунда экстроллингвистик факторлар ҳам муҳим роль  
ўйнаган) бу элемент *кят* формасига эга бўлган. *Кят*  
индикаторининг тарқалиш ареали ҳам жуда катта бў-  
либ турли халқлар топонимларининг вужудга келиши-  
да иштирок этган. Урта Осиё, Сибирь ва Кавказ рес-  
публикаларида *кят* элементини сақлаган топонимлар  
анчагинадир. *Қала* элементи ҳам ўзининг тарқалиш  
географиясига кўра жуда катта бўлиб, Урта Осиё,  
Фрон, Олд Осиё, Араб мамлакатлари ҳамда Кавказ

<sup>6</sup> Материали по истории туркмен и Туркмени, с. 183, 186.

<sup>7</sup> Норқулов Н. Қ. Беруний ва Хоразм. Тошкент, 1973, 19-

республикаларини ўз ичига олади. Бу сўз иштирок этган номлар айрим Европа мамлакатларида ҳам учради. Шундай экан, бу топонимик элементлар ўзининг қўлланиш ареали ва тарихи билан шунингдек, ўз этнологиясига кўра бизни Хоразм халқлари алоқа қилган турли-туман этник группалар ва тиллар олами билан боғлаши шубҳасиздир.

Шуларни назарда тутган ҳолда биз хоразмий даврининг шаклланиш ва ривожланиш этапларини ушбу терминлар билан аташни маъқул топдик, яъни Хоразм топонимиясининг *Пур* элементи этапи (*пур* этапи), *Қас* элементи этапи (*қас* этапи), *Қат* элементи иштирок этган этап (*кат* этапи) ҳамда *Қала* элементи этапи (*қала* этапи) каби.

Хоразмнинг узоқ тарихи давомда бу территорияда маълум бир тилда сўзлашувчи халқлар доимий яшаганлиги ва бу ерда турли тил вакиллари алоқага киришиб турганлигини эътиборга олсак, фикримизнинг яна ҳам асосли эканлигига шубҳа туғилмайди. Ҳақиқатан ҳам С. П. Толстов таъкидлаганидек, Хоразмдаги қадимги тилларни бирор ном билан аташ нотўғри бўлар эди<sup>8</sup>.

а) *Пур* этапи. Бу этапга *Хоразм*, *Жайхун*, *Варағдеҳ*, *Варағзон*, *Пил*, *Говхур* каби топонимларни киритиш мумкин.

*Хоразм*. Бу топонимнинг жуда қадимийлиги қатор манбалардан маълум. Унинг турли манбаларда турли шаклда («Авесто»да *Hvairizem*, лотинча *Chorasmia*, вавилонча *Humarizma*, эламча *Marazmis*, араб манбаларида *Xwarzm*, янги эранинг VIII асрига оид хоразмий тангаларида *Xwazm*, қадимги форс тилида *Uvarazm* каби) тилга олиниши ҳам унинг жуда узоқ даврларда бизга етиб келганини кўрсатади. Топонимнинг келиши чиқиши тўғрисида ҳам турли фикрлар мавжуд бўлиб унинг маъноси турлича изоҳланади. Жумладан, бу сўз «паст текислик ер» (Клипперт ва Лерх), «унумдор ер» (Бюрнуф, Захау, ГеҶгер) ёки аксинча «ёмон, унумдор ер» (Юста ва Шпигель) деб изоҳланган. Айрим таъкидчилар топонимни *Xurr*, *Xoršed* «қуёш» сўзи билан боғлайдилар (Савельев) яъни Хоразм «қуёш ўлкаси» демакдир<sup>9</sup>.

<sup>8</sup> Толстов С. П. Аральский узел этногенического процесса. СЭ. VI—VII, 1947, с. 309.

<sup>9</sup> Бу ҳақда қarang: Толстов С. П. По следам древнехорезмийской цивилизации. М.—Л., 1948, с. 80.



Барча тадқиқотчилар топонимни икки қисмдан иборат, унинг иккинчи қисмини *zm, zet* деб ўқийдилар. Бу сўз ҳинд-европа тилларидаги *er, ulka*, яъни форсча «земля», рус.: «земля» демакдир. Аммо номнинг биничи компонентини эрон тиллари асосида ҳал қилишнинг турли вариантларининг вужудга келишига сабаб бўлган. С. П. Толстов топонимни этник ном орқали боғлайди, яъни Олд Осиёдаги Митанни давлатининг асосчилари бўлган кабила-хуррит номи билан боғлайди, яъни Хоразм—«Хварри-зем» (хурритлар ери, ўлка) маъносида бўлса керак деган фикрни билдиради<sup>10</sup>.

Дарҳақиқат, қадимги Хоразм билан Митанни ўртадаги алоқаларни тасдиқловчи қатор тарихий маълумотлар мавжуд. Қадимги хуррит-митанни алоқалари шунингдек, Хоразм-хетт муносабатлари албатта бу алоқалар маданиятида ўз изини қолдирган. Баъзи тадқиқотчилар қорақалпоқ халқи таркибидаги муйтен этноними, шунингдек, Зарафшон ўзбекларининг митан дегани номини худди шу Митанни давлатининг номи билан алоқадор бўлса керак деган фикрни ўртага таштайди<sup>11</sup>.

Умуман Хоразмнинг бу қадимги этник группалар билан алоқаси шубҳасиздир. Буни хуррит ва хетт тилларидаги қатор сўзларнинг фонетик ва семантик жиҳатдан ҳозирги Хоразм шеваларидаги сўзларга ўхшашлигида ҳам кўриш мумкин. Қиёсланг: *adšu* (яхши), рус.: «хороший», *yakrt* (печень), хоразм.: *игирит* — «товуқнинг чала ташлаган тухуми», эрлик уруғи, *het.*: *malit* рус.: «мед», хоразм.: «бол асал»<sup>12</sup> ёки *het.*: *Tiura* «города»<sup>13</sup> ҳозирги туркий тилларнинг айримларида «қишлоқ» маъносида айниқса, Фарбий Сибирь топониминида анча сермахсулдир.

Қиёсланг: хур.: *atta* (i), рус.: «отец», хоразм.: «ота» *dedushka*, ад. орф.: *ота* «отец», хур.: *amma* *мать*, хоразм.: *амма* — «отанинг синглицси». Хуррит тилидаги айрим кўрсатиш характеридаги, яъни маъносига кўра кўрсатиш олмошлари қуйидагича: *andi, anni, agu, akki,*

<sup>10</sup> Уша асар, 81-бет.

<sup>11</sup> Толстов Л. С. Некоторые вопросы исторической онографии Хоразма — В кн.: Этнография имен. М., 1971, с. 250.

<sup>12</sup> Иванов В. В. Из истории индоевропейской лексики клинописного хеттского языка. Преднеазиатский сборник. М., 1961, с. 326—327.

<sup>13</sup> Георгидзе Г. Г. К вопросу о локализации и языковой структуре баскских этнических и географических названий. Преднеазиатский сборник, с. 203.

хур.: *inna* вот, хоразм.: *ина* (мана), *хунда* (у ерда ху(у))<sup>14</sup>.

Хоразм шевалари ва хуррит тилларидаги бу ўхшашлик бизни Хоразм — хуррит муносабатини тасдиқладан ташқари, туркий тиллар шаклланишидаги ҳин европа элементларининг иштироки томон олиб боради.

Дарҳақиқат, туркий тилларнинг қадим замонлар настрат тиллар оиласига (бу тилларнинг маълум би группасига) мансуб бўлганлиги ҳақидаги фикр ўзбек тилшунослари томонидан айтилган эди<sup>15</sup>.

Бундай муносабатни ўзбек тилидаги айрим лексик ва грамматик элементларнинг яқинлигидан ҳам кўриш мумкин. Ҳаракат номи ясовчи *-tag* (моқ) аффиксининг ҳозирги немис тилидаги *tachen* (ишламоқ), голланд. *taken* (ишламоқ), саксон. *tak+o+n*, қад. ингл. *tac+ia+n* каби феъллар билан алоқаси ёки туркий тилларнинг, умуман олтой тилларининг жуда қадим замонлардаёқ бошқа тиллар (жумладан Европа ва Осиёдаги тиллар) билан алоқадор бўлган<sup>16</sup> деган фикрнинг тўғрилигини кўрсатади.

Шундай қилиб, ўзбек тили, жумладан Хоразм шеваларидаги бундай лексик ва грамматик ўхшашликлар айрим топонимик номларнинг этимологиясини қариндош бўлмаган ёки умуман ҳозир фақат қолдиқларигина қолган тиллардан излаш учун асос беради. Бундай грамматик ва лексик параллеллар бизни Хоразм — хет муносабатлари билан боғлайди.

Л. С. Толстова топонимнинг асосида хурритча *haw(u)r* «ер» рус.: «земля» сўзи ётган бўлиши керак деган фикрни билдиради, яъни (*haw(u)* → *huva* → *xāw*) шаклида ўзгарган, сўнгра эрон тилларига мансуб кишилар сўзнинг маъносини унутиб *zet* (ер)ни яна бир бор қўшган<sup>17</sup>.

Бизгача етиб келган ёзма манбаларнинг энг қадимгиларидан бири «Авесто»дир. Шунингдек, бошқа қатор ёзма ёдгорликларида Хоразм номининг биринчи қисми фонетик жиҳатдан анча ўхшаш. Қиёсланг: қад

<sup>14</sup> Дьяконов И. М. Сравнительно-грамматический обзор хурритского и уратского языков. Преднеазиатский сборник. М. 1961, с. 373, 418—419.

<sup>15</sup> Ишаев А. *-мақ* аффиксининг этимологияси. — «Ўзбек тили ва адабиёти», 1975, 5-сон. 69—71-бетлар.

<sup>16</sup> Васкаков Н. А. Ареальная консолидация древнейших наречий и генетическое родство алтайских языков. Проблемы общности алтайских языков (тезисы докладов на первой алтайской конференции). Л., 1966, с. 9.

<sup>17</sup> Толстова Л. С. Кўрсатилган асар, 252-бет.

ре. *Uvara* (*Uvararmis*), вавилон.: *Humari* (*Humarai*), эламча *Mara* (*Marazmis*), ар.: *Xwar* (*Xwarizm*), эрон.: тангаларида *Xwr* (*Xwrzm*) каби. Бу вариант-нинг «Авесто»да тилга олинган *vara* билан жуда яқинлигини кўриш мумкин. *Vara* — деворлари билан одам яшайдиган «шаҳар», яъни «истеҳком, турар йўл» деган маънодадир<sup>18</sup>. *Vara* ҳозир ҳам номлар тартиб-ида *Var*, *Vur*, *Bur*, *Буру* каби вариантларда учрайди. Шунингдек, эрон, сўғд тилларида унинг *par*, *парак* варианты ҳам мавжуд (*v > n* ҳодисаси изоҳ талаб қилинган фонетик ўзгаришдир). Бу сўзларнинг деярлик ҳаммасида «қўрғон, девор, истеҳком, шаҳар» каби маънолар мавжуд. Қиёс қилинг: *Варакша* (ахшилар, тил қабиласи қаласи), *Варданзи*<sup>19</sup> (подшоҳларнинг ҳукумат қўрғони, қароргоҳи) ва ҳоказолар.

Бизнинг фикримизча, Хоразмнинг қадимги пойтахти *Фир* (*Фир*) ҳам шу сўз билан боғлиқ. Ҳозирги даврда *Фир* шакли қонуний ўзгаришдир, яъни туркий тилларида *f* товушининг йўқлиги сабабли *f > n*, шунингдек, *Фир* бўлган. Бу шаҳарнинг *Фир* шаклида ёзилганлиги билан манбалардан маълум.

Беруний «Ал Фир ўн милча ва ундан кўпроқ масофада кўрилар» деди. Жайхун ҳар йили уни парчалаб, шиб ва ниқитиб кетаверди, ниҳоят Искандар тарихининг минг уч юз бешинчи йилида ундан асар ҳам қолди»<sup>20</sup>, деб ёзди.

Шундай экан *Фир* топоними: *Пур > Фир > Пир > Фир* шаклида ўзгарган. *Пур* компоненти этимологик жиҳатдан *Варга* алоқадор бўлса керак. Ҳозирги Ҳиндистонда «Фир» сўзи «шаҳар» маъносини билдирилади. Масалан: *Фирпур*, *Сингапур*.

Қадимги кушонлар империясининг пойтахти ҳам *Фирпур* (*Шопур* шаҳри — *Шопур* шу империя ҳукмдорлигининг исми) деб аталган. Ҳиндистоннинг Шимоли-Гарби томонидаги бир шаҳар *Джайпур* деб юритилади. (Беруний: *Джайя*—*голиб*, *музаффар*, *пур*, шаҳар (Никонов, КТС, 121).

Ҳиндистоннинг шимолидаги *Мирзапур* ҳам худди «Фир» сўзи асосида (*Мирза-князь*, санс.: *пур-шаҳар*—*Мирза-шаҳри* каби) вужудга келган.

<sup>18</sup> Тоғустон С. П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 102-бет.

<sup>19</sup> Дусанмов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача тарихи, Тошкент, 1977, 37—38, 46-бетлар.

<sup>20</sup> Васселовский Н. Очерки историко-географических сведений о Хиндском ханстве. СПб., 1877, с. 24.



Ҳиндистоннинг пойтахти Деҳли шаҳри «Махабх рата»да қайд қилинган шаҳар ўрнида X асрда бари этилган. Бу шаҳар *Индрапрастха* деб аталган. Птоломейнинг ёзишича шаҳар *Индабара* (ҳинд шаҳри, ҳинд қўрғони) деб юритилган (Никонов. КТС, 118).

Шундай қилиб, *пур* сўзининг «Авесто»даги *вара* билан алоқаси шубҳасиздир. Қизиғи шундаки, венг тилида ҳам *варош* «қалъа» (укрепленный город) дег маънони билдиради (Никонов. КТС, 75). Бу Хораз топонимиясида учрайдиган *можар* этнотопонимини сақланиб қолганлиги тасодифий бир ҳол эмаслигин кўрсатади. *Вара*, *пар* элементининг тарқалиш ареали анча кенг. Немис тилидаги *бург* ҳозирги кунда ҳам қўллаб топонимлар таркибида учрайди (Аугсбург, Гамбург, Магдебург каби) ва «шаҳар» (укрепленный город) маъносини англатади<sup>21</sup>. Бу ҳам *вара* компонентининг фонетик вариантыдир. Булардан ташқари, айрим ўзбек шеваларида *парак* сўзи «тўсиқ, девор» маъносини англатади. Республикамиздаги *Кампарак* (*канти парак* «шаҳар девори» маъносига) топоними шу сўз асосида ясалган. Бухорода шаҳар ва қишлоқларни ўралган девор ҳам шундай юритилади, яъни *парак* дейилади. Тошкент областидаги *Паркент* қишлоғининг биринчи қисми шубҳасиз *пар* (девор, тўсиқ) сўзи билан алоқадор. *Паркент* — «тўсиқли, ўралган шаҳар» демакдир. Юқори Зарафшон ва Яғноб топонимиясида *варак* компоненти билан ясалган бир қатор номлар мавжуд: *Катвара*, *Чукривара*, *Шунчивара*, *Ғазвара*, *Чугривара*, *Зирквара*, *Ғажвара*<sup>22</sup> ва ҳоказо.

*Пар*, *вара*, *пур* каби вариантларга эга бўлган бу сўзнинг семантик доираси ҳам жуда кенгдир. Бу сўз *девор*, *қўрғон*, *қалъа*, *шаҳар*, молларни қамайдиган «*тўсиқ*, *чегара*, *ғов*» каби ўнлаб маъноларни ифодалайди. Бундан ташқари, бу сўзнинг «қирғоқ» (эрон.: *бар*, авест.: *пара*) каби маънолари ҳам мавжуд (Никонов. КТС, 251).

Шундай қилиб, *вара* компонентининг тарқалиш ареали жуда кенг бўлиб, бу унинг анча қадимийлигини дан далолат беради. Кузатишимизча, бу сўз икки йўналиш буйича тарқала борган. Биринчи йўналиш «Авесто»даги шаклига анча яқин бўлиб кавказ, венгер ҳамда эрон тилларини ўз ичига олади.

<sup>21</sup> Русско-немецкий словарь. М., 1977, с. 166, 239.

<sup>22</sup> Хромов А. Л. Согдийская топонимия Верховьев Зеравшана — В кн.: Топонимика Востока. М., 1969, с. 95.

Иккинчи йўналиш Ҳиндистон ҳамда герман тилла-  
рини бирлаштирган. Бу сўзнинг Хоразм топоними тар-  
қибдаги шакли унинг дастлабки формасига анча яқин-  
дир. Бу мазкур сўз худди шу Хоразм территориясидан  
и тил жиҳатидан хоразмийларнинг асосини ташкил  
лаган этник группа томонидан тарқалган бўлиши  
мумкин. Мазкур сўзнинг *пур* шакли кейинчалик хо-  
размий тили шакллангандан кейин вужудга келган. Бу  
сўзнинг вужудга келиши даврдан ҳам кўриниб ту-  
ради.

«Ал Фир Хоразм шаҳри яқинидаги қалъа эди,— деб  
ади Абу Райҳон Беруний,— у лой ва хом гиштдан  
қилинган бўлиб, бири ичига иккинчиси баланд учта  
ворибор эди ва уларнинг ҳаммасидан подшолар-  
нинг кўшкни баланд эди ва (Африғ) ўз кўшкни Искан-  
дердан кейин 660 йилда Ал Фирнинг ичига солди»<sup>23</sup>.

Булардан шу нарса маълумки, Беруний таърифла-  
ни африкийлар ҳукмронлигидан олдин ҳам *Фир* шаҳ-  
ри мавжуд бўлган. Хоразмликлар атрофи ўралган бу  
шаҳарни оддийгина *Пир* ёки *Пур* «қўрғон» деб атаган-  
дир. Шундай қилиб, хоразмий тилини ташкил этган  
элементларда ҳинд тилини вужудга келтирган эле-  
ментларнинг ҳам излари борлиги маълум бўлган. Ўзбек  
тиллари ичида фақат Хоразм диалектига хос бўлган  
*пур* — «канал, ариқ» сўзи санскритча *ar* — «оқим» сўзи  
билан алоқадорлиги тасодифий эмас. Бу сўз худди шу  
шаклда протохеттча *манба*, *булоқ* маъносини ифода-  
лади. Қиёс қилинг: *Иртиш* < санскрит.: *ир* «течь, уст-  
емляться», *arka* қад, эрон.: санскрит.: «бурлящий бушу-  
ющий, колышающийся поток» ёки *Ардон* < *ar* + *дон*, осет.:  
«бешеная река», *Ировада* (в Бирме) «бурная река»<sup>24</sup>.

Хоразм топонимининг келиб чиқишини ҳам гарчи  
у *вара* элементи билан изоҳласак, унинг маъносини  
дегаралаган, тўсилган ер, ўлка» деб тушуниш  
мумкин.

Хоразмий даврининг *Пур* этапига мансуб деб ҳисоб-  
лаш мумкин бўлган топонимлар ичида *Варағдеҳ* ва  
*Вараган* номларини ҳам қайд этиш керак. Кўриниб  
турибдики, бу номлар ҳам икки қисмдан тузилган. Би-  
ринчи қисми юқорида қайд қилинган *Вара* элементи-  
дир. Гарчи бу номлар келиб чиқиш хронологиясига кў-

<sup>23</sup> Ҳиндистон С. П. По следам древнехорезмийской цивилиза-

<sup>24</sup> Писова В. И. Нетюрские гидронимы Павлодарской об-  
ласти // Итоги Pronхождение аборигенов Сибири. Томск, 1969,

ра анча кейинги даврга мансуб бўлса ҳам *ТО* ўз семтикаси билан Хоразм топонимиясининг энг қадим даврига бориб боғланади. *Варағ* компонентидаги ёки (-ағ) кичрайтириш маъносига эга бўлган қўшма чадир. У ҳозир ҳам эрон тилларида мавжуд.

Шуни айтиш лозимки, -ак аффикси ўзининг маъно ва функцияси билан ўзбек тилидаги -оқ аффиксига ўхшашча яқин. Ўзбек тилида ҳам -оқ аффикси кичрайтириш маъносини ясайди. Масалан: *Мўйноқ* < *Мўйин* // *бўй* > < *Мўйин* + оқ, «перешейка» — дарёнинг бурилиб бўйига ўхшаш жойи. Шундай экан, *варағ* — «қўрғонча» макдир.

Топонимнинг иккинчи компоненти *зон* ва *деҳ* топонимик индикаторлардир. *Зон* элементи ҳозирги кунда ҳам Яғноб топонимиясида сақланган, яъни сўз охири *н* < *й* содир бўлган. *Зой* (*зон*) — «экин майдони», рус. *земельный участок* маъносини ифодалайди<sup>25</sup>. -*деҳ* компоненти олдин тилга олиб ўтганимиз *даҳа* ёки *да:*ани бошқа бир вариантдир. -*деҳ* компоненти ҳам келгачикишига кўра анча қадимийдир. «Авесто»да ёзиш жамият асосини уруғ ташкил қилган. Уруғлар «вис» деб аталган. У маълум бир қишлоқ аҳолисидан ташкил топган бўлиб, қишлоқнинг ўзи ҳам «вис» деб юритилган. (Бу кейинги *диз* [в > д]дир). Бир неча уруғ бирлашиб *зантуни* ташкил қилган. Ниҳоят қабилалар иттифоқи ёки вилоят *даху* ёки *дахйу* деб юритилган<sup>26</sup>.

*Дахйу* сўзи Ўрта Осиё топонимиясида, жумладан Хоразмдаги топонимлар таркибида учрайдиган *даҳа* айланган: *даху* > *дахйу* > *даҳа* каби. Шундай экан *Варағдеҳ* топоними таркибидаги «деҳ» ҳам «даҳа» билан алоқадор деб қараш лозим. Сўз охиридаги унли товунинг тушиши ўша даврга хос фонетик хусусият бўлган керак. Демак, *Варағдеҳ* — «Вилоят қўрғони ёки маркази» деган маънони ифодалаган.

Хоразм топонимиясининг *Пур* этапи Хоразм халқининг ва қадимда мавжуд бўлган хоразмий тилининг вужудга келиши, шаклланиши ўз илдизи билан жумладан қадим даврига бориб боғланишини кўрсатади.

Хоразм топонимиясида учрайдиган турли хил элементларнинг мавжудлиги хоразмий тилининг шаклланишида ҳинд-европа тилларига хос этник группаларнинг таъририга алоқадор.

<sup>25</sup> Хромов А. Л. Историко-лингвистическое исследование Ягноба и Верхнего Зеравшана. АДД. Душанбе, 1971, с. 51. Он Согдийская топонимия Верховьев Зеравшана, с. 95.

<sup>26</sup> Толстов С. П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, бет.



интироки тўғрисида гапиришга асос беради. Умуми, бу босқичдаги топонимик номларнинг яратувчиси уларнинг сўнги даврларида эрон тилларига раб ривожланганлиги ёки уларга эрон тилларидаги ик элементларнинг таъсири кучлироқ бўлганлиги иқ. Буни айниқса хоразмий даврининг *кас этапи* қол кўрсатади.

б) *Кас этапи*. Хоразм топонимиясининг бу босқичи унинг кўпгина лингвистик белгилари билан шунинг Эрон топонимиясидаги қадимги элементларга иш туради. Бу даврда айрим топонимларда хоразмий тилга хос баъзи фонетик хусусиятлари ҳам кўришиши мумкин. Жумладан, баъзи номларда *с* ва *t* товушлари мос келади, яъни бошқа эрон тилларида *t* ундоланган қўлланилган уринларда Хоразм топонимларида *с* қўлланилади. Қиёс қилинг: *Кас* (эрон. Кат), *Хушмисон* (эрон. Хушмитон), *Ардахушмисон* (эрон. Ардахушмитон) каби. Умуман, ном таркибидаги *мисон* элементи эрон форс тилларида *maethana*, янги форс тилида *мей-на* шаклида қўлланилади.

Ўрта форс тилидаги шаклида бу сўз *h* (ҳ) бўғизини билан айтилади. Хоразмий тилида мазкур топоним сақланган<sup>27</sup>.

Умуман, Хоразм топонимиясининг бу босқичи кўпгина лексик-грамматик хусусиятлари билан ҳозирги туркий тилига анча яқиндир. Кўпгина тарихий ёднома-ларда *ос* ва *алан* қабилаларининг ҳозирги яшаб турган жойларига Ўрта Осиёдан кўчиб борганлиги қайд этилади. Бу ҳақдаги илк маълумот Абу Райҳон Беруний тилига тааллуқлидир. Олдин қайд этганимиздек, Амударё ўз йўлини ўзгартиргандан кейин унинг йўлидаги қўпгина халқлар, жумладан *ос* ва *алан* қабилалари Ҳар денизи томонга кўчган, уларнинг тили бажанак ва хоразмий тилининг қўшилишидан ҳосил бўлган — деб ёзган эди у. Аммо *алан*ларнинг кўчишига қарата шу табиий ҳодиса сабаб бўлган дейиш унчалик тўғри бўлмас эди. Буларнинг кўчиши туркий қабилаларнинг ҳужумлари билан ҳам алоқадор бўлиши ҳақиқатга анча яқиндир. Беруний таъкидлаганидек, уларнинг тилларида бажанак (яъни қипчоқ) тилларининг яқинлиги ҳам шу фактга ишора этади. В. И. Абабидин *алан* қабиласи Шимолий Кавказга Ўрта Осиёдан кўчган бўлса керак, чунки бу ер эрон халқларининг ўтлабки ватани деб тахмин қилади. Унинг фикрича, *алан*лар бу узоқ масофани босиб ўтиш, турли хил

<sup>27</sup> Фрейман А. А. Хорезмийский язык. М., 1950, с. 11.

туқнашувлар ва урушларни енгиши ҳамда бошқа жер  
да мустаҳкамланиши, дарҳақиқат юзлаб йиллар да  
мида ўз тили ва маданиятини сақлаш учун жуда  
сонда оммавий равишда ҳаракат қилган бўли  
керак<sup>28</sup>.

Шундай қилиб, ҳозирги Хоразм территориясида  
райдиган *ос* ва *алан* компонентли топонимлар у  
давр билан алоқадор деган хулоса қилишимиз мумкин.

Шундай экан, аланларнинг хоразмийлар билан  
носабати ва уларнинг тил жиҳатдан хоразмий тили  
яқин бўлганлиги аниқдир. Дарҳақиқат, буни ҳозир  
Хоразм шеваларида мавжуд бўлган кўплаб лексик э  
ментларнинг ҳозирги осетин тили лексикасида ҳ  
борлиги яна бир бор тасдиқлайди. Қиёс қилинг: осе  
*zarda*, рус.: *сердце*, хоразм.: *зарда*, *зардаси куймоқ*, *за*  
*доб*, қад. эрон.: *zardayo* (заъфарон), осет.: *dändag*; қа  
эрон.: *danta*, форс.: *danda*; хоразм.: *dändan* — тиш, ру  
зуб, осет.: *marg*; хоразм.: *марг*, *заҳар*; осет.: *kard* но  
қад. эрон.: *karta*, форс.: *kard* — *меч*, *нож*, хоразм  
*дукорд* (*ду+корда*) *қайчи*, рус.: *ножница*<sup>29</sup> ва бо  
қалар.

Булардан ташқари топонимлар таркибида ўнли  
терминлар мавжудки, улар Осетия ва Хоразм топон  
миясида маъно ва фонетик тузилишига кўра ўхшашди.  
Бу қайд этилган маълумотлар бизга осетин ва хора  
мий тилларининг яқинлиги ҳақида хулоса чиқариш уч  
тула асос бўлади. Шундай экан, бизни қизиқтираётг  
*кас* босқичидаги айрим номларни ҳозирги осетин тил  
материаллари билан солиштириш хоразмий тилига хо  
айрим фонетик-грамматик ва лексик хусусиятларни бе  
гилашга ёрдам беради. Юқорида қайд этганимиз к  
формасининг хоразмий тилига мансуб эканлиги ун  
хос *c//t* мослигининг натижаси деб қараш керак.

А. А. Фрейманнинг таъкидлашича хоразмий тил  
даги *c* фонемаси, бир томондан, сўғд тилидаги *c* га ў  
шаса, иккинчи томондан, кўпгина ҳолатларда худ  
осетин тилидаги каби *i* ва *e* унлилари олдидаги пор  
ловчи тиш товуши *t* га хос хусусиятга эга бўла  
Шундай экан, *t > c* ҳолати осетин тили билан хоразм  
тилининг яқинлигини кўрсатувчи фактор бўлса, иккин  
томондан, *алан ос* ларнинг Хоразмдан чиққанлиги  
яна бир карра тасдиқлайдиган далилдир<sup>30</sup>.

<sup>28</sup> Абаев В. И. Осетинский язык и фольклор. Ч. I. М.—  
1949, с. 31.

<sup>29</sup> Уша жойда.

<sup>30</sup> Фрейман А. А. Хорезмийский язык, с. 10—11.

Хоразм топонимиясининг мазкур даврига хос ном-  
ларда кас компонентидан ташқари *мисон* элементи  
мавжуд бўлиб, бу *митан* сўзининг хоразмий тилидаги  
экантидир. Бу элемент иштирок этган топонимлар  
Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиё тарихий топонимия-  
сида ҳозир ҳам анчагинадир: *Ардахошмитон*, *Рохош-  
итан*, *Мадамитан* (Хоразмда), *Хурмитан* (Урмитан),  
*Имитан*, *Зармитан* (қуйи Зарафшонда), *Ромитан*  
(Хорода). Юқорида қайд этганимиздек бу сўзни кўп-  
ча тарихчилар қадимги Олд Осиёда мавжуд бўлган  
итанин давлати билан алоқадор этник группалар би-  
ли боғлайдилар. Аммо бу элементнинг бошқа маъно-  
ли ҳам борлиги қайд қилинган. Жумладан,  
А. Шишкиннинг бу сўз ўрта форс тилида «турар  
об, вила, уруғ» каби маънога эга эканлигини қайд  
этилганини айтган эдик. *Митан* компонентли номлар  
тор тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, «қишлоқ, ва-  
ли, қалъа, турар жой» каби маъноларига эга. Бу сўз-  
ни келиб чиқишини сўғд тили билан боғлайдилар.  
Ушунга топонимлар ўз таркибида *канд*, *кат* элементини,  
унингдек, *митан* — «қишлоқ» сўзини сақлаганлигини  
айтади<sup>11</sup>. Бу компонентнинг турли хил сўзлар билан қў-  
шилиб келиши ҳам унинг топонимик элемент эканли-  
гини кўрсатади. Аммо бу сўзнинг этник ном эканли-  
гини ҳам инкор қилиш мумкин эмас.

Шундай қилиб, тадқиқотчиларнинг бу сўзни сўғд  
тили билан боғлаши қадимги хоразмий — сўғд тил-  
чилининг алоқасидан далолат беради. Хоразм тарихий  
топонимиясида учрайдиган *кард* формантли топоним-  
лар ҳам ўз келиб чиқишига кўра биз тилга олган бос-  
мага хосдир.

Қадимги араб тарихчилари тилга олган *Қардариан-  
ни*, *Кардар*, *Гардман* номлари, шубҳасиз шу элемент-  
ни сақлагандир. Ҳозирги осетин тилида *kärt* ўзб.: «ҳов-  
ли», рус.: «двор» деган маънони билдиради. Бу сўз-  
нинг тарқалиш ареали анча кенг бўлиб, осетин тилла-  
рида ташқари, *угор-фин* ва айрим кавказ тилларида  
қайта учрайди. В. И. Абаевнинг фикрича, бу сўз угор-фин  
Кавказ тилларига скиф-сермат тиллари орқали  
кириб келган<sup>12</sup>. Қиёс қилинг: *хант*, *karta*, *karda*; манс.: *karda*  
(«двор»), ўзб.: *ҳовли*, чуваш.: *karda*, рус.: «огражде-  
нное, огражденное место»; венг.: *kert* *огражденное мес-*

<sup>11</sup> Нароки Средней Азии и Кавказа. Т. I. М., 1962, с. 138.

<sup>12</sup> Абаев В. И. Историко-этимологический словарь осетин-  
ского языка. Т. I. М.—Л., 1958, с. 587.



то, сад, коми.: *karta*, рус.: «загон для скота, двор, усадьба», морд.: *karda, kardo, kardas*, рус.: «хлев, двор», узб.: *қўра*. Яна қиёс қилинг: айрим Волгабўйи рус тил вилариди *карда* — «место, огороженное плётнем и частоколом для загона домашнего скота», *када* — «городок для скота, скотный двор».

*Гирдман* топонимидаги *ман* эрон топонимиясида учрайди «миён» — қишлоқ, марказ, ўрта элементи билан алоқадор бўлиши мумкин. Агар шундай экан топонимии «марказий шаҳар», рус.: «центральный район» деб изоҳлаш ўринлидир.

*Кардаранхаш* топонимининг кейинги элементи *нахас* хозирги осетин тилида учрайди *нихос* сўзининг ўзгаришидир. Хоразм топонимиясидаги *хас, хос* билан тугаган топонимлар ҳақида айрим тадқиқотчилар ўз фикрини билдирган эдилар. А. М. Шчербак бу элементларнинг хоразмий лексик қатламини кўрсатувчи белги эканлигини қайд қилган эди. *Наухас, Пирнухас, Зинахас* каби номлари таркибидаги *хас* қисмини айрим сўз деб қарайди. Унинг фикрича, *хас* шубҳасиз *хаст* билан алоқадордир<sup>33</sup>. Гарчи бу топонимларни хоразмий тилида *хос* деб ҳисоблар эканмиз уни осетин тили билан қиёс қилаш орқали текшириш лозим. Чунки хоразмий тилида *узининг* лексик-грамматик белгилари билан яқин бўлган тиллардан бири осетин тилидир.

Шундай экан, юқоридаги топонимлардаги бизни қизиқтираётган элемент *кас* (*хас*) эмас, балки *нихас* бўлиши эҳтимолга яқиндир. В. И. Абаевнинг ёзишича *нухас* ёки *пэхэх*, узб.: «тўпланиш жойи», рус.: «место собраний» деган маънони билдиради<sup>34</sup>. *Нухас* осетин тилида ижтимоий термин бўлиб, ҳар бир овулда бунда жойлар бўлган. Осетинлар жамоасини бошқариш вазирлигини назорат қилиб туриш, шунингдек ижтимоий муносабатларни нормаллаштириш «нихас» деб номланган жамоани билдириши томонидан амалга оширилганлиги маълум. Шунингдек, бу сўз йиғин жойини, жамоа тўпланиб маълум масалаларни ҳал қиладиган ерни ҳам ифодалаган. Нихаслар одатда қишлоқнинг ўртасида, майдонда, умуман жамоанинг йиғилишига қулай жойларда жойлашган.

<sup>33</sup> Шчербак А. М. Основные особенности Южнохорезмского говора в сравнительном освещении, с. 76; Узбек халқ шеваляридаги материаллар. Т. II. Тошкент, 1958.

<sup>34</sup> Абаев В. И. Осетинский язык и фольклор, с. 46.

<sup>35</sup> Магомедов А. Х. Культура и быт осетинского народа. Орджоникидзе. 1968, с. 111.

ишан. Бу ижтимоий термин Осетия топонимиясида  
м 93 ўринини топган<sup>36</sup>.

Шимолий Осетияда «Нихос» сўзи билан ясалган  
лааб топонимлар учрайди. Қиёс қилинг: *Ныхас*, *Нор-*  
*нихас* (Нартовский нихас). *Цъахты нихас* (семьи  
и рода цаха нихас), *Нихасы Уаъстыржи* (нихас свя-  
н Георгия) ва бошқалар.

Шундай қилиб, юқоридаги топонимлардаги *нихос*  
эменти осетин тилидаги *нихос* билан бир маънода  
диб, «қишлоқ, қишлоқ маркази, йиғилиш жойи» каби  
саноларга эга.

Хоразм топонимиясида *Нихос* компонентли номлар  
осан Хива райони территориясида ва унинг атрофи-  
ниша мавжуд. Хоразмнинг бошқа жойларида учра-  
ди. Бизда маълум даражада *алан* қабилалари ўт-  
ишда ҳозирги Хива ва унинг атрофида яшаган  
лиши мумкин деган фикрни айтишга асос бўлади.  
илиги шундаки, *Хива* (ёки *Хивак*) топонимининг ўзи  
м келиб чиқиши билан ҳозирги осетин тилига бориб  
қолади.

А. Дз. Цагаеванинг қайд қилишича, осетинча *хъуа* —  
«қишлоқ» деган маънони билдиради<sup>37</sup>. Дарҳақиқат,  
Шимолий Осетияда *Хъауы бын* (ниже селения), *Хъауы*  
*ар* (выше селения) каби бирикмаларда ҳамда *Бар-*  
*хъау* (букв. Селение на возвышении), *Ногхъау* //  
*ацасхъау* (новое селение) каби кўплаб номлар тар-  
ибида учрайди. Демак, *Хивак* топоними *Хиува* + *ак*  
иқлида ясалган бўлиб, «кичкина қишлоқ» маъносини  
иғлатади.

Шундай экан Хоразм топонимиясининг *кас этапи*  
аразмий тилининг шаклланган даврига тўғри келади.  
у бошқич топонимларининг характерли хусусияти шу-  
в, уларда хоразмий — алан ва хоразмий — сўғд муно-  
ибатлари кўзга ташланади. Айниқса, *нихос*, *кард*, *кас*,  
*итан* каби элементларнинг топонимлар таркибида уч-  
иши бу бошқичнинг характерловчи белгиларидан би-  
идир.

в) Кат этапи. Хоразм топонимиясининг бу бос-  
ини хоразмий тилига бошқа элементларнинг таъ-  
ири билан характерланади. Урта Осиёнинг бошқа жой-  
арида ҳам *кат* компонентли топонимлар пайдо бўлди.

В. И. Абаев *кат* сўзининг этимологиясини сўғд ти-  
идаги *кан* — қазмоқ, ковламоқ, рус.: *копать* сўзининг

<sup>36</sup> Цагаев А. Дз. Топонимия Северной Осетии. Ч. I. Орд-  
онинида. 1971, с. 177.

<sup>37</sup> Цагаев А. Дз. Кўрсатилган асар, 222-бет.

лексикализациялашган формаси деб изоҳлаган эди. Хоразм топонимиясида ҳам *кант* компоненти унча сомаҳсул эмас. Сўнги даврларга хос номларда умуман бу элемент иштирок этмайди. Ўзининг маъносига кўра бу сўз шарқий эрон тилларида кенг тарқалган *кас* (*ка* билан анча яқиндир. Киёс қилинг: сўғд. *kanv* (*knv*, *knt*), сак.: *kantho*, яғн.: *kont*, ўзб.: «шаҳар», рус.: *гор*, афг.: *kandai*, «квартал» ва ҳоказо. Шунингдек қадим ҳинд тилида *kantha*, ўзб.: «девор, шаҳар», рус.: «стена, городская стена, город» маъносига эга.

Кўринадики, *конт* ҳам этимологик жиҳатдан *кан* «қазимоқ», рус «копать» сўзи билан алоқадордир.

*Кант* — «мустаҳкам, атрофи хандақлар билан ўраган ёки девор билан айлантирилган жой» маъносига билдиради<sup>39</sup>.

Хоразм шеваларидаги *хандак* (*кант* — қазилган-а кичрайтириш аффикси) — «чуқур, қазилган жой» сўзининг ҳам *кан* ўзаги билан алоқадорлиги ўз-ўзидан равшан. Фонетик жиҳатдан, *к > х* ҳодисаси юз берган. Бизга Хоразм топонимиясидаги Ханқа номини ҳам ушбу босқичга алоқадор деб ҳисоблашга асос беради. Айри-айри тадқиқотчилар бу топонимни *хонақо* сўзи билан боғлайди. Я. Фуломовнинг ёзишича, шаҳарда машҳур яссавийчи Саид отанинг ўғли ёки жиянига атаб солинган *хонақо* бўлган<sup>40</sup>. Аммо *хонақо* сўзининг Ханқага айланиши фонетик жиҳатдан изоҳланиши қийин. Чунки позиция жиҳатдан сўз ўртасидаги *а* товуши анча мустаҳкам. Умуман, туркий тилларда ундошлар орасидан ундош товуш тушиши деярлик учрамайди. Шундай экан Ханқа эрон тилларига хос *kantho* — «қишлоқ, мустаҳкамланган шаҳар» сўзи билан боғлиқдир.

Булардан ташқари *кат* босқичига *Каник*, *Пешканик*, *Рафканик*, *Хейканик* топонимларини ҳам киритиш мумкин. Бу номлар таркибидаги *каник* шубҳасиз *кант*, *кан* билан алоқадордир. Юқорида тилга олинган топонимлар тузилишидан кўринадики, улар таркибидаги *пеш*, *раф*, *ик*, *ак* каби топонимик формантлар ҳам текширилган ушбу босқичнинг маҳсули деб ҳисобланмоғи керак. Кўпгина топонимларда учрайдиган *сар*, *пой* (*по*), *зир*, шунингдек, *пеш*, *раф* каби топонимик формантлар Хоразм топонимиясининг бу босқичида мустақил сўз

<sup>38</sup> Абаев В. И. Этимологические заметки, с. 26.

<sup>39</sup> Абаев В. И. Историко-этимологический словарь осетинского языка. Т. II, с. 579.

<sup>40</sup> Фуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент, 1959, 151-бет.



Урганч. Давр ўтиши билан улар топонимик индикаторга айланиб кетган. Топонимлар тараққиётининг кейинги даврларда улар мазкур шева вакиллари тилида ўз лексик ва грамматик вазифаларини бутунлай йўқотиб, грамматик кўрсаткич бўлиб қолган.

*Урганч* топонимини ҳам Хоразм топонимиясининг шундай этанига хос деб ҳисоблаш мумкин. Номнинг турлилиши бунга тўла асос беради. Топоним қадимги манбаларда турли шаклларда учрайди. Қадимда туркий қисми *Гурганж*, *Гурганч*, араб манбаларида *Журжония* шаклларида қайд қилинади. Халқ орасида номнинг кейинги чиқиши ҳақида турли афсоналар сақланган. Жумладан: Хур исмли қиз ва Ганж номли йигит муҳаббати атрафида Хурганж ёки Урганж деб номланган. Ёки *Урганч* — Хур — қуёш (ёки бахт), *Ганж* — «хазина», яъни «Бахт хазинаси» деган маънони билдиради.

Топонимнинг этимологияси ҳақида А. Ишаев анча содда фикр билдирган. У топонимни қадимги *Урганч тахт, сарой* сўзи билан боғлайди. *ч* сўз ясовчи қўшимча<sup>41</sup>.

Аммо тарихий нуқтаи назардан қараганда топоним анча қадимий бўлиб, Урта Осиёда туркий халқлар пайдо бўлмасдан олдин ҳам мавжуд бўлган.

Дарҳақиқат, Урганч топоними вужудга келиш хронологияси билан хоразмий даврига мосдир. Унинг кейинги қисми, *ганч*, *ганж* биз кузатаётган *кәнт* компоненти билан алоқадор. *Кәнт* ёки *кәнд*нинг *ганжга* айланиши ҳақиқатга анча яқиндир. Хоразмий тилининг йўналиши бир босқичида *t* ва *č* товушлари *dz* (бизнинг тилида *ж* га яқин) ҳолатида бўлган. Сўнги туркий аҳоли тилида *ж* га айланган: *tč > dz > ж* ҳодисаси юз берган. Хоразмий тилида фақат шу тилга хос бўлган *z* товушининг борлигини А. А. Фрейман ҳам қайд қилган эди. *У* ва *с* нинг *dz* га мос келганлигини ва бундай товушнинг сўгд ва осетин тилларида йўқлигини айтади<sup>42</sup>.

Шундай қилиб, *кәнт* компонентининг кейинги даврларда *ганжга* айланишини қонуний деб ҳисоблаш мумкин. Сўз охиридаги *ж > ч* ҳодисаси соф туркий ҳодисадир. Номнинг биринчи қисми *Ур*нинг эрон тилларидаги *ур* (хуршед «қуёш») орқали изоҳланиши топонимик қонуниятга тўғри келмайди. «Қуёш шаҳри» ёки «бахт

<sup>41</sup> Шимолий Хоразмдаги баъзи топонимик номларнинг этимологияси «Ученые записки». Ташкентского государственного педагогического института иностранных языков им. Энгельса. Вып. VII. Ташкент, 1963, с. 160.

<sup>42</sup> Фрейман А. А. Хорезмийский язык, с. 11.

шаҳри» типиди эмоционал-экспрессив усулда ном қўйиш топонимияда деярлик учрамайди. Гарчи топоним хоразмий даврининг *кат* этапига мансуб деб ҳисоблар эканмиз, унинг изоҳини ҳам шу даврдаги тиллардан, яъни эрон тилларининг шарқий группасига мансуб тиллардан билиш мумкин. О. И. Смирнова қадим эрон тилларида *воуру* (*уру*) сўзининг мавжудлигини бу сўз «кенг, катта» каби маънони англатишини ёзган эди<sup>43</sup>. Осетин тилидаги *styr//stur* — «катта» қадим ҳинд. *stūra* «катта» сўзлари ҳам шу ўзакка алоқадор.

Шундай экан, Урганч топонимининг биринчи компоненти *уору//уру* хоразмий тилида «катта» маъносини билдирган ва *Уруканд* > *Уруканз* > *Уруганж* > *Урганж* > *Урганч* каби шаклланган. Демак, бу топоним «катта шаҳар, қатта қалъа» маъносига эгадир.

г) Қала этапи. Қала компоненти Хоразм топонимиясида энг кўп тарқалган ва ҳозир ҳам кенг қўлланувчи элементдир. Бу индикаторнинг тарқалиш географияси жуда ҳам кенг бўлиб, А. З. Розенфельднинг чегараси Яқин ва Ўрта Шарқдан то Пиреней ярим оролларигача тарқалганини қайд қилган эди<sup>44</sup>.

Бу босқич Хоразм топонимиясида турли хил этник элементларнинг аралашганлиги даврига тўғри келади. Хоразмликларнинг бу даврдаги авлоди қала босқичида маълум даражада туркий қабилаларнинг таъсирига учраганлиги аниқ. Дастлабки туркий қабилаларнинг ўтроқлашиши ва Хоразмга келиш даври ҳам шу босқичга тўғри келади. Ҳозирги даврда ҳам қалъа сўзининг маъноси тўла сақланганлиги ҳамда туркий халқлар томонидан ўзгаришсиз қабул қилинганлигининг ўзи ҳам бу фикримизни тасдиқлайди.

Хоразм топонимиясининг хоразмий даври деб аталган бир этапи ўзининг узоқ тарихи билан жуда қадим замонларга бориб тақалади. Топонимлар таркибиде мавжуд бўлган кўпгина лексик ва грамматик элементлар Хоразмнинг қадимги аҳолиси этногенезида ҳинд-европа халқларининг ҳам алоқаси борлигини кўрсатади. Бу шубҳасиз ҳозирги шева вакиллари тилида ҳам жумладан, уларнинг топонимиясида ўз изини қолдирган.

<sup>43</sup> Смирнова О. И. Вопросы исторической топографии топонимики Верхнего Зеравшана. Труды Согдийско-Таджикско-экспедиции. Т. I. 1946—1947 (МИА—№ 15). М., 1950, с. 60.

<sup>44</sup> Розенфельд А. З. Qala — тип укрепления иранского поселения.— СЭ, 1951, № 1.

## Оралиқ даври

Хоразм топонимиясининг бу даври тарихий жиҳатдан араб истилоси ва ундан кейинги даврга тўғри келади. Гўрчи бу даврда Хоразм территориясида кескин сиёсий курашлар ва турли хил ижтимоий ва этнолингвистик муносабатларнинг кескинлиги кўзга ташланса ҳам тарихий жиҳатдан хоразмий тили ўз мавқеини сақлаган эди. Шунинг учун, араб истилоси ислом динининг тарқалиши билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида бир қатор диний асосларнинг жой номларига айланиши учун шароит яратди<sup>46</sup>.

Ҳозирги даврда Хоразм топонимиясида *Араблар*, *Арабхона*, *Арабавул* каби ўнлаб қишлоқ номлари шунингдек айрим кишиларнинг номлари ва лақаби сифатида учрайдиган *араб* (Буважан араб, Мадāмин араб би) сўзлари ўша даврнинг қолдиқларидир. Аммо ҳоразм Хоразмдаги араб деб юритилувчи кишилар ўзлари араб тилига хос ва уларнинг этнографик белгилари, одатларига мансуб бирор бир элементни сақламаган. Профессор Ф. Абдуллаев шунинг учун ҳам бу элементларни мустақил этник группалар деб ҳисобламайди ва бунига ҳеч қандай асос йўқлигини таъкидлайди<sup>46</sup>. Гўрчи Хоразм топонимиясида арабларга хос бўлган *Араб*, *Сояфур*, *Араб* каби этнонимлар билан юритилади-ини жойлар мавжуд бўлса ҳам бу ердаги аҳоли ўзларини ўзбек деб ҳисоблайдилар.

Бу даврда баъзи топонимик номлар аста-секин янги арабча топонимлар билан алмаша бошлади. Тарихий манбаларда айрим шаҳарларнинг арабча ва аланча номлари параллел қўллана бошлагани қайд этилади.

С. П. Толстов кейинги даврда Янгикент номи билан машҳур бўлган шаҳарнинг араб манбаларида *Қарият* ва *Дадиса* ва форс манбаларида *Деҳинов* деб тилга олинишини қайд этган. Унинг ёзишича, бу ном қадимий сармат — аланча *новкарда* номининг таржимаси бўлган<sup>47</sup>.

Хоразм территориясига хос бўлган топонимларнинг бу элементини олиб ўзгариши (*Мазминия*, *Журжония*, *Индаминия* каби) ҳам худди шу даврга хосдир. Шунинг билан бўлса ҳам арабларнинг келиши билан топонимияда кескин ўзгариш бўлмади. Лекин узоқ давом этган Ўрта

<sup>46</sup> Мурзаев Э. М. Средняя Азия. М., 1957, с. 44.

<sup>47</sup> Абдуллаев Ф. А. Хоразм шеваляри. Т. I. 239—240-бетлар.

Толстов С. П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 261-



Осиё ва Яқин Шарқ алоқалари бу территорияда Жанубий Қозоғистон топонимиясида араб элементларнинг тарқалишига ва узоқ сақланиб қолишига сабаб бўлди<sup>48</sup>. Чунончи, Хоразм топонимиясида ҳам маълум даражада араб элементларининг сақланиб қолиши бу этап билан боғлиқдир. Кўпгина араб элементлари мусулмон дини билан боғлиқ бўлиб, уларнинг аксарияти катта қисми диний терминлардир. Ҳозирги даврда топонимик индикатор сифатида қўлланиладиган *авл* (Қазақавла, Шағалавла ва ҳоказо) терминининг ниҳоятда сермахсул эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Оралиқ даври топонимиясига хос терминлардан бир *гавр* В. В. Бартольднинг қайд этишича, Эронда, Хоразмда ҳамда туркманлар орасида кенг тарқалган<sup>49</sup>.

Ҳозирги даврда Хоразмда *Гаврқала*, *Гаврдинг қаласи* каби топонимлар учрайди, айрим тарихчилар бундай номларнинг вужудга келишини араб истилоси, мусулмончиликнинг тарқалиши билан боғлайди. Аслида Хоразм ва Туркменистон территориясида мусулмон дини тарқалгунгача мавжуд бўлган қалъаларни шундай *Гаврқала* деб атаганлар<sup>50</sup>.

Дарҳақиқат, Хоразм ва Туркменистонда *Гаврқала* деб аталувчи қалъалар бир неча бор учрайди. Жумладан, Хўжайли шаҳри яқинидаги *Гаурқала* номли хароба бўлган, Амударёнинг эски ўзани бўйида Шохсанам қалъасининг жануб томонида ҳам шу номдаги қўрғон бўлганлиги маълум<sup>51</sup>. Мазкур терминнинг маъносини фонетик тузилишига қараб кўпчилик тадқиқотчилар *кофир* (ўзга динга мансуб киши) сўзи билан алоқадор деб ҳисоблайди. В. В. Бартольд *гавр* терминининг *гебр* (габр) сўзи билан алоқадорлигини ёзади. Дастлаб бу сўз оташпарастларнинг сигинадиган жойларини — «меҳроб, оташкада» маъносини билдираган<sup>52</sup>.

Кейинчалик бу термин ўз мазмунини ўзгартирган. Чунки ҳозирги араб топонимиясида *кафр*, *кафф*, *кфр*, *кефр* ( *كفر* ) сўзи маҳсулдор бўлиб, «қишлоқ» маъносини билдиради<sup>53</sup>.

<sup>48</sup> Мурзаев Э. М. Очерки топонимики. М., 1974, с. 211.

<sup>49</sup> Бартольд В. В. Сочинения. II (I). М., 1963, с. 222.

<sup>50</sup> Жуковский В. А. Древности Закаспийского края. Развалины старого Мерва. Материалы по археологии России. Вып. XVI, 1894, с. 95.

<sup>51</sup> Кун А. Л. От Хивы до Кунграда. Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. IV. СПб., 1876, с. 217.

<sup>52</sup> Бартольд В. В. Сочинения. Т. II. (I), с. 211.

<sup>53</sup> Словарь географических названий арабских стран (состави-

Хоразмдаги *Гаврқала* топоними ушбу объектлар-  
Арабча номларидир. Қайд этилган топонимлар  
қаладаги қала элементи халқ томонидан, *гавр* сў-  
нинг маъноси унутилгач қўшилган. Хоразм топоним-  
ининг оралиқ даври учун хос бўлган топонимик  
индикаторлардан бири *работ//рават* компонентидир. Бу  
мент ҳам текширилаётган регионда қатор топоним-  
таркибида мавжуд, жумладан, *Қизилрават, Ша-  
ит, Қошрават, Рават* каби номлар шу сўз орқали  
илган. Аввало мазкур терминнинг ўрта асрларгача  
ган шаҳар қурилишига хос бўлганлигини қайд этиш  
им. Маълумки, шаҳарлар уч қисмдан — *арк* (арк —  
ски шоҳ қасри ва унга яқин амалдорлар жойлаш-  
қисм), *шаҳристон* (арк атрофини ўраган, турли  
армандлар ва бошқа табақалар яшаган қисми),  
*от* (шаҳристон ва шаҳар деворлари орасидаги қис-  
дан иборат бўлган. В. В. Бартольднинг ёзишича,  
инги даврларда шаҳар деворлари ҳам *работ* деб  
илган<sup>54</sup>.

Бу сўз тараққиётининг кейинги босқичларида юқо-  
ридан бошқа яна бир қатор маъноларни ифодала-  
ди, *отхона, чегарадаги пост, казарма, қалъа* каби.  
Араб тилидан кирган ижтимоий терминлардан яна  
и *вақфдир*. Бу термин Хоразмда *вахм* шаклига эга  
иб, феодал давлат тузилиши ва феодал муносабат-  
орқали тарқалган. Хоразмда *Вахм, Вахмён, Вахм-*  
каби ўнлаб топонимлар учрайди, улар келиб чиқиш  
иологиясига кўра оралиқ даврига бориб боғланади.  
*Вақф* арабча *туриш, туроқ, қўзғалмас* деган маъно-  
га. Ижтимоий термин сифатида *вақф* — мусулмон  
қондаларига мувофиқ давлат ва айрим кишилар  
монидан хайрли мақсадлар йўлида ажратилган мол-  
ик маъносини ифодалайди. Хива хонлиги даврида  
иландиган ерларнинг бир қисми *вақф ери* ҳисоблан-  
ди. Аммо бу номларнинг ҳаммаси ҳам оралиқ даврига  
олимас. Уларнинг кўпчилиги юқоридаги сўзлар шева  
иеласига мустаҳкам ўрнашгач топонимлар яшашда  
тироқ этади. Бу сўзлар олдин бошқа бирор маъно-  
и (ижтимоий-сиёсий маънодаги) терминларни ву-  
дга келтирган. Кейинчалик ушбу терминларнинг ай-  
лилари топонимга айлангач қайд этилган араб сўзла-  
топонимексема сифатида қабул қилинган. Улар кейинги  
қичларда ҳам туркий сўзлар, форс-тожик сўзлари

54. Наджаров Н. М., Савина В. И., Арутюнова Г. Г.).  
И. М., 1973, с. 373.

55. Бартольд В. В. Сочинения. II, с. 200.

ва бошқа тилларга хос элементлар билан қўшилиб ги топонимик номлар ясашда иштирок этади.

Шундай элементлардан яна бири *ālam* компоненти дир. Бу сўз ёрдамида ясалган топонимлар анчагина жумладан *Ālamli*, *Qarālam*, *Qarālambuva* каби. Бундай номларнинг маъноси турли хил талқин қилинади. Улар аксарият кўпчилик ҳолларда *азоб*, *дард*, *қийин* каби сўзлар билан боғланади. Албатта бу сўзнинг семантик доираси анча кенглиги билан изоҳланади. Топонимлар таркибида *ālam* — «байроқ, туғ» маъноси эгадир. Шундай қилиб, бу сўзларнинг шева лексикаси кириб келиши Хоразм топонимиясининг оралиқ даврига тўғри келади.

### Туркий-мўғул даври

Хоразм топонимиясининг бу даври хоразмий тилининг истеъмолдан чиқа бориши ва туркий тилларнинг ривожланиши бошқичига тўғри келади. Хоразм топонимиясининг шаклланишида бу давр ўзининг қатор хусусиятлари билан характерланади. Аввало, бу олдин мавжуд бўлган топонимик системанинг энди шакллани келаётган Хоразм шеваларининг таъсирига тушиши билан белгиланади. Бу даврга келиб энди шаклланаётган илк ўрта асрларга хос туркий халқлар учун энг яқин димда Орол бўйларида яшаган туркийларгача бўлган қабилалар тили ҳам, шунингдек қадимги хоразмий тили ҳам субстрат характерда эди<sup>55</sup>.

Хоразм топонимиясининг шаклланишида бу давр олдинги топонимик даврларнинг хусусиятларини ўзини мужассамлаштирган бўлиб, шу лексик-грамматик топонимик традициялар асосида ўз янги системасини вужудга келтирди. Бу даврдаги топонимик қатламнинг илк бошқичига хос номларни юқорида қайд этилган тарихий сабабларга кўра бирор туркий тилга — қипчак ёки ўғуз тилларига мансуб деб ажратиш жуда қийин. Бу даврдаги топонимларнинг кўпчилиги қадимги ёзма ёдгорликлар тилига мос келади. Хоразм топонимиясини кузатар эканмиз мўғул тилига хос элементлардан сан, этник номлар сифатида кириб келганлигини кўриш мумкин. *Дорман*, *Қангли*, *Манғит*, *Қипчақ*, *Қонғир*, *Джурян*, *Қатаған* каби этнопонимларнинг мўғул х

<sup>55</sup> Насыров Д. С. Становление каракалпакского общенародного разговорного языка и его диалектная система. Казань — Каспий, 1976, с. 73.



уруғ қабилалари орасидаги этнонимларга ўхшаш-  
и шунингдек, бошқа туркий халқларда учраши та-  
рифий ҳол эмас. Қиёс қилинг: мўғулларда *дурбэн*,  
*манхут*, *қипчақ*, *хонқирот*, *қирқы* (қирқ),  
*урялт*, *хаткан* каби<sup>56</sup>. Маълум бир халқлар гуруҳи-  
этнонимик параллелларининг учраши уларнинг тил-  
ида ҳам яқинликлар борлигига ишора қилувчи му-  
а далилдир<sup>57</sup>.

Хоразмда айрим топонимик индикаторлар ва топо-  
лар ўзларининг келиб чиқиши билан мўғул  
ларига бориб боғланиши бу фикрнинг тўғрилигини  
исбатлади. Ўрни билан шуни айтиш керакки, баъзи  
топонимлар таркибидаги ижтимоий терминлар Хива  
даги давлат тузилиши билан боғлиқ бўлиб, улар  
ани мўғул тилидан термин сифатида бошқа тиллар-  
тарқалган. Сўнгра улар турли сабабларга кўра  
топонимга айланган.

Б. Я. Владимирцевнинг таъкидлашига кўра монгол-  
ларнинг ижтимоий тузилишида қатор чиновникларнинг  
исмларини биламиз. Унинг ёзишича қатор мансаб-  
ларни: *jasagul*, рус.: *управитель*, *урядник*, *daruga* —  
*чолдник*, *demci* — (демчи) *помощник*, — деб номла-  
ди<sup>58</sup>. Қиёс қилинг: Хива хонлигида ҳам *ясовул*, *дарға*.  
Улар билан ташқари *бахши* сўзи ҳам Хоразм ва Туркманис-  
тан ССРининг Тошовуз областида топоним сифатида бир  
чол марта учрайди. *Bagshi* (бахши) мўғул тилида  
рус. *писарь* маъносига эга. Шунингдек, *bagshi* — «на-  
чальник»<sup>59</sup> деб юритилган.

Хоразм топонимлари таркибида учрайдиган *нāvкār*  
(*nōkōd*/*nōkūd* — «друзья» бирликда: *nōkōr*/  
*nōkōr* «друг»), *ўба* (мўғл.: *Umag* — «ветвь рода» > *otog*  
> *oba*), *улус* (мўғл., *ulus* «народ, владение») каби  
топонимлар ҳам мўғул тилидан ўтган. Мўғул тилига хос  
топонимлар Хоразмнинг шимолий қисмида анча сермахсул.  
Хоразмнинг жанубида уруғ қабила номларидан ташқа-  
раган мўғул тилига хос бўлган топонимлар деярлик учра-  
майди. Шимолий Хоразмда айниқса, *авул* индикатори  
болган номлар ясашда иштирок қилган. *Авул* сўзи  
қадимий тилларда ва ҳозирги мўғул тилларида кенг тар-

<sup>56</sup> Шербак А. М. Основные особенности Южнохорезмского  
федерализма. С. 71-78.

<sup>57</sup> Ишоев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. Тошкент,  
1966. 19-бет.

<sup>58</sup> Владимирцев Б. Я. Общественный строй монголов.  
Кочевой феодализм. Л., 1934, с. 140.

<sup>59</sup> Уша жовда, 184-бет.

калган. Қоз.: *аул* қорақалп.: *ауул//ауыл* — «қиш деган маънони билдиради. Шунингдек, бу сўзнинг чиб юриш вақтида (маълум муддатга ёки доими тўхташ, яшаш жойи маънолари ҳам мавжуд. Қилида *айыл* — «қора уй» (юрта) маъносига эга. Мугилида *аил* — «ўтов, ўтовлар» маъносидадир<sup>60</sup>.

Шундай экан, *авул* индикаторини асли мўғулча сўзининг фонетик варианты деб қараш мумкин.

Шимолӣ Хоразмдаги *Гурлан* топоними ҳам мугилига алоқадордир. Буни топоним этимологиясини затиш жараёнида яққол кўриш мумкин. *Гурлан* а *Кўрланг* бўлган деб изоҳлайди маҳаллий аҳоли. Дарқиқат бу сўз унинг дастлабки шаклига яқиндир. Мугилида *хурээ* сўзи бўлиб (*айлантирмоқ, ўрамоқ, алфини бекитмоқ*, рус.: *окружить, загоразживать, ставизгородь*) асли келиб чиқишига кўра туркий *қур*, *қўзаги* билан алоқадордир<sup>61</sup>. Бу сўздан кейинчалик мугулча *хурал* — «огражденное место, изгородь, двор, стан, лагерь, крупный монастырь» термини ясалган. Ҳозир мўғул тилида бу сўз *хурээлэн(г)* шаклига эга бўлиб «двор, сад» каби маъноларни ифодалайди<sup>62</sup>. Шундан қилиб бу сўз ўзининг семантик тараққиётида қатор бичларни босиб ўтган: оғораженное место → изгородь → двор → стан → лагерь → монастырь → город каби.

Б. Я. Владимирцевнинг ёзишича *kūriygen//gūriygen* сўзининг *стойбище* — «тўхташ жойи» маъносига эга эканлигини ва бу тўхташ жойи *ayil* ларнинг йиғилишидан вужудга келганини айтади<sup>63</sup>. Юқорида *ayil* кўчман уруғларнинг қўшилиши бир қанча ўтовларнинг бирикуви эканлигини айтган эдик. *Куралан* ана шу овуларнинг бирикмасидан вужудга келган. Шундай қилиб *Куралан* ёки *Гурлан* топоними «стан, город» маъноларига эгадир.

## Янги даври

Хоразм топонимиясининг тараққиётида таъкидланганимиздек, Улуғ Октябр социалистик революцияси м

<sup>60</sup> Мурзаевы Э и Л. Словарь местных географических терминов, с. 229.

<sup>61</sup> Хоразм шеваларида «қўра» — мол қамайдиган жой маънода ҳозир ҳам қўлланилади.

<sup>62</sup> Бертагаев Т. А. Лексика современных монгольских языков. М., 1974, с. 56.

<sup>63</sup> Владимирцев Б. Я. Общественный строй монгольских племен. Монгольский кочевой феодализм. Л., 1934, с. 37.

бу ноқса бўлди. Бу даврда Хоразм шеваларидаги каби, лексикасининг ажралмас қисми ҳисобланган топонимиясида ҳам ўз йўналиши, тузилиши ва шакли кўра олдинги даврлардан фарқ қилувчи янги тип-ти номлар вужудга келди. Бу номларни ўз характери хусусиятлари билан *неотопонимлар* деб аташ мумкин. *неотопонимлар* янги номлар бўлиб, улар социалистик бинимизнинг, коммунистик жамият қураётган фидокор халқимизнинг ютуқлари ва орзу-истаклари маҳсули сифатида пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам бу хилдаги топонимлар бошқа хилдаги номлардан ўз характери билан фарқ қилади.

Неотопонимлар ўзининг йўналиши, ғояси ва ифодилиши жиҳатидан республикамизнинг ҳамма ерида моҳангдир. Кўпчилик номлар халқимизнинг революцион курашини ифодалайди. Улар авлодларимиз босибган оғир, машаққатли ва айни вақтда шарафли йўл-курсатади.

Совет халқининг немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борган кураши, бу курашда халқимиз бахти учун ҳалок бўлган қаҳрамонлар шарафига қўйилган номлар Хоразм янги топонимлари ичида асосий ўринни олади. Бошқа бир хил номлар халқимизнинг тинч яшаш даври, ҳаёти, тинчлик учун кураши, космосни яшатириш йўлидаги муваффақиятлари, партиямизнинг съездлари, пайдо бўлаётган янги-янги анъаналарни ифодалайди.

Рус тили ва бу тил орқали бошқа тиллардан киради сўзлар каби неотопонимлар ҳам шева вакиллари тилаффузида фонетик ўзгаришларга учрайди. Лекин русча сўзларнинг фонетик ўзгаришлар билан талаффузи этилиши шевада абадий қолиб кетадиган хусусият билан, даврлар ўтиши билан бу фонетик фарқлар йўқолади.

Шу сабабли бу ўринда неотопонимларнинг адабий-фонетик формасини бердик. Хоразм неотопонимларини номланиш хусусиятларига кўра қуйидаги группаларга ажратиш мумкин:

а) пролетариат доҳийлари ва машҳур давлат арбоблари номи билан аталувчи топонимлар: *Карл Маркс номи колхоз, Энгельс номи колхоз, Ленин номи колхоз, Куйбишев колхоз, Оржоникидзе, Охун-*

11 Ишанов А. Манғит шевасида рус тилидан ўзлаштирилган сўзлар. Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. Тошкент, 1973 бет.



бобоев қишлоқ совети, Фрунзе кўчаси, Дзержински бўлими каби.

б) машҳур ёзувчилар ва космонавтлар номлари билан аталувчи топонимлар: *Максим Горький* номли саҳархона, *Пушкин қишлоқ совети*, *Ҳамид Олимжон мактаби*, *Навойий номли колхоз*, *Гагарин бўлими*, *Титов номли колхоз* ва ҳоказо.

в) символик номлар атамаси бўлган топонимлар: *«Комсомол»*, *«Пионер»*, *«Ленинизм»*, *«Коммунизм»* колхозлари, *«Социализм»*, *«Қизил байроқ»*, *«Қизил юлдуз»*, *«Қизил Ўзбекистон»*, *«Правда»*, *«Гулистон»*, *«Патриот»*, *«Маданият»* бўлими ва бошқалар.

г) халқимиз ҳаётида юз берган муҳим воқеалар билан саналар ва байрамлар номи билан аталувчи топонимлар: *«Партия XXII съезди»* колхозлари, *«Партия XXI съезди»* колхозлари, *«8-март»* бўлими, *«1-май»* колхозлари, *«7-ноябрь»* колхозлари, *«Октябрь 50 йиллиги»* колхозлари, *«9 май колхозлари»*.

д) иттифоқимиздаги машҳур шаҳарлар номи билан аталувчи топонимлар: *«Москва»*, *«Ленинград»*, *«Ташкент»*, *«Самарқанд»* колхозлари ва бошқалар.

Бу типдаги номларга республика, область номлари билан аталувчи топонимларни ҳам қўшиш мумкин: *«Мухомбетов»* саланлари, *«Ўзбекистон»* колхозлари, *«Россия»* колхозлари, *«Қорқўлпоғистон»* колхозлари, *«Хоразм»* колхозлари.

Умуман, неотопонимлар Хоразм топонимларининг таркибий қисми бўлиб, уларда социалистик ҳаётимизнинг нафаси, халқимизнинг революцион ғоялари, совет ҳаётига хос инсонпарварлик ва яратувчилик туйғулари аён бўлган.

Шундай қилиб, Хоразм топонимияси жуда узоқ тарих рақиб босқичини босиб ўтдики, унинг ривожланиши билан да турли этник группалар ва турли тилларнинг излари уларда ни кўриш мумкин.

## 11 б о б. ТОПОНИМЛАРНИНГ СТРУКТУРАЛ-ЛИНГВИСТИК ТАВСИФИ

Топонимларни грамматик жиҳатдан текшириш жуда мураккаб лингвистик масалаларни ёритишга ёрдам беради. Топонимларнинг лингвистик анализи тилимизда мавжуд бўлган кўплаб грамматик элементлар (баъзи товушлар, аффикслар ва бошқалар)нинг эволюциясини, таъриф босқичларини, сўз ясалишининг қадимги усулларини ва баъзи фонетик ҳодисаларни аниқлашга ёрдам беради. Айрим топонимик формантларни ўзбек тилларида мавжуд қўшимчаларга, шунингдек, ҳозирги ўзбек адабий тили ва бошқа туркий тиллардаги аффиксларга қиёс қилиш функцияси ва маъносига кўра аниқлашган аффиксларни аниқлашга, уларнинг фонетик манбасини белгилашга ҳамда аффиксал ясалишининг қадимги изларини, айрим аффиксларнинг ўзакка келиши хусусиятларини, шу аффикслар эволюциясини юз берган процессларни аниқлашга кўмаклашади.

Бундан ташқари, маълум территорияда турли халқларнинг аралаш яшаганлиги уларнинг тилига ҳам шубҳасиз, таъсир кўрсатган. Маълумки, сон жиҳатдан кўчиликни ташкил қилган халқ кам сонли аҳолининг ёки этник группани ўз таъсирига олади. Аҳолининг бундай интеграцияси, шубҳасиз, шу халқларнинг тилига, айниқса улар яшаган жойлардаги топонимларда ўз таъсирини топган. Чунки кам сонли аҳолининг тили ҳам маълум даражада йирик аҳоли тилида ўз изини қолдиради. Номлар қайси тил томонидан қўлланилса худди шу тилнинг факти ҳисобланади. Бироқ у ҳали мазкур ва нақиллари томонидан тўла ўзлашган ёки аксинча тилини ўзлашини даражаси турли босқичда бўлиши мумкин! Бундай шароитда аввало топонимлар фонетик таълифини жиҳатдан ўзгаришга учрайди: унли ёхуд унли товуш тушади ёки аксинча, товуш орттирилади,

С. Усманова А. В. Ударение в собственных именах в современном русском языке. М., 1966, с. 26.

натижада сўзларнинг фонетик жиҳатдан торайиши кенгайиши содир бўлади. Бу айни вақтда номнинг морфологик тузилишига таъсир кўрсатади. Фонетик ўзгариш натижасида кўпгина қўшимчалар ўз шаклини ўзгартиради. Натижада топонимларда аффиксал омонимия ва аффиксал синонимиянинг пайдо бўлишига олиб келади. Айрим морфема ва топоформантлар бутунлашган ўзак билан қўшилиб кетади. Шунинг учун ҳам синхрон планда туб ном деб қаралган кўпгина топонимлар диохроник текшириш жараёнида ўзининг тузилишига кўп анча мураккаб эканлигини кўрсатади. Ўрни билан шундан айтиш мумкин, топонимларни структурал текширишда диохрония етакчи усул бўлсагина тадқиқотчи кулаган натижага эришиши мумкин. Албатта бу билан структурал анализ синхрон текширишни рад қилар деган сўз эмас. Синхрония ҳам топонимикада етакчи методлардан биридир. Чунки ҳар бир грамматик ҳодисанинг эволюцияси унинг ҳозирги ҳолати билан қилинган, таққосланган ҳолда маълум бўлади.

Шундай қилиб топонимлар тузилишида содир бўладиган фонетик-грамматик ўзгаришларни аниқлаш уларнинг характерини белгиламоқ ва мазкур ўзгаришларнинг сабабларини аниқлаш топонимик тадқиқотларнинг асосий талабаларидан биридир.

Номларнинг фонетик ва структурал ўзгариши уларнинг семантик ўзгаришига олиб келади. Кўпгина топонимлар ўзининг дастлабки маъносини бутунлай йўқотиб ўзга ҳодисани номлашга хошлашади ва кўпинча ўзга лексемага айланади. Масалан, Жанубий Хоразмдаги *Беш* топонимининг ўзаги «беш» сўзи деб қаралади. Номнинг иккинчи қисми эса *-та* қўшимча сифатида изоҳланади. Маҳаллий халқ худди шу бешта сўзига мос равишда турли ривоятлар тўқийди ва «сохта этимология»нинг пайдо бўлишига олиб келади. Аслида топоним икки лексемадан тузилган: *Пеш* ва *даҳа*. Маълумки, сўз бошида ва унли товуш ёнида жарангсиз *n* жаранглашди ва *б* га айланади: *n > б* ҳодисаси юз беради.

Интервокал ҳолатда *даҳа* сўзидаги бўғиз ундонли тушган *даҳа > да:а*. Жарангли *д*, *ш* товушининг таъсирида жарангсизлашади. Биринчи лексема давр ўтиши билан ўз урғусини йўқотган. Натижада икки мустақил сўз якка номга айланган: *Пеш даҳа > Беш да:а > Беш* шаклига келган. Аслида «олд қишлоқ, ёки шарқ томонидаги қишлоқ» маъносини ифодалаган *Пеш*, *Пешда* «бешта, беш дона» маъносини ифодалашга мослашган.



Ҳам *Шовот* топоними аслида *Шоҳобод* бўлган<sup>2</sup>, таърифда икки унли орасидаги *ҳ* тушган, *о* — *о* унли-ри қўшилиб чўзиқлашган, интервокал ҳолатдаги *б* унли *а* га айланган: *б > в*, сўз охиридаги *д > т* ўзгарган. Натижада *Шах абад > Ша[ҳ]абад > Ша:ват* бўлган. Қадимий аҳоли тилида бу топоним *шовулламоқ* сўзи билан изоҳланади.

Шундай қилиб, бирор объект ёки субъект тушунча билан яқин муносабати сезилмас даражада бўлган ҳолда отлар турли хил фонетик, акцентологик, морфологик ва жуда кенг диапазондаги лексик вариацияга эриши мумкин<sup>3</sup>.

Топоним ясалиши принцип жиҳатдан сўз ясалиши билан фарқ қилмайди. Ҳар бир тилдаги сўз ясалиши усуллари ва сўз ясалиши воситалари топоним ясада ҳам бир хил элади. Аммо жой номларини сўз ясалиши жиҳатдан текширар эканмиз, аввало атоқли отларнинг қандайдиги хос бир қатор семантик ва грамматик хусусиятларини эътиборга олмоқ зарурдир. Айрим тилшунослар топонимларнинг ўзига хос томонларининг мавжудлигини, уларнинг маълум функционал сферага эга эканлигини, қўлланиш жиҳатдан махсусланганлиги каби хусусиятларини қайд қилган эди<sup>4</sup>. Дарҳақиқат, лексемалар топонимга айлангач, уларда қатор ўзгаришлар юз беради. жумладан, улар категория жиҳатдан ўзгаради (масалан, лексик-грамматик группага ўтади), синтактик ҳолатида ўзгариш содир бўлади, семантик жиҳатдан ҳам ўзгаришга (маъно торайиши ёки махсусланишига) эришади. шунингдек, уларнинг формал-морфологик хусусияти ҳам ўзгаради. Бу моментлар шубҳасиз топонимлар ясалишида, уларнинг ясалганлигини белгилашда муҳим роль ўйнайди. Шундай экан, топоним ясалиши билан сўз ясалиши кўпгина умумий томонлари билан боғлиқ бўлса ҳам, айтиш мумкин вақтда топоним ясалиши хусусий белгиларга ҳам эгадир.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида топонимларнинг ясалиши ва уларнинг морфологик тузилишини таърифлашга бағишланган тадқиқотларда ва шунингдек, уларнинг районларнинг топонимларини текширган диссертацияларда топоним ясалишининг икки йули — аффик-

<sup>2</sup> Сулейманов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент, 1959, 10-бет.

<sup>3</sup> Суперанская А. В. Структура имени собственного. Фонетика и морфология. М., 1969, с. 10.

<sup>4</sup> Реформатский А. А. Топономастика как лингвистический факт. Топономастика и транскрипция. М., 1964, с. 9—34.

сация ва композиция усуллари қайд этилган. Қўш топонимик моделлар ҳамда топоним ясовчи аффикс тавсифланган. Деярлик барча диссертацияларда *-чи, -ли, -лар* каби қўшлаб қўшимчалар топоним ясовчи сифатида изоҳланади. Айрим тадқиқотларда *-кор, -қор* каби қўшимчалар ҳам топоним ясовчи аффикслар қаторига киритилади<sup>5</sup>. Аммо сўз ясалиши нуқтаи назардан қайд этилган аффикслар қатнашган барча топонимларни ҳам аффиксация усули билан ясалган дейиш мумкин эмас.

Масалан: *-лик* аффикси орқали *Баззозлик, Қўшқорлик, Сўкфурушлик* (Ш. Қодирова), *Заргарлик, Магарлик* (Т. Нафасов), *Бешйиллик, Азатлик, Тенгеллик, Ҳурлик, Бирлик, Шодлик*<sup>6</sup> (Л. Қаримова, Н. Охунова). Гарчи сўз ясалиши ҳаммавақт ясовчи ва ясалманлиги семантик-морфологик муносабати билан белгиланган экан, қисмлар орасидаги ассоциатив алоқа сезилиб келиши лозим деб қаралар экан<sup>7</sup>, келтирилган бу топонимларнинг бирортасини ҳам *-лик* аффикси орқали ясалган деб бўлмайди. *Баззозлик* топоними *баззоз* сўздан ёки *Ҳурлик* топонимининг *ҳур* сўздан қўшимча билан ясалган дейиш мумкин эмас. Чунки топонимларнинг юқорида таъкидлаганимиздек бир қатор лексик-грамматик белгиларга эгадир. Аслида *ҳур* ёки *баззоз* сўзидан бошқа ясама сўз ҳосил бўлади, яъни *баззозлик, ҳурлик* лексемалари вужудга келди. Буни сўз ясалиши нуқтаи назардан асослашда изоҳласак *ҳур* — ясовчи, *ҳурлик* — ясалма топоним. Аммо ҳали бу сўзлар топонимга айланган эмас. *Баззозлик* ва *ҳурлик* сўзларининг бу ҳолати уларнинг топонимга айланган бўлган (дотопонимический) кўринишидир. Бу сўзлар топонимга айланган уларнинг тузилиши ва қатор ўзгаришлар содир бўлади. Аввало бу лексемалар маълум объект билан боғланади ва ушбу объектнинг ифодалаш учун махсусланади. Лексемаларнинг топонимга айланганга қадар бўлган маъноси иккинчи планга тушади. Лексема топонимга айланган унинг асосий функцияси маълум объектни, худди шундай бошқа объектдан фарқлашдан иборат бўлади. Шундай экан

<sup>5</sup> Караев С. Опыт изучения топонимии Узбекистана. АКД. Ташкент, 1969, с. 23.

<sup>6</sup> Кадирова Ш. М. Микротопонимы Ташкента. АКД. Ташкент, 1970, с. 25; Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области. АКД. Ташкент, 1968, с. 12; Каримова Л. Топонимы вероузбекских говоров. АКД. Ташкент, 1972, с. 6; Ахунова Н. Топонимия Кокандской группы районов. АКД. Ташкент, 1978, с. 1.

<sup>7</sup> Узбек тили грамматикаси. I. Морфология (Коллектив). Ташкент, 1975, 10 ва кейинги бетлар.

долатлар билан боғлиқ ҳолда унинг формал-морфоло-  
 гик хусусияти ҳам ўзгаради. Шунинг учун ҳам  
 И. Суперанская тилнинг луғат таркибини икки  
 нга — махсус ва умумий қисмларга ажратган эди<sup>8</sup>.  
 Ҳақиқат, лексема ва топонимни бир қаторга қўйиш  
 ёқин эмас. Чунки луғат таркибининг умумий қисми  
 лар алоқасининг барча турлари учун қўллана  
 ди. Аммо унинг топонимларни ҳам ўз ичига олган  
 суланган қисми ўзининг функционал сфераси ва  
 истик вазифаси жиҳатдан чекланган. Кўринад  
 топонимларни ясалиши жиҳатдан текширганда  
 рининг топонимга айлангунга қадар бўлган маъноси  
 топонимик маъноларини фарқлаш керак бўлади.  
 ясалишидаги ясовчи — ясалма муносабати, топо-  
 ясалишида топонимик маъно ва топонимга айлан-  
 га қадар бўлган маънолар муносабатида акс этади.  
 рчи юқоридаги мисоллардан келиб чиқадиган бўлса,  
*базозлик*, *Ҳурлик* ва бошқа топонимларнинг топоним-  
 айлангунгача бўлган маъноси *базозлик*, *ҳурлик* ка-  
 лексемаларнинг маънолари орқали конкретлашади.  
 ундай экан, юқорида келтирилган топонимлар *-лик*  
 фикси орқали ҳосил қилинган эмас, балки *базозлик*,  
*ҳурлик* сўзларининг топонимга кўчиши натижасида ву-  
 да келган. Демак, бу ўринда топонимларнинг аф-  
 ксал ясалиши эмас, балки топоним ясалишининг  
 қа бир усули кўринад. Топоним ясалишининг бу  
 удини апеллятивнинг топонимизациялашуви ёки  
 омастик конверсия деб юритиш мумкин<sup>9</sup>. Ясалган  
 белгилашнинг умумий қоидаси ономастик конвер-  
 да ҳам сақланади. Бунда ҳам сўз ясалишидаги син-  
 ри ясашига асос бўлган элемент (ясовчи) ва ясалиб  
 қан элемент (ясалма)<sup>10</sup> муносабати мавжуддир.  
 ёқин қилинг: Темирчи топонимида: *темирчи* — ясовчи,  
*темирчи* — ясалма ёки *базозлик*, *ҳурлик* — ясовчи,  
*базозлик*, *Ҳурлик* — ясалмадир.

Кўринадик, ҳар қандай топонимик ясалма иккилам-  
 дир. Шундай экан ономастик конверсияда биринчи  
 иккинчи элементларни ажратиш мумкин. Бирлам-  
 элемент — ясовчи, иккиламчи (ёки иккинчи) эле-  
 мент — ясалма. Бу усулдаги топоним ясалишида бир-

<sup>8</sup> Суперанская А. В. Апеллятив — онома. Имя нарица-  
 тельное и собственное. М., 1978, с. 5—6.

<sup>9</sup> Маъжур термин Суперанская А. В. томонидан таклиф этил-  
 га. *Дарани*: Суперанская А. В. Структура имени собствен-  
 но. М., 1969, с. 92—93.

<sup>10</sup> Ўзбек тили грамматикаси. I. Морфология, 48-бет.



ламчи элементнинг тузилишига алоҳида эътибор берилмади. Бирламчи элементнинг ўзи ҳам тузилишига қарамай ва туб бўлиши мумкин. Қиёсанг: *кат, анҳор, қишлоқ* ёки *кўнчилик, заргарлик, пахтакор, аравакаш* каби. Бу сўзлардаги *-чилик, -лик, -кор, -каш* каби қўшимчалар дериват характеридадир. Аммо *Кўнчилик, Заргарлик, Пахтакор, Аравакаш* каби топонимлар тўғрисида юқорида қайд этилган қўшимчаларнинг янада қилиши хусусияти ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ҳаттоки аффиксация усулида ясалган топонимлар ҳам да эмас, балки ономастик конверсия йўли билан жудга келган ноль кўрсаткичли номлар ҳақида юритиш тўғрироқдир. Шундай экан, *Кўнчилик, Пахтакор* каби топонимлар тузилишига кўра *Кат, Анҳор* сифатли номларга барабардир. Буни айниқса юқоридаги тип топонимларнинг турловчи қўшимчалар қабул бўлиши ҳамда бошқа сўзлар билан синтактик муносабатларида яққол кўриш мумкин. Масалан: *Пахтакордан келдим* (пахтакордан келдим дейиш мумкин эмас), *Аравакашда яшайман* (аравакашда яшамоқ мумкин эмас) бошқалар.

Шундай қилиб, ономастик конверсия орқали топонимлар ясалганда, лексема ўз функцияси, синтаксис қуршовини ўзгартиш билан бирга ўз парадигмаси ҳам ўзгартиради. Топонимларнинг ясалганлигини белгилашда ушбу моментларни эътиборга олиш айни пайтда уларнинг морфологик тузилишини белгилашда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Топоним ясалишидаги лексик-грамматик характердаги ясалиш билан аффиксация усулида ясалишнинг аралаштириш кўп ҳолларда топонимнинг мотивларини нотўғри талқин қилишга олиб келади. Бу ҳолатни оқшар қат ўзбек тилшунослигида эмас балки бошқа турк тиллар топонимларини текширишга бағишланган ишларда ҳам кузатиш мумкин. Қорақалпоғистон топонимларини текширган Қ. Абдимуратов *-ли//лы* қўшимчи орқали ясалган топонимлар сифатида *Ашамайли, Бўғали, Қазаяқлы, Чўмичли* кабиларни<sup>11</sup>, туркманистонлик топонимист С. Атаниязов эса *-чи* қўшимчаси орқали ясалган *Арабачи, Авчи, Пахтачи* номлар қатори *Йиланли, Саятли* топонимларини санаб ўтади<sup>12</sup>.

<sup>11</sup> Абдимуратов Қ. Топонимика Қарақалпақини. АКД, кўс, 1966, с. 7.

<sup>12</sup> Атаниязов С. Топонимика Юго-восточного Туркменистана. АКД. Ашхабад, 1966, с. 11.

топонимларнинг ушбу асосда сўз ясалиши бўйича тарғажрағга ажратилиши натижасида *Йиланли* ва *Балғали* топонидаги топонимлар икки лексик-семантик группиритилган, яъни *Йиланли* — «хайвон номи асосидан келган», *Балғали* — «иш қуроли номи асосидан келган» деган турли фикр бор. Аслида бу топониимлар мотивларига кўра бир хилдир. Чунки *Балғали* ва *Йиланли* уруғ номлари бўлиб, мазкур территорияда ушбу уруғларнинг яшаганлиги натижасида вуқулган. Демак, этник ном топонимга айланган сўз ўзидан кўриниб турибди, сўз илон уруғи ҳақида *Илонли* (яъни уруғ тамғасида илон белгиси этник группа) ҳақида бораяпти. Шундай экан *Йиланли*, *Балғали* топонимларнинг мотивациясида *илон* сўзларини мотивловчи деб қараш мумкин эмас. Топонимларнинг мотивларини *Илонли*, *Балғали* этонимлари асосида талқин этиш тўғридир.

Демак, юқорида келтирилган номлардаги *-ли* *-лы*, *-чи* типидagi қўшимчалар топонимик дериват харақтида эмас. Қайд этилган топонимларнинг ясаилушулар нолга тенгдир. Топонимлар таркибида учган бу типдаги қўшимчалар лексик-грамматик натижасидагина эмас, балки бошқа қаторлар орқали ҳам содир бўлади. Кўпинча топонимлар соддалашуви жараёнида айрим компонентлар тушиши — синтактик эллипсис орқали ҳам топоним таркибида, ноль кўрсаткичли қўшимчалар пайванди бўлади: Қиёсланг: *Аравачининг овули* → *Аравачи* → *Аравачи*; *Кўнчилик маҳалла* → *Кўнчилик* каби. Тушиши билан топоним таркибидаги *-лик* элементи тушиши мумкин. Баъзан аффиксларнинг полисемия характерда бўлиши, уларнинг функционал доираси ниҳоятда кенг бўлиши (*-чи* аффиксининг маънаси солиштиринг), шунингдек, аффиксал полисемия аффиксал омонимияга айланиши каби қаторлар ҳам топонимлар таркибида ноль кўрсаткич қўшимчаларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

В. Суперанская айтганидек, топонимлар ясашда асос барча сўз ясовчи воситалар ҳам иштирок этадилар. Сўз ясалишининг бошқа усуллари каби топонимик конверсияда ҳам маълум бир қатламдаги, умуман бир семантик хусусиятга эга сўзларгина топонимга айланиши олади, топоним ясашда иштирок эта оладилардан, киши номлари, этник номлар, топонимик

индикаторлар жой номларига айланишга мойил бўлади. Шунинг учун ҳам ономастик конверсия кўпинча характерда, яъни бир сўз туркуми доирасида ва фақат атоқли отлар доирасида ҳам бўлиши мумкин.

Кўпгина қўшимчалар топонимнинг ясалишида кўп сита иштирок этмаса ҳам мазкур сўзнинг жой сифати (умуман атоқли от) эканлигини кўрсата олади. Агар сита урин билан боғлиқ маънони ифодаловчи жай кўплик, фаолият билдирувчи қўшимчалар шундай характерга эгадир. Кўпчилик ҳолларда *-чи, -лар, -каш* каби қўшимчаларнинг топоним ясовчи сифати қаралишининг босқичи ҳам шундадир. Топонимлар ясалишида бевосита жой номи ясовчи топонимик деривативлар характердаги ва маълум даражада топонимнинг мундариҷаси билан алоқадор, унга ишора этувчи, топонимнинг фарқловчи ва уларни кўрсатиш функциясини билдирувчи элементларни бир-биридан фарқлаш керак. Масалан, *Тошкент* бек тилшунослигида ҳозиргача топоним таркибида иштирок этадиган ва умуман топоним ясовчи қўшимчаларни номлашда аффикс, формант, топоформант баъзан суффикс терминлари қўлланилмоқда.

Демак, топонимлар таркибидаги қўшимчалар ясаши ва функцияси жиҳатдан бир-биридан фарқланадиган экан, уларни терминологик жиҳатдан ҳам фарқлаш мақсадга мувофиқдир. Дарҳақиқат, *узбек тили* *-истон, -обод* типидagi қўшимчалар борки, улар доирасида жой номи ясайди. Шунинг учун бундай топоним таркибида иштирок этадиган қўшимчаларнинг кўпчилиги ясовчи элемент характерига эга бўлса, баъзилари фақатгина формал ҳолатдагина сақланиб ўзларининг дериватив маъносини сақламаган. Улар шу терминнинг мазмунига тўла мос келмайди.

Шунинг учун бундай қўшимчаларни топоним ясашидаги аффикслар (топоаффикслар) дейиш ўринлидир. *-лар, -ли* типидagi қўшимчалар айрим ҳолларда топоним ясовчиларга яқин турса ҳам улар кўпгина хусусиятлари ва қўлланиш диапозонига кўра топоним ясовчилардан (топоаффикслардан) фарқ қилади. Уларнинг айрим маънолари билан топонимларга яқин сўзлар ясайди. Шунинг учун ҳам улар кўпинча топоним ясашида объектни кўрсатувчи формал элемент ўхшаб қолади. Бу хилдаги қўшимчалар ясаган сўзлар ўзларининг жамлик ифодалаши, инсон фаолияти, ҳаракати, машғулотини кўрсатиш каби қатор маъноларни билан топонимларга яқин туради. Улар топонимик мазмунларга мос келади. Шу сабабли ҳам бундай сўзлар б



Уларга нисбатан жой номига айланишига мойил  
ди (қисс қилинг: *Кўсалар, Олмали* каби).

Унинг учун ҳам бу типдаги қўшимчаларни топо-  
в формант (ёки топоформант) деб аташ тўғри-

бу номлар таркибида учрайдиган айрим префикс-  
дариват характеридадир. Жумладан, *Сар* (*Сари-*  
«тегирмон боши»), *Пой* (*Пойкан* — «қуйи қиш-  
»), *Пеш* (*Пешоб* — «суволди») ва ҳоказо. Бу префикс-  
нинг кўпчилиги бошқа тилдан ўтган бўлиб, уларнинг  
аниқ доираси чекланган. Уларга диахроник  
ди қаралса бу префикслар мустақил сўзга тенг.  
май экан, бу ўринда топоним ясалишининг компо-  
и усули ҳақида сўз юритиш тўғрироқ.

Амалда, топоним ясалиши кўпгина жиҳатлари  
и сўз ясалишига ўхшаса ҳам уларнинг бир-бири-  
фарқланувчи айрим хусусиятлари мавжуддир. То-  
номларнинг синтактик қуршови, формал-морфологик  
ларни, функционал сфераси уларни тилнинг луғат  
обидаги умумий лексик қатламдан фарқлайди.  
номларнинг функция жиҳатдан махсусланувчи,  
ва ва тузилишида ҳам қатор ўзгаришларга олиб

бу номларнинг морфологик структурасига  
бир неча гурппага ажратиш мумкин:

1. Апеллятив номлар. 2. Формантли номлар. 3. Ин-  
терли номлар.

### Апеллятив номлар

Бу типдаги номлар ўзининг характерига ва генети-  
га кўра бир хил эмас. Апеллятив номлар деб маъ-  
гурппага киритилган номлар аслида синхрон план-  
уб ном деб қараладиган ва ҳеч қандай морфематик  
аниқ ажралмайдиган топонимлардир. Буларнинг кўп-  
ини мазкур территориядаги энг қадимги лексик қат-  
га мансуб бўлиб, уларнинг этимологиясини аниқ-  
и, шунингдек, бундай топонимларни тузилиши  
дан бошқа номлар билан қиёслаш ҳам анча  
қулдир. Чунки бу қадимги номлар асрлар давоми-  
ир тилдан иккинчи тилга ўтиб структура жиҳати-  
уша тил морфологик тузилишига, шу тилнинг сўз  
ини моделига мослаша борган. Шунинг учун ҳам  
индаги топонимларнинг дастлабки бошланғич ҳо-  
ини тиклаш жуда қийиндир. Масалан: *Харāзм, Ур-*  
*Ханқа, Пил, Хива, Мāдир, Питнāк* ва бошқалар.

Ҳозирги даврда бу номлар туб сўз сифатида қўрилинадиган, ҳатто бу номлар айрим топонимик ясалган учун асос вазифасида ҳам ишлатилади. Улардан кинчи марта номлар ясалган. Масалан: «Хоразм» (колхоз ва совхоз номи), «Урганч» совхоз, «Урганч» (қишлоқ номи), *Кона Урганч*, *Таза Урганч*, *Халил*, *Ханқалилар*, «Хива» колхоз, *Хивали* ва ҳоказо.

Шу жиҳатдан, яъни улар апеллятив сифатида қўрилиганлиги сабабли ҳам, сўз ясалиши учун асос бўлган боисдан буларни айрим гурпулга ажратиб тўғри деб ҳисоблаймиз. Эҳтимол, эҳтимологик жиҳатдан бу топонимлар ясама ва ҳатто қўшма ҳам бўлиши мумкин. Чунки ҳозирги ўзбек тилидаги бирдан оқибат бўғинли ўзакларнинг кўпи тарихий жиҳатдан қариндасликда, икки ёки ундан ортиқ морфемадан иборат бўлиб чиқади<sup>14</sup>.

Апеллятив номларнинг яна бошқа бир тури бўлиши бунда турдош от ёки топонимик индикатор тўғри бўлиши тўғри топонимга айланади. Масалан: *Бангги*, *Сарай*, *Қала*, *Кат*, *Тоғай*, *Топан* (*Данан*), «Коммуна», «Победа» «Пахтакор» ва бошқалар. Булар топоним сифатида турдош отларнинг омонимик қаторини ташкил этган. Топонимларнинг бу хилда — турдош отларнинг кўчиши натижасида вужудга келишини айрим тилшунослар синтаксис мантик сўз ясалиши ёки лексик-семантик усулда ясалиши деб ҳисоблайди.

А. В. Суперанская бу фикрга қарши чиқади<sup>15</sup>. Чунки семантик усул билан сўз ясалганда янги тушунча ифода даланмоғи керак. Аммо кўпгина апеллятивларнинг топонимга айланишида янги тушунча ифодаланмайди. Бунда фақат сўзнинг қўлланиш доираси ўзгаради. Аммо сўзнинг семантикасида ҳеч қандай ўзгариш солинмайди бўлгани йўқ. Фақат унинг маъноси иккинчи планга тушиб қолди. Чунки сўз энди маълум тушунчани ифодалаш учун эмас, балки объектни номлаш учун ишлатилади.

Хоразм топонимиясида апеллятив номлар тўғридан тўғри кўчиш орқали ҳам вужудга келади. Яъни боисдан бирор географик объектни ифодаловчи топоним боисдан объектни номлаш учун ҳеч қандай ўзгаришсиз қўрилинадиган. Кейинги даврларда катта шаҳарларнинг номи колхоз ва совхозларни шунингдек, бошқа турли микрообъектларни аташ учун хизмат қилмоқда: *Москва*

<sup>14</sup> Ўзбек тили грамматикаси. I. Морфология, 74-бет.

<sup>15</sup> Суперанская А. В. Структура имени собственного. с. 92—93.





хос бўлган характерли белги ассоциациялашган. Нажада объектга хос белги унинг ўзини ҳам ифодалайди. Топонимларнинг вужудга келишида объектнинг характерли белгиси асосий роль ўйнайди. Шу белги улар бир-биридан ажратади. *Темирчи* қишлоғининг асосий белгиси шу қишлоқда мазкур касбдаги кишининг яшайдиганидир. Чунки темирчи бошқа қишлоқда бўлмаган. Атрофдаги қишлоқлар учун мазкур қишлоқдаги темирчи хизмат қилган. Демак, *-чи* формантини сақлаган топонимлар *қаратқичи + қаралмиш* формасида бириккан номлар бўлган: *Темирчининг овули, Дарвозчининг овули*.

Шу сабабли топонимлар таркибида учрайдиган элементларни топоним ясовчи сифатида қабул қилган мумкин эмас. Уларнинг кўпчилиги апеллятив сўз топонимга айлангунга қадар номлар таркибида мавжуд бўлганлигини айтган эдик. Топонимлар тузилишида бу хусусиятни *Қўқон* топонимиясини текширган Н. Соколов ҳам қайд қилган эди<sup>17</sup>.

Дарҳақиқат, кўпгина тадқиқотчилар *-чи, -чи* аффиксини топоним ясовчи сифатида қабул қилади. Аммо бу қўшимчалар қадимданоқ касб-ҳунар номлари ва шу касб билан шуғулланувчи кишилар отини ясовчига мослашган. Бу аффикслар топонимлар таркибида мазкур сўз топонимик номга айланмасдан олдин мавжуд шилган.

А. Н. Кононов бу ҳақда аниқ маълумот берган эди. Шундай экан формантли топонимлар тузилиши жиҳатдан анча мураккабдир.

Ўғуз шеvasи вакиллари яшайдиган территория эрон тилларига хос лексик ва грамматик элементлари анчагина сақланган. Ҳозирги кунда шева вакиллари элементларни ўз талаффузига мослаган. Бундай элементларнинг аксарият кўпчилиги туркий адаптаниш натижасида тузилиши ва фонетик таркибини ўзгартирган. Шу сабабли уларни аниқлаш ва дастлабки шиллини тиклаш учун ҳозирги кунда мавжуд эрон тиллар материалларига қиёслаш зарурияти туғилади. Хоразмдаги мавжуд субстрат номлар билан ҳозирги эрон

<sup>17</sup> Ахунов Н. Топонимия Кокандской группы районов. М. Ташкент, 1978, с. 14.

<sup>18</sup> Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.—Л., 1960, с. 111.

<sup>19</sup> Қиёслаш учун материаллар В. И. Савинанинг Эрон топонимлари асосида шаклланган географик терминлар ва бошқалар луғати (М., 1971) асари ва бошқа эрон топонимияси ҳақидаги мақолаларидан олинди.— Бундан кейин СГТИ, деб берилади.

гдек, тожик, осетин, яғноб тилларида мавжуд топонимларни қиёслаш орқали айрим топонимик формаларни аниқлашга муяссар бўлдик, шуларнинг баъзилари ҳақида тўхталамиз.

**Дар форманти** Хоразмда бу формант *Дар*, *Дарвāнт*, *Ақдāрвāнт* топонимлари таркибида учрайдиган. *Дарбāнт* — *дар* префикс — *банд* бир неча маънога эга — «тўғон, ғов, тўсиқ, тепа» каби (СГТИ. 88). Шундай экан, *Дарбанд* топоними — «ғов ичидаги, буғи уралган қишлоқ» маъносини англатади. *Ақдāрвāнт* худди шу маънодаги сўзга *оқ* сўзи қўшиш орқали шундай топоним таркибида ҳам мазкур формант билан ясалган номлар учрайди. Я. Гулоқадимда *Дархос* номли қишлоқ бўлганини ёзади<sup>20</sup>. *Дархос* — Катдан пastroқда, ундан бир манзил нарида турганнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Бу ҳозирги Гурганнинг ёнига тўғри келади. Ҳозирги Ханқа шаҳри ҳам бу ном билан юритилган<sup>21</sup>. Мазкур формантнинг арабчадаги *дар* варианты — «уй, макон, мамлакат, одам билан жой» каби маъноларини ифодалайди. (И. 64). Мазкур формант кейинчалик туркий адабиётининг натижасида турли вариантга (*дур*, *дар* *дир*, *дур*) эга бўлган. Мисол: *Дургāдик*: *Дур* (ёки *дар*) + «қишлоқ» + *ик* (ёки *ак*) — «кичик қишлоқ» *Дар* + *ик*: *Торда*: <*дур* (ёки *дāр*) + *дā:ā* < *дāхā* < *дар* + *ик*» каби.

**Дир форманти**. Хоразмда *Зиришайтан* топоним таркибида учрайди. Эрон топонимиясида ҳозир ҳам сермахсул. Бу формант ёрдамида *Зиробод*, *Зирданд*, *Зиржуби*, *Зирдеҳ*, *Зироб* каби топонимлар билан (СГТИ. 91). *Зир* форманти — «паст, пастки» маъносига эга. Топоним таркибида объектнинг қуйида турганлигини, бирор нарсанинг пастига эканлигини ифодалайди.

*Зиришайтан* топонимининг изоҳига келсак уни маънавий халқ турлича талқин қилади. Кўпчилик унинг кичик қисмини *зирг* — «пиёз» сўзи билан боғлайди. Унинг тадқиқотчилар *зирҳи шаҳидон* — «шаҳидлар қалъаси» деб изоҳлайди (Ю. Жуманазаров). Номнинг кичик қисми *шайтон* эмас ҳақиқатан ҳам *шаҳидон*// *шайтон*. А. З. Розенфельднинг ёзишича бундай аталув-номлар Тожикистон ССРда ҳам мавжуд<sup>22</sup>. Худди

<sup>20</sup> Гуломов Я. Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент, 1965-бет.

<sup>21</sup> Ушн асар, 211-бет.

<sup>22</sup> Розенфельд А. З. Топонимика Нижнего Каратегина в

шу номдаги қишлоқ Хива шаҳрига яқин жойда ҳам

А. З. Розенфельднинг ёзишича *Шайдон* номи аслида турли табиий офатлар натижасида қирилган ёки зўрлаб қатл этилган қишлоқлар, яъни *шаҳид ўлган* маъносига берилади<sup>23</sup>. Шундай экан, *Шайдон*||*Шайдон* — «шаҳид бўлганлар» (мученики) каби маънони англатади. Худди шунга параллел ҳодиса Афғонистонда ҳам мавжуддир. *Шаҳид* сўзи ўзга диндаги (кофилар билан бўлган урушда ҳалок бўлганларнигина) балки турли тасодифлар — *сувга чиққан, тоғдан ирилган*, умуман *бегуноҳ ўлганларни* ҳам ифодалайди<sup>24</sup>.

Шундай қилиб, *Зиришайтон* — «шаҳид қишлоғи» маъносида, қуйи томонидаги, ғарбида жойлашган қишлоқ деган маънони англатади.

*Пеш форманти*. Мазкур префикс Хоразм топонимлари *Пешканик* (Пишканик), *Бештә*, *Бешқала*, *Пишик* келиши топонимлар таркибида учрайди. У «олд томон» — бир нарсанинг олдида эканлик маъносини англатади. Буларнинг ҳаммаси таркибида «шарқ, кун чиқиш» томони ифодалади. Ҳозирги туркий тилда бу сўз қўлдан кетмайди. Бу формантнинг *Пешқала* ва *Пешдара* топонимлари ясаганлиги қайд этилади (СГТИ. I). *Пишканик* топонимининг иккинчи қисми *кан(т)* ва *қўшимчаларидан* ясалган бўлиб, «шаҳар олдидаги, ҳарнинг шарқ томонида жойлашган қишлоқ» маънони ифодалайди.

*Раф форманти*. Бу формант Рафаник топоним таркибида сақланган. Хива хонларининг архивида ушбу топоним билан алоқадор бир қатор номлар келтирилган, жумладан, *Ропанакли*, *Оёқ Ропанакли*, *Қиёт Ропанакли*, *Юқори Ропанакли* ва ҳоказо. *Раф* форманти олдида қўшимча бўлиб, «юқоридаги, баланддаги» маънони билдиради. Айрим тадқиқотчилар топонимнинг иккинчи қисми *каник* — «дарвоза» сўзи билан алоқадор бўлса керак деган фикрни билдиради. Маълумки, Хива шаҳрининг тўртта дарвозаси бўлган<sup>25</sup>. Шу дарвозалардан бири бўлса керак Рафаник «юқори дарвоза» маънони изохлайдилар.

*Раф* форманти этимологик жиҳатдан араб тилидан хос бўлиб, у мустақил сўз сифатида *рафи* форманти

связи с некоторыми вопросами его истории. Известия отдела общественных наук АН Таджикской ССР, с. 90.

<sup>23</sup> Уша жойда, 91-бет.

<sup>24</sup> Андреев М. С. По этнологии Афганистана. М., 1927, с. 10.

<sup>25</sup> Бу дарвозалар ҳозир ҳам сақланган ва: *Боғча дарвоза* (қўшма молда), *Палван дарвоза* (шарқда), *Ташдарвоза* (жанубда), *Дарвоза* (ғарбда).



динланган ва «баланд кўтарилган, буюк» каби маъ-  
нинг билдирган (СГТЙ. 178). Шундай экан, топо-  
нинг иккинчи қисми дарвоза билан эмас балки *-кўн*  
(«қишлоқ» сўзи билан алоқадордир.

*сар* форманти. Мазкур формант Хоразмдаги  
*Сарран*, *Сарран* каби топонимлар таркибида уч-  
ради. Мақаллий халқ бу топонимларни *сари* (сариқ),  
билан изоҳлайди. В. И. Савинанинг ёзишича, *сар*  
топонимлари таркибида ҳам учрайди ва «бирор  
нинг бошланиш жойидаги» объектни билдиради.  
*Сарачоҳ* (қудуқ боши), *Сарадашт* (саҳро олди),  
*Сармоз* (мозор боши)<sup>26</sup> ва бошқалар.

Қайт этилган топонимлар таркибидаги *a(u)* эле-  
ментаари изофа кўрсаткичини билдиради. *Сар* (*сир*)  
форманти билан ясалган топонимлар Яғноб ва Фалғар  
топонимлари (Тожикистон)да ҳам учрайди. Шуниси қи-  
ки, мазкур формант Яғноб топонимиясида ҳам худ-  
Хоразмдаги формага эга. Аммо Яғнобда сўз бошига  
де, балки сўз охирига қўшилади. Қиёсланг: *Шахсари*  
топонимдаги жой), *Фарсара* (тоғдаги жой), *Аторсара*,  
*Сарсара*<sup>27</sup> каби. А. Л. Хромовнинг кузатишига кўра бу  
формант *сар* (юқори қисм маъносида) апеллятиви би-  
ли алоқадор. *У сар* сўзига *-а* суффиксининг қўшилиши  
шароитида ҳосил бўлган<sup>28</sup>.

*сар* форманти Хоразм топонимиясида ҳам худди шу  
шароитга эга. Шундай экан бу формант билан ясалган  
*Сарран* топонимини —«саҳронинг, қумнинг бошлани-  
шидаги қишлоқ» деб изоҳлаш мумкин. *Сарран* топони-  
мининг иккинчи қисми *об* —«сув» сўзининг редукцияга  
улиган вариантыдир. Демак, *Сарран* (*об > on*) —«сув  
нинг, сариқнинг бошланишидаги қишлоқ» маъноси-  
да билдиради.

## Индикаторли номлар

Индикаторли топонимлар икки ёки ундан ортиқ ком-  
понентга эга. Қўшма сўзлар каби индикаторли топо-  
нимлар ҳам сўзларнинг ўзаро тобеланиши орқали ҳосил  
бўлади. Бу турли кўринишга эга.

Индикаторли топонимларнинг компонентлари ўзаро  
қандай грамматик воситасиз *сифатловчи + сифат-*  
*ловчи* моделида бирикади: *Йангабазар*, *Баланд кў-*

<sup>26</sup> В. И. Савина. О типах словообразования Ирана, с. 161.

<sup>27</sup> Хромов А. Л. Согдийская топонимия Верховьев Зерав-  
ра. В кн.: Топонимика Востока. М., 1969, с. 95.

<sup>28</sup> Ушаев, 51-бет.

пир, Таза қала, Чаткөпир, Аччикөл, Қаратөбә, Йан-йап, Қийшиққала, Қизилрават, Ақмачит, Ақдәрван, Қизилқошин, Қаракөл, Көкгумбәз кабилар. Индикаторли топонимларнинг бу типидә сифатловчининг -ли форманти билан ясалган ҳолда ҳам келиши мумкин. Бунтурли туркумга оид сўзлар сифатлашган бўлади: *Муллақали йап, Чортанли көл, Тамирли йасқа, Тунқали тапта, Суванли чунгул, Йеканли көл.*

*Алмабағ, Эрикбағ, Тутбағ, Гунжи тахта* типидә номларнинг компонентлари ҳам худди юқоридаги шамада муносабатга киришган. Бироқ бу топонимларнинг сифатловчиси -ли формантини сақламаган. Топонимларнинг умуман белгисиз ишлатилиши тез-тез учрайди, ҳодисадир.

Топонимларнинг бошқа бир тури ҳам -ли формантили сўз билан индикаторнинг қўшилишидан вужуд келган: *Гулләнли орам, Хийвали авул, Қаршили хона, Ханқали тәрән* каби. Бу топонимлар компонентларининг сифатловчи + сифатланмиш шаклида эмас, балки қаратқич + қаралмиш шаклида бириккан. Яъни бу номлар таркибида қаратқич келишиги учинчи шахс эгалик кўрсаткичини сақламаган, балки белгисиз қаратқич харижасига эга. Индикаторли топонимларнинг белгилангани кўпубундан учрайди: *Базирганнинг йери, Көсаннинг жами, Чымчықдың йери (чимчиқ — лақаб), Маңқаннинг кўли, Журымнинг жами, Шагалдинг бағи.* Индикаторли топонимлар дастлабки шаклланиши жараёнида компонентларининг кўрсаткичли шаклига эга бўладилар. Умуманомлар доимо ихчамлашишга мойил бўлади.

*Қаратқич + қаралмиш* муносабатидаги айрим индикаторли топонимларнинг бошқа бир тури Жанубий Туркистонга хосдир. Бунда топоним таркибидаги кейинги компонент учинчи шахс эгалик қўшимчасини қабул қилган бўлади: *Мулла йери, Эшан орами, Санғал бағи, Орисжами, Йолйани, Шават йани, Жугаййери, Чатқали жами* кабилар. Индикаторли топонимларнинг бу типидә баъзан эгалик қўшимчасини икки марта қабул қилади: *Кўлонниси* (кўл ўрни -си), *Муллажамиси, Йапйани* каби. Биринчи топонимдаги *онниси* шаклида эгаликнинг икки марта қўшилишига, сўз таркибидаги флексия сабаб (ўрин + и > ўрни)дир. Шева вакиллари топонимнинг -ни қисмини қўшимча сифатида (келишик қўшимчаси) қабул қилган.

Индикаторли топонимларнинг бошқа бир тури объектнинг белгисини шу жой билан боғлиқ воқеа, ҳодиса орқали кўрсатади. Бу типдаги топонимларни кў-

мик тадқиқотчилар, таркибида феъл туркумига хос умуман ҳаракат, ҳодиса билдирувчи) сўз бўлганлиги сабабли феъл топонимлар (глагольные топонимы), ариплари эса гап-топонимлар деб юритилар.

Бу типдаги индикаторли топонимлар ўзига хос хушга эга. Буларнинг тузилиши турли-туман ва анча раққабдир. Улар ҳам аслида *аниқловчи+аниқлан* типда тузилган. Аммо топонимнинг аниқловчилиги кўп ҳолларда сўз бирикмаси ҳолатида бўлади. Тузилиш жиҳатидан (эга — кесим муносабатидаги) гап-топоним бўлган бу сўз бирикмалари объект билдирувчи индикаторга бирикади. Бундай ҳолатда топонимик индикатор бош келишикда келади.

Бу типдаги номларнинг маълум бир группаси *-ган//и, -р//-ар* қўшимчаси билан ясалган сифатдош шаклда қўлланилади: *Йанган аёвля, Кесгантөба, Қуриқабар, Қўйганқала, Кечарйасқа*. Бу аффикслар билан ясалган индикаторли топонимларнинг бир қисми ҳаракатнинг субъектини кўрсатувчи сўз билан бирикиб кетлади: *Қойқирилган қала* (қўй қирилган қалъа), *Оғиқанкөл* (хўкиз — ҳаракатнинг субъекти, *ўлмоқ* феъл билан ҳосил бўлган), *Орискеткәнкөл* (ўрис — ҳаракатнинг субъекти, *кетмоқ, чўкмоқ* феъли билан бириккан). Бу типдаги топонимларнинг иккинчи компоненти географик объектни кўрсатувчи индикатор бўлиши керак: *қала, тала, чўл, ёп* кабилар.

Шунингдек, бир объектнинг номи иккинчи объектга қўшилса, унинг турини билдирувчи сўзни қўллаш жиҳатидан керак бўлмайди, бундай ҳолларда бу типда яъни объектнинг турини кўрсатувчи индикаторли топоним таркибидан тушириб қолдирилади.

*Дарҳақиқат, Қизкеткән, Эшакөлган, Атбатқан, Атқабар* каби топонимлар худди шу тариқа пайдо бўлган. Бу номларнинг ҳар биридан объектнинг тури ҳам ангдирилади<sup>29</sup>. Топонимларнинг бу типдаги соддалашуви-ни турли факторлар сабаб бўлади. Аввало бу типдаги топонимларнинг биринчи компонентида иштирок этадиган феъл формалари ва конструкцияларнинг субстантивациялашган ҳолатда қўлланиши қайд этилган<sup>30</sup>. Топонимларнинг бу тури айниқса қипчоқ шеvasи вакил-

<sup>29</sup> Кармишева Дж. К классификации и транскрипции названий географических названий Средней Азии. Известия АН УзССР», № 5, 1950, с. 107.

<sup>30</sup> Донидзе Г. И. Глагольные топонимы в тюркских языках. В кн.: Топонимика Востока. М., 1964, с. 45.



лари яшайдиган территорияларда кўплаб учрайди. топонимларнинг кўпчилиги аввал вужудга келган бўлган айримлари кейинги даврларга хосдир: *Орискеткән, Матқатқан — йасқа, Сувён қачқан* каби. Булар олдингига аналогия йўли билан ҳосил қилинган.

Хоразм топонимиясини кузатишимиз шу нарса кўрсатдики, бу территориядаги аҳоли тилида топонимларнинг феъл билан ифодаланувчи модели шаклланди. Шунинг учун ҳам кўпинча тайёр модел орқали феъл топонимлар ясалади. Бу ҳолда объектни ифодалош индикаторнинг қўлланишига эҳтиёж қолмайди.

### Топонимларнинг ясалиш моделлари

1. СОДДА ТОПОНИМЛАР. Бу типдаги топонимларни икки гурпуга бўлиш мумкин. Уларнинг айримлари таркибида ясалганликни кўрсатувчи формант сақлаган бўлиши ёки сақламаган (ноль кўрсаткич) бўлиши мумкин. Мисол: *Кат, Гурлән, Алмалиқ, Шайлиқ* каби. Демак, содда топонимларнинг икки хил делини кўрсатиш мумкин:

а)  $ТО + \emptyset$  модели. Бу модел бир таркибли номларни ўз ичига олиб уларнинг таркибида ҳеч қандай грамматик кўрсаткич йўқ: *Ханқа, Вазир, Қийат, Фил, Хад, Кат, Гурлән, Мадир, Бангги, Шағал, Коса, Қирқ, Ақ Новбир*. Бу номларнинг кўпчилиги апеллатив сўзларнинг функционал кўчиши ёки бу номлар таркибидаги компонентларнинг тушиб қолиши натижасида топоним айланган. Бироқ сўнги даврларда уларнинг кўрсаткичи тушган ёки умуман ўзак билан бириккан. Масалан *Харазм, Ургәнч, Хива* каби номлар ясалишига кўч ҳеч қандай бўлакка бўлинмайди. Бу мазкур типдаги топонимларнинг субстрат характерга эга эканлиги кўрсатади. Ноль кўрсаткичли топонимлар ясашга асос бўла олади. Улар тузилиш жиҳатдан ўзгариши, турли грамматик элементлар қабул қилиши мумкин: *Ханқали, Катли, Айаққатли, Йоқариқатли, Банггилар, Бангги жами, Шағаллар, Шағаләвла*. Содда топонимларнинг бошқа бир типни формантли номлардир.

б)  $ТО + \Phi^{31}$  модели. Бу модел анча мураккаб бўлган улар таркибидаги формантларнинг айримлари аффикс характерига эга. Бу типдаги формантларни  $\Phi_1$  элементи шаклида кўрсатиш мумкин.  $\Phi_1$  элементи ҳозирги кунда топонимик асослар билан бирикиб янги но

<sup>31</sup>  $\Phi$  — формант ва аффикс кўрсаткичи.

р ясай олади. Хоразм топонимиясида *-лық* қўшимчаси  $\Phi_1$ га тенг бўлиши мумкин. Бу қўшимча ўсимчи номларига қўшилиб, унинг мазкур жойда, территорияда ўсиши ёки унинг кўплиги каби маъноларни билдиреди: *Йеканлик, Қамишлық, Бойанлық, Алмиртқ, Жангәллик* кабилар. Айрим қўшимчалар ҳам баъзи маъно оттенкалари билан  $\Phi_1$  хусусиятига эга бўлади. Масалан, *-чи, -лар* формантлари инсон фаолияти билан алоқадорлик маъноси, территория билан боғлиқ хусусияти улар иштирок этган номларнинг топонимга айланишига сабаб бўлади. Бу типдаги *Топпи-Савунчи, Нокислар, Жаббилар* каби топонимларда объектнинг турини билдирувчи сўз билан мазкур сўзларнинг атрибутив муносабатга киришиши назарда пайдо бўлган. Аммо давр ўтиши билан объектнинг турини билдирувчи сўз ёки аниқланмишни билдирувчи сўзга эҳтиёж йўқолади. Натижада бу муносабатни билдирувчи кўрсаткич ҳам тушган. Айрим қўшма топонимлардаги *-и* эгалик қўшимчасининг сақланиши ҳам назарда (Савунчи орами, Муллатопи каби). Шундай қилиб, бу номлар олдин: *Топпичининг авули, Савунчининг орами* ( $ТО + \Phi + \Phi + ТО + \Phi$ ) типда бўлган. Кейинчалик: *Савунчи орам* ( $ТО + ТО$ ) ҳолига келган. Бу номлардаги *Савунчи* шаклига келган. Шундай экан, назарда бу номларни  $ТО + \emptyset$  типда қараш мумкин. Лекин мазкур топоним таркибидаги  $\Phi$  қайд қилинмишдек айрим хусусиятлари билан  $\Phi_1$ га яқин туради. Шу сабабли  $ТО + \Phi$  моделига киритиш мақсадга мувофиқдир.

$ТО + \Phi$  моделидаги топонимларнинг ҳаммаси ҳам назардаги жараёни утаган эмас. Кузатишларимизга кўра тил тараққиётининг маълум бир босқичида бу модель вужудга келган. Умуман кўпгина кўрсаткичли топонимлар  $ТО + \emptyset$  га барабардир. Бироқ уларнинг кўплиги ҳозирги ўзбек тилида актив дериват сифатида билдириши натижасида ҳам маънога эга деб қаралади. Шунинг учун, уларни ҳозирги вақтда сўз ясовчи топонимлардан фарқлаш учун  $\Phi_2$  белгисида кўрсатилади. Хоразм топонимиясида  $ТО + \Phi_1$  типдаги ясалыш нисбатини камдир.  $ТО + \Phi$  моделидаги топонимларнинг аксарияти кўпчилиги  $ТО + \Phi_2$  шаклида сақланган.

Шунинг учун, ҳам  $ТО$  бугунги тил нуқтаи назарида турли сўз туркумларига мансуб деб қаралади.  $ТО + \Phi_2$  типдаги номлар турли сўз туркумига хос сўзларга  $\Phi_2$ нинг қўшилишидан вужудга келган.  $ТО$  ўрнида, сон туркумидаги сўзлар қўлланилади: *Айақчи,*

*Баламанчи, Бургали, Бозчи, Қазақлар, Йомитлар, санли, Қалали; Бешинчи, Тортинчи, Биринчи, сонлар.* Бу типдаги топонимлар объектнинг жойган ўрини ёки аҳолининг, оилаларнинг сонига нисбатан олинади. Масалан: *Токсанлар номи: Биринчи* шаҳардан боришда дастлабки учраган қишлоққа батан берилган.

*ТО* сифатида тақлид сўзларнинг қатнашиши мумкин. Бу албатта шу туркумдаги сўзларнинг ўз хос хусусиятини кўрсатувчи белгидир. Масалан, *Шу лавуқ (Шарламоқ сўзидан — «доимо шариллаб чиқарадиган жой»)*, *Патпатчи (Пот-пот — трактор)* бир тури, овозига нисбатан аталган), *Губирчи (бурлаб овоз чиқарадиган жой)* *ТО+Ф* типдаги топонимларнинг маълум бир типи олд қўшимчали — фиксли номлардир, яъни морфологик жиҳатдан *Ф* кўринишига эга. Аммо маъно жиҳатдан бу номлар *ТО+Ф<sub>2</sub>* типига ўхшаш. Бу номлар таркибида иштироқ этадиган префиксларнинг деярлик ҳаммаси ҳозирги Хоразм шеваларида ҳеч қандай маънога эга эмас. Улар фақат этимологик жиҳатдангина кўрсаткич сифатида ажратилади. Содда топонимлар бир қатор ясалиш деёлларига эга, жумладан уларнинг *ТО+Ф*; *ТО+Ф<sub>1</sub>*, *ТО+Ф<sub>2</sub>* каби типларини ажратиш мумкин.

**2. ҚУШМА ТОПОНИМЛАР.** Булар композицияли билан икки сўзнинг қўшилишидан ҳосил қилинган. Хоразм топонимиясида қўшма номларнинг ясалиш усуллари ва моделлари турличадир:

*ОТ+ОТ* типи. Бу модел асосида ясалган топонимларнинг айримлари тузилишига кўра ҳеч қандай қўшимчасиз ҳолатда бўлиши ёки бирор грамматик кўрсаткич билан шаклланган бўлиши мумкин. Бу топонимлар таркибида грамматик белгининг бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар синтактик жиҳатдан *қаратқич+қаралмиш* муносабатида бўлади. Уларнинг тузилишига кўра икки турга бўламыз:

а) *ТО<sup>1</sup>+ТО<sup>2</sup>*: *Манғит арна, Байавул, Ханқали, Сақалияп, Орис йол, Беган тоғай, Йомит салма, Даржам, Шатир орам, Найман йап.* Бу тип топонимлар ташкил этган компонентларнинг иккиси ҳам синтактик жиҳатдан тенг эмас. Бунда биринчи компонент ташкил ҳолатда бўлади, у иккинчи компонентнинг кимга-нимга қарашлилигини билдиради. Умуман топонимларда компонентларнинг тенгланиши учрамайди.

б) *ТОФ+ТОФ*: *Банггининг йери, Чавдирнинг жойи, Бийдинг қаласи, Сопининг йери, Қулинг йани, Самин*



дан, Ханни бағи, Сангални бағи ва бошқалар. Бу топонимлар тузилишидаги грамматик кўрсаткич қаратилганлик маъноси билан  $\Phi_1$ га яқин. Чунки топоним компонентларидаги ана шу мазмун асосида топонимизация бўлашган.  $ТО+ТО$  моделининг яна бир кўриниши таркибида умуман комплекснинг топонимлашишгача бўлган давридаги  $\Phi_2$  кўрсаткичи билан қўлланишидир. Бунда ўрганилаётган модел  $ТО\Phi^2+ТО$  кўринишига эга бўлади: *Савинчи орам, Топпичи орам, Темирчи авул, Хивазчи авул, Кундачи топар* кабилар.

Айрим ҳолларда бу типдаги топонимлар  $ТО\Phi^2+ТО\Phi^1$  тип бўлади: *Ҳоққачи жами, Шават бойи, Қувинчи орами, Шаликар орами, Лампачи орами, Көрпачи йани* каби. Сўз ясалишининг композиция усулида аффиксиз бирикиши, яъни компонентларнинг ҳеч қандай грамматик кўрсаткичсиз бирикиши аввалдан ҳам актив бўлган<sup>22</sup>. Буни топонимлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Қўшма топонимларнинг кўпчилиги таркибидан қўшимчаларни туширишга, яъни  $ТО+ТО$  шаклига мослашишга мойил бўлади. Улар давр ўтиши билан соддалашиб *Баланд сўз (ТО)* формасига келади. Бу шуни кўрсатадики, топонимларнинг аморф шаклида ясалиш модели қадимги даврга хос бўлиб, ҳозир ҳам кўплаб номларнинг ясалишига асос бўлмоқда.

*Сифат+от* тип. Бу типдаги қўшма топонимлар объектнинг бирор белгиси ранг-туси, шакли, мазани, хусусияти кабиларни ифода қилади. Қўшма топонимларнинг бу тури ҳам тузилишига кўра  $ТО+ТО$  шаклида ҳеч кўрсаткичсиз бўлиши мумкин. Бу топонимлар таркибидаги компонентлар *аниқловчи+аниқланмиш* ҳолатида бўлади. *Аниқланмиш* сифатида кўшимча объектнинг турини билдирувчи топонимик индикатор иштирок этади: *Баланд кўпир, Ақтўба, Қара тўба, Қизилйар, Улликўл, Йангайар, Йангабазар, Таза тили, Алатав, Қаратав, Аччикўл, Кўкқарға, Кўккўзак (кўккўзак), Кўкчўга, Кўнақала, Қарабува, Қаранмайдин*.

*Аниқловчи+аниқланмиш* типдаги қўшма топонимларнинг биринчи компоненти ясама ёки  $ТО\Phi^2$  шаклида бўлиши мумкин. Бу моделда иштирок этадиган  $ТО$  топонимик индикатор билан муносабатга киришгундан  $\Phi_2$  билан шаклланган: *Йеканли кўл, Чортанли чунгул, Иқалийар, Йилғинли мазар, Аләмли авлийа, Атсиз қала, Атсиз арна, Ийāsиз бағ*.

<sup>22</sup> Узбек тили грамматикаси. I қисм. Тошкент, 1975, 34-бет.

Кўринадики,  $\Phi_2$  вазифасида сифат ясовчи *-ли*, каби аффикслар иштирок этган. Бу типдаги топонимлар вақт ўтиши билан таркибидаги аниқланмиш номини тушириб қўлланилади. Бундай қўшма топонимлар бора-бора апеллятив (формантли) номга айланиб, Топонимларнинг *сифат+от* типиде ясалиши энг тарқалган моделдир.

*Сон+от* тип*и*. Бу типдаги қўшма топонимларнинг компонентлари ҳам *аниқловчи+аниқланмиш* муносабатида бўлади. Аммо топоним — объект муносабати анча мураккабдир. Бу қўшма топонимлар таркибида кўпчилик ҳолатда объектнинг турини билдирувчи индикатор қўлланилмайди. Бунда объектга хос бўлган ёки у ерда жойлашган, ўсаётган ва бошқа предметларнинг номи ҳамда уларнинг миқдорини англатувчи сифат қўлланади холос: *Бешгужум, Бешйаман, Бешлаччи, Бештут, Қирқарқан, Қирқбойи, Қирқорам, Қирққўш, Мингбағалан, Мингйаримшийт* (шаҳид) каби.

Кўрсатилган номларнинг семантик қўлами анча мураккаб яъни бу топонимлар «Бешгужумли қишлоқ» ёки «Беш тутли авул» каби маъноларни ифодалайди. Бу типдаги топонимларнинг биринчи компоненти яъни аниқловчи *ТО* сифатида баъзан нумератив сўзлар ҳам иштирок этади: *Йеккалām* (якка алам), *Йеккатут, Кўшатабā, Қошақала, Йарим авил, Қошқўпир, Йалғизтоғ* каби.

*Фезл+от* тип*и*. Аслида биз шартли равишда *фезл+от* тип*и* деб кўрсатган қўшма топонимлар тузилиши жиҳатдан анча мураккаб. Бундай қўшма номларнинг икки ва ундан ортиқ компонентдан ташкил топган бўлади. Уларнинг компонентлари орасидаги муносабат ҳам турличадир. Масалан: *Оғизблган кол* ёки *Қойилган қала* топонимларини олиб кўрайлик. Бу номлар асли икки компонентли топонимларга мос келади. Чунки биринчи (*Оғиз блган*) қисм бир синтагма сифатида бириккан. Бу асли предикатив муносабатдаги гапдир. Сунгра бу синтагма сифатловчи вазифасини бажариши мумкин ўтади. Давр ўтиши билан бу муносабат ҳам соддалиги билан сифатланмиш *ноль* кўрсаткичга тенг бўлиб қолади. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам бу типдаги қўшма сўзлар учрайди, яъни *ичкетар, бўйўсар* каби. Уларнинг тадрижий ривожини аслида шундай бўлиши лозим деб кўрсатилади. Буларнинг биринчи компоненти бош келиши шикдаги сўзга тенг (*ич, бўй*), унга боғланувчи *фезл* эса асли кесим каби шаклланиши лозим (*кетати, ўсати*) каби). Бундай предикатив синтагмани атрибутив фор

киритиш заруриятидан сифатдош формаси қўйилган<sup>33</sup>.

Шундай экан, топоним таркибидаги қўшимчалар  $\Phi_2$  тенг келади. Уларнинг кўпчилиги уч компонентдан иборат топган. Бироқ бу компонентларнинг ҳаммаси  $ТО$  га тенг эмас. Биринчи қисмдаги икки компонент бир вазифани бажаради, яъни объектни сифатлайди, унинг бирор хусусиятини аниқлайди. Шунинг учун ҳам қўшма топонимларнинг бу тури тузилиш жиҳатдан қуйидагича кўрсатилиши мумкин:  $C \rightarrow TO + TO = TO$ .  $C$  тенг бўлган  $ТО$  доимо  $\Phi_2$  ҳолатида бўлади.  $\Phi_2$  вазифасида кўпинча сифатдошнинг *-ган//кан, -р/ар* формалари иштирок этади: *Қум басқан қала, Қизкетан канал, Атйувар кўл, Орис кеткан кўл, Огизёлган* ва ҳоказо.

Баъзан  $\Phi_2$  вазифасида сифатдошнинг бўлишсиз формаси ҳам иштирок этади: *Гошалмас авул* (гўшт билан овул), *Атотмас йасқа* каби.

Бу типдаги топонимларнинг тузилиши ихчамлашган. Кўпчилик ҳолларда объектни ифодалаш учун сифатдошнинг вазифасидан предикатив синтагма қолади. Улар жиҳатдан: *от+феъл* типда қўлланилаверади.

Демак, қўшма топонимларнинг кўпчилиги ясалиш жиҳатдан қўшма сўзларга мос келади. Аммо топонимлар семантик жиҳатдан чегараланган бўлиб, объектни ифодалаш учун қўлланилади. Яъни номинатив функция бажаришга хослашган бўлади.

### Топонимик индикаторлар

Жой номлари таркибида қатнашиб улар ифодалаган объектни билдирувчи индикатор сўзлар<sup>35</sup> топонимияда муҳим урин тутади. Бундан ташқари индикаторлар ифодалаётган объект ҳақида маълум информация бериши қобилиятига эга.

Топоним ва индикаторлар бир-бири билан генетик жиҳатдан боғлиқдир. Чунки қадимги кишилар географик объектларни оддийгина турдош отлар билан аташганлар: *тоғ, сув, қишлоқ* каби. Кейинчалик ишлаб чиқариш, кишиларнинг муносабати кенгайгандан кейин, объектларни бир-биридан фарқлаш эҳтиёжи туғилган ва натижада атоқли отлар шу жумладан топонимлар

<sup>33</sup> Ўзбек тили грамматикаси, 262-бет.

<sup>34</sup>  $C$  — сўз демакдир,  $T$  — топоним.

<sup>35</sup> Дўсимов З. Топонимик индикаторлар.—«Ўзбек тили ва адабиёти», 1972, 5-сон, 71—74-бетлар.



вужудга келган. Шу боисдан ҳам ҳозирги вақтда ҳам дарё, тоғлар, шаҳарларнинг номлари асосида турли отлар (индикатор) ётади: Амударёнинг қадимги *Уғуз* — «сув», *Дон*, *Днепр*, *Дунай* — «сув», *Кат* — «лоқ», *Карпат* — «тош чўққи» кабилар.

Топонимлар ва индикаторларнинг генетик алоқаси бир хил ҳодиса дегани эмас. Гарчи улар бир-бири билан алоқадор бўлсалар ҳам бир-биридан фарқланади. Индикаторлар бир хилдаги географик предметларни гуруҳласини номлайди, топонимлар эса географик предметларнинг биттасини бошқалардан ажратиб кўрсатади. Индикаторлар тушунча ифодалайди, топонимлар ҳақдайд хусусиятга эга эмас. Е. Куриловичнинг таъкидлашича, индикаторлар ифодалайди, топонимлар номланади<sup>36</sup>.

Индикаторлар — турдош от, топонимлар — атайин отлар саналади. Бу икки лексик гуруҳдаги элементлар доимо бир-бирига боғлиқ. Ю. А. Карпенко индикаторларнинг абстракциялаш ва конкретлаш хусусияти кўра маълум иерархик пирамидасини аниқлаш мумкинлигини қайд этади. Бу пирамиданинг пастки қисми топонимлар<sup>37</sup>. Агар топонимлар ўзининг географик объектни ифодаловчи дифференциал белгисини йўқотган экан, улар индикаторга айланади. Масалан: *Уғуз*, *Кат* каби. Индикатор мабодо ўзи ифодалаётган географик объектнинг бирор дифференциал белгиси билан ифодаланса, у албатта топонимга айланади. Қиёсланг: «тоғ» — «сув», «кент» — индикатор; *Қора тоғ*, *Ола тоғ* — *Қорасув*, *Кўксув*, *Тошкент*, *Бешкент* — топоним. Индикаторларнинг қўлланиши ва функционал доираси давр ўтиши билан ўзгаради. Айрим индикаторлар кўп қўлланилади, баъзилари эса кам қўлланади. Уларнинг маъноси махсус лингвистик текшириш орқали аниқлаш мумкин. Қизиғи шундаки, маъноси унутилган индикаторлар топонимик формант шаклида қўлланади. Э. М. Мурзаев кўпгина топонимик формантлар индикаторлардан келиб чиққанини жуда тўғри қайд этган эди<sup>38</sup>.

Хоразм топонимиясидаги *кат*, *работ*, *ён* каби индикаторларнинг ҳозирги даврда янги номлар яшашда кўп тирок этмаслиги ва уларнинг ўрнини *қишлоқ*, *кам*

<sup>36</sup> Курилович Е. Очерки по лингвистике. М., 1962, с. 234.

<sup>37</sup> Карпенко Ю. А. Топонимы и географические термины. М., 1970, с. 37.

<sup>38</sup> Мурзаев Э. М. Местные географические термины и их роль в топонимии. — В сб.: «Местные географические термины». М., 1970, с. 17.



Номлар вақт ўтиши билан ўз тузилишини соддалаштира боради. Индикаторларнинг ёлғиз ҳолда топоним бўлиши территория кўлами билан ҳам алоқадор. Маълум территорияда яшовчи кишилар кундалик муносабатларда жой номларининг аниқловчисини тушириб қолдирадилар: *Бозорга бормоқ, шаҳарга бормоқ, ёп бўйида қа...* Улар учун қайси бозор (Жумабозор ёки Янги бозор) эканлиги, шаҳар Урганч ёки Хива эканлиги, ариқни қайси ҳам (Хонёпи ёки Қиличбой арна) қайси эканлиги маълум. Сўзловчи ҳам, тингловчи ҳам тасаввурида бир объектни тушунади. Бу албатта тор кичик территорияда яшовчи кишилар учун хос ҳолатдир. Чунки қишлоқда бир канал ёки бир кўл бўлиши мумкин. Аммо бундай объектлар икки ёки ундан ортиқ бўлса албатта бирор дифференциал белгига асосланган аниқловчи бўлиши қўлланилади. Юқорида қайд этганимиздек, топоним таркибидан индикаторнинг тушиб қолиши ва аниқловчи ёлғиз шу объектни ифодалаши ҳам мумкин. Масалан: *Эллик* (Элликқала), *Қизил* (Қизилжар), *Қийшиқ* (Қийшиққала) каби.

2. Индикаторлар аниқловчи сўз билан объектнинг номи бўлиб келади. Бу Хоразм топонимиясида энг аниқ тивдир: *Пилқала, Думанқала, Қойқирилган қала, Қийшиққала, Хожсақала, Савунчи орам, Кўрпачи орам, Хоразм рағлар орами, Тамтўба, Ақтўба, Қаратўба, Уллитўба* ва шу кабилар.

Бу типнинг актив қўлланиши табиий ҳолдир. Чунки топонимнинг функцияси бир объектни худди шундай объектдан фарқлашдан иборат экан, объектларни бири-биридан ажратувчи дифференциал белги индикаторлар олдидаги аниқловчида намоён бўлади. Топонимнинг объект ҳақидаги информацияси ҳам кўпинча ана шундай сўзларда мужассамдир. Кишилар объектни турли хил белгилари асосида фарқлайди. Таъкидлаганимиздек у белгиларни танлаш турли хил факторларга боғлиқ. Шунинг боисдан ҳам индикаторлар турли хил сўзлар билан қўлланиши мумкин. Бу сўзлар объектнинг ҳажминини (*Катта кўл, баланд кўприк*), шаклини (*Тумалоқ тахта*), сони (*Бешуй*), узоқ-яқинлигини, жойлашиш ўрни (*Чаккашолликор, Оёқдурман*) ва кўплаб бошқа белгиларни хусусиятларини ифодалайди. Шуниси характерликки бундай сўзлар индикаторлар билан шу даража яқин алоқалашганки, кўпчилик ҳолларда улар индикаторларнинг ҳам объектлар ифода эта олади. Масалан, *чуқур, сабақ* каби сўзлар сув объектларига нисбатан, *юқори, оғир* каби сўзлари сувнинг (канал, арна каби) *боши* ва *охири*ни



йлашган аҳоли пунктларига, *узоқ*, *яқин* сўзлари жой  
ларига, *аччиқ-чучук* сўзлари қўлларга нисбатан қўл-  
ланади. Баъзан улар ёлғиз ҳолда ҳам топоним си-  
тида қўллана олади. Шу боисдан ҳам бу типдаги  
ларини функционал индикаторлар деб аташ тўғри-  
қдир. Ҳар ҳолда бундай функцияни тилдаги ҳамма  
лар ҳам бажара олмайди. Умуман, объектнинг бел-  
и ҳам чексиз бўлмагани каби уларни ифодаловчи  
лар ҳам чегаралангандир.

Шундай экан, топонимларнинг таркибида қатнашиб,  
ектнинг белги-хусусиятини билдирувчи ва ўрни би-  
и индикаторлар функциясини бажарувчи сўзларни  
ункционал индикаторлар дейиш лозим.

3. Индикаторлар турли аффикслар билан ҳам қўл-  
нади. Бундай типда индикаторлар кичиклик билди-  
рчи *-жик* (*-жық*) аффикси билан: *Қалажик*, *Тобажик*,  
*аражик* — қора «тепа» демакдир, бу аффикснинг ада-  
и орфографик формаси *-ча* ҳам бир марта учради  
(*чадарча*), *-лик*, *-лық*: *Дарёлық*, *Шорлық*, *Тақырлық*,  
*умлық*, *Ташлық*, *Авуллық* каби.

4. Индикаторларнинг жуфт ҳолда қўлланиши икки  
лат билан боғлиқдир. Аввало индикаторларнинг  
лабки маъноси билан кейинги терминлик маънола-  
и кескин чегараланмаган ҳолларда индикаторлар  
уфт ҳолда қўлланилади: *Арнасақа*, *Шорқала*, *Бўзқа-*  
*а*, *Қаратёба*, *Таштёба*, *Ташқала*.

Бундаги *арна*, *шор* ва *таш* компонентлари инди-  
рининг белгиси сифатида қўлланган. Аслида улар  
*Арнарна*, *Яккатош* каби топонимларда индикатор си-  
тида қўлланади. Бундай қўлланиш кўринишдан сўз-  
нинг семантик доираси билан ҳам алоқадордир. Кўп  
ишполи сўзларнинг семемалари турли ҳодисаларни  
рлаши, яъни семантик дифференциацияга учраши  
мумкин. Бундай ҳолатда янги сўз вужудга келади. Юқо-  
идаги мисолда *қора* сўзи ранг ифодалаган, *Қаражик*  
ионимида — «тепа» маъносини билдирган. Бу ўринда  
ам улар омоним хусусиятга эга эмас. *Тепа* маъноси  
нинг асосида вужудга келган. *Тош* сўзининг ҳам русча  
*камень* маъноси билан тоғ маънолари бир-бири билан  
иантик боғлиқдир. Индикаторларнинг жуфт ҳолда  
қўлланишининг иккинчи сабаби ном сифатида қўлла-  
ланган индикаторларнинг бири шу ердаги аҳоли ти-  
ида ўз маъносини йўқотган ёки унинг семантик функ-  
ионининг ўзгарганлигидир. Масалан, *Катавул*, *Катқала*  
и *Раватқишлоқ* топонимларини олайлик. Юқорида  
тилган *кат* — «қишлоқ» маъносига эга бўлган инди-

катордир. У кўплаб топонимлар ясашда иштирок эти. Аммо кейинги даврда Хоразм аҳолиси тилида кат сўз индикатор эмас, маълум шаҳарнинг номи бўлиб қолган. Индикаторлар конкрет объект билан боғланса топонимга айланади. Топонимларнинг семантик кўламин кенгайтса улар индикатор вазифасида қўлланади.

### Индикаторлар таснифи

Маҳаллий географик терминларнинг маълум қисmini ташкил этадиган топонимик индикаторлар ҳам семантик хусусиятларига кўра турличадир. Уларни қуйидаги группаларга ажратамиз:

1. **ТОПОНИМИК ИНДИКАТОРЛАР**<sup>43</sup>. Жой, мақоли, ўрин маъносини ифодаловчи терминлар. Бу типдаги индикаторлар ўрин маъносини икки усулда ифодалайди:

а) объектнинг турини кўрсатиш орқали: *кāt, қарават, авул, āвлиџа, кōчā, орам, қишлақ, мāчит, қарбазар, копир, уй, там.*

б) жамлик, кўплик орқали: *жāм, топар, топ, боғ (боғ) кабилар.* Бу индикаторларнинг кўпчилиги Ўрта Осиё ва Қозоғистон территориясида, шунингдек, бошқа туркий халқлар топонимиясида мавжуд. Аммо улар маъно оттенкаларига кўра бир-биридан фарқланади.

2. **ЛАНДШАФТ ИФОДАЛОВЧИ ИНДИКАТОРЛАР**. Бу типдаги индикаторлар қуйидагилар: *тоғай, қайи, тақир, қир, қум, атав, атиз, кōлчā, карта, пол, кōл, тўбоз, аланг, ой, кāриз, айри.*

*Тўқой* (тоғай). Хоразмда ҳозир ҳам қўлланилади. Унинг иштирокида *Сапаштоғай, Бегантоғай, Шаббаттоғай, Қаратоғай, Қалинтоғай, Қамиштоғай, Бадайтоғай, Чалиштоғай, Торангилтоғай* каби топонимлар ясалган. Бу сўз деярли ҳамма туркий тилларда қўлланилади. Қиёсланг: туркм.: *тоқай* — ўсимлик қалин бўлиб ўсадиган водий: *Атрек тоқай, Мурғобы тоқайы, Тежен тоқай*; олт.: *тогой* — «ўрмон» маъносини ифодалайди; қирғ.: *тоқой* — ўсимлик кўп ўсадиган майдон; қоз.: *тоғай* — ўрмон, дарё бўйларидаги ўрмон, ўтлоқ<sup>44</sup>; *Ашкылытоғай* (аччиқ тўқай), *Жартоғай* (жар тўқай), *Қаратоғай* (қора тўқай); қ. қалп.: *тоғай* — дарё бўйидаги

<sup>43</sup> Термин икки маънода қўлланилади: 1. Умуман топоним системасида қатнашувчи индикаторлар — бунда кенг маъно ифодалайди. 2. Индикаторларнинг бир тури — ўрин, жой маъноси билан боғлиқ группаси; мазкур ўринда терминнинг иккинчи тор маънодан фойдаланилди.

<sup>44</sup> Конкашбаев Г. К. Словарь казахских географических названий. Алма-Ата, 1963, с. 134.

мон, ўтлоқ: *узынтоғай* (узун тўқай), *Оталган тоғай* (олган тўқай); бошқ.: *туғай* — ҳар хил ўсимликлар билан қопланган кенг ва узун дала; тат.: *туғай* — ўти билан олинадиган ўтлоқ.

Э. Мурзаев ва Л. Мурзаевалар бу сўз Жанубий Ўзбекистон халқлари тилида ҳам ўрмон маъносидан эканлигини қайд этган<sup>45</sup>. Демак, *туғой* асл туркийча термин бўлиб, ўрмон, ўтли дала, дарё бўйларидаги *ўрмон*, *ўтлоқ* каби маъноларга эга. Хоразмда ҳам *ўрмон* маънода қўлланилади.

*Бўз* (боз): *Бозача*, *Бозқала*, *Бозавлийа*, *Бозйап* каби топонимлар таркибида учрайди: *Бўз райони*, *Бўз мавзеи* (Тошкент, Куйбишев райони) каби. Хасанов бўз сўзининг асл маъноси (лойқа, сарғиш) — ташқари, топонимлар таркибида «янги» маъносига эга (бўз ер — ишланмаган ер, бўз бола — ёш йигит каби) эканлигини айтган<sup>46</sup>. Хоразмда бўз ишга солинмаган ер маъносидан ташқари *қўриқ ер*, умуман «қўриқ» маъноси ҳам мавжуд<sup>47</sup>.

*Қайир*: *Арқақайир*, *Тёманқайир*, *Қиблақайир*, *Миннинг қайири* каби номларда учрайди. Хоразмда бу индикатор «юмшоқ, қумлоқ, ер» маъноларини ифодалайди. *Қайир* ерларга асосан қовун экилади. Шу сабабдан Ўзбек халқ шевалари луғатида «*қайир*—«қовун экилаган бўз ер» деб изоҳланган (154). Қадимги ёзма ёдгорликларда *Qajir* —«песок, рыхлая земля» (ДТС. 407) *qajir I*—«қум» *qajir II*—«юмшоқ ер» яъни туркий халқлар тилида юмшоқ ер, ўғузлар қумни *қайир* (قير) деб изоҳлаган (ДЛТ. III. 180).

*Атав*: *Шаммининг атави*, *Уллы атав*, *Киччиатав*, *Камишлиатав* каби номларда учрайди. Бу сўзлар дарё орасида қолиб кетган қуруқликлар, оролчаларни англатади: *атав I*—«ўтов, қора уй, юрт»; *атав II*—«орол», «остров»; *атав III*—«қамишзор, чангалзор», «камышзорлар заросли, заросли колючих кустарников» (ЎзШЛ. 100). Турк.: *aga* — «орол» каби. Жой номлари таркибида ҳам учрайди. Масалан Каспий денгизиде *Қамишлиота*<sup>48</sup>. Шундан ташқари туркий тилларда ва шеваларда ҳам *атав*//*ато* «орол»; 2. қўл, дарё ўртасида ҳосил бўлган бир парча

<sup>45</sup> Мурзаевы Э. и Л. Словарь местных географических терминов, с. 229.

<sup>46</sup> Хасанов Х. Урта Осиё жой номлари тарихидан, 48-бет.

<sup>47</sup> Қораев С., Фуломов П., Раҳимбеков Р. Географиядан изоҳли луғат. Тошкент, 1979, 30-бет.

<sup>48</sup> Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. Тошкент, 1979, 112-бет.



ер; 3. қамишзор, чангалзор маъноларига эга<sup>49</sup>. Эски бек тилида *ада* — «орол, ярим орол» (Рдл. I. 47). Озарб.: туркм.: *ада* — «орол» (ТДС. 23); тот. бои: *ада* — «орол, ярим орол».

**Қир:** *Чингизнинг қири, Улли чингиздинг қири, Кичи чингиздинг қири, Тавшанқир* каби номларда маъно жуд. Бу термин усти ясси ёки салгина гумбазсимон ландшафтликлар, тепаликлар, ясси паст тоғлар деб изоҳланади<sup>50</sup>. «Девон»да *қир I* — «тўғон, сув тўпланадиган жой», *қир II* — «қир, ясси тоғ», «возвышенность, холмистая степь» (ДЛТ. I. 314).

Хоразм топонимиясида бу индикатор «текис майдон» экин қилмайдиган катта дала, қўй боқиладиган тепалик, «ўтлоқ» маъноларини беради. *Туз ер* индикатори ҳам худди шу маънода қўлланилган. Қўринишдан бу термин *туз ер* сўзига синоним бўлиб, ҳозирги вақтда қўлланилмайди. С. Қораевнинг қайд этишича туркий тилларда *туз* икки маънода (1. гладкий, ровный, пологий, 2. равнина, степь, после) қўлланилган<sup>51</sup>. М. Қошиқовнинг ҳам *туз* — тўғри, текис нарса, *туз жер* — «текис жой» маънода (ДЛТ. I. 314). Қиёсланг: озарб.: *Муган дала* (Муганская степь) Хоразмда *Тузгир*.

**Атиз:** (ад. орф. пайкал, экиладиган ер): *Тариалар, Гулатиз, Бодайатиз, Қавинатиз, Пахтаатиз* каби юз миқротопонимлар таркибида учрайди. Хоразмда худди шу маънода *тахта* (Наухантахта, Маштахта, Аширтахта), *пол* (Бедапол, Уллыпол), *карта* (Аллайкарта, Машкарта, Машинкарта) каби терминлар ҳам қўлланилади. *Атиз* сўзи ҳозирги Хоразм шеваларида ақибатда қўлланилади. Қадимги ёдгорликларда *атиз* — «ниҳат ариқ орасидаги экиладиган ер, майдонни» билдириб келинади (ДЛТ. I. 88); *Атиз* — посевная площадка между двумя орольными арыками (ДТС. 67), *атиз* — «экин майдони» (Рдл. I. 463). Бошқа туркий тилларда жумладан уйғ.; қ. қалмақ; турк.: *атиз* — «экин майдони» (ТДС. 58) маъносига эга.

**Аланг:** *Қарааланг, Аланглық, Уллыаланглық, Кичиаланглық* топонимлари таркибида учрайди. Хоразм шеваларида *аланг* термини 1. экинга яроқсиз ер, 2. «ақибат ариқ, анҳор йўли маъноларига эга<sup>52</sup>. Қорақалпоғистонда

<sup>49</sup> Қораев С., Фуломов П., Раҳимбеков Р. География Хоразмдан изоҳли лугат, 102-бет.

<sup>50</sup> Уша асар, 149-бет.

<sup>51</sup> Қораев С. Географические термины в зоне контактирования узбекского киргизского и таджикского населения.— В Местные географические термины. М., 1970, с. 191.

<sup>52</sup> Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари, 121-бет.

и ўзбек шеваларида *аланг* I—I. *ангиз* (ҳосили йиғиб инадиган ер), 2. қўриқ, бўз ер, 3. яланглик; *аланг* — сув оқмайдиغان эски аниқ ўрни маъноларини ифода қилади<sup>53</sup>. «Девон»да — текис майдон, яланг, саҳро рус.: *степная равнина* (ДЛТ. I. 154).

*Кāриз*: *Кōнакāриз* каби топонимларни ясашда ишлатилган. *Кāриз* сўзи Хоразм шеваларида кам ишлатилади. Унинг маъносини Ф. Абдуллаев *кари:з//кариз* — «қуриқ сув оладиган чуқурлик» деб изоҳлайди. Бу индикаторга синоним сифатида *қарим* термини ҳам қўлланади. Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида *қарим//қа:рым* I. қалъа атрофини ўраб турган, ичига қўлдирилган чуқур, хандақ. 2. йўлнинг икки томонини қазилган ариқ, 3. ариқ ёқасидаги чуқурлик<sup>54</sup>.

Туркман тилида *гарым* — «кенг ва узун қилиб қазилган чуқур» маъносига эга (ТДС. 152). Ф. Абдуллаев *гарим* Хоразмда дўнг, тепа ер деб, яъни *кариз* сўзига синоним сифатида изоҳлайди<sup>55</sup>.

*Ой*: Бу индикатор топонимлар таркибида ёлғиз ҳолда ёки бошқа сифатида учрайди. *Уй* — «пастлик, чуқурлик, жарлик» маъносини ифода қилади. Хоразм шеваларида бу индикатор *Ойдик*, *Ой* — *хāндақ* каби вариантлари эга.

Бу индикаторнинг тарқалиш ареали анча кенг. Г. Молчановнинг таъкидлашича тоғли Олтой ўлкасида унинг *ой*, *ойук*, *ойдын*, *ойым*, *ойбок* каби вариантлари мавжуд бўлиб «низина, котловина, впадина» маъносини англатади. Шуниси қизиқки, бу индикаторнинг гидронимик номлар таркибида келиш билан бирга, оронимик номлар ясашда ҳам иштирок этади<sup>56</sup>. Туркман тилида *ой* — «чуқур, пастлик» маъносида (ДДС. 152). М. Гельдихановнинг ёзишича, унинг *ойтак* варианты ҳам мавжуд бўлиб, «впадина, бессточная низина, понижающаяся дождевой водой и реже селевой водой транзитных русел» маъносини ифода қилади<sup>57</sup>. Эски туркман тилида *ојик//ојук* — («выдолбленный, впадина, котловина») маъносида қўлланган (Рдл. I. 987). Хоразм шеваларида худди шу маънони ифода қиладиган *ō:p* сўзи бор.

<sup>53</sup> Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари, 70-бет.

<sup>54</sup> Ишаев А. Кўрсатилган асар, 127-бет.

<sup>55</sup> Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари, 122-бет.

<sup>56</sup> Молчанова О. Т. О гидрографических терминах Горного Алтая — В сб.: Местные географические термины. М., 1970, с. 198 —

<sup>57</sup> Гельдиханов М. Гидрографические термины Туркменской Республики — В сб.: Местные географические термины, с. 203.

о:р деб юритилувчи маҳалла ҳам мавжуд. О. Мадрамов о:р — «чуқурлик, тупроғи ўйиб олинган чуқур» деб изоҳлайди<sup>58</sup>.

Юқорида қайд этилган манбалар, *ўй*, *ўйдиқ* индикаторини гидрографик термин сифатида изоҳлайди. Ушундан пинча сув объектларининг номини ифодалаш учун қўлланилади. Хоразмда эса ҳар қандай чуқурлик *ўй* деб юритилади. Кўпчилик ҳолларда бу сувсиз бўлади. Қандайдир та пастликлар ҳам шу ном билан юритилади.

3. ОРОНИМИК ИНДИКАТОРЛАР. *Тав* ад. орф.: *Каратав, Алатав, Қубатав, Йўмыртав, Ҳактав* каби бошқа тиллар топонимиясида ҳам мавжуд. Масалан, олт.: *туу* (Актуу, рус.: Бела гора, Тоо туу: верблужа гора), қирғ.: *тоо* (Алатоо «пестрая гора»), қоз.: *тау* (Қаратау, рус.: Черная гора), турк.: *дағ* (Копетдаг тур.: *dag* (Айудаг, рус.: Медвежья гора), бошқ.: *тау* (Таулын, Таузар, рус.: горы) ва бошқа шаклларда кўрилади.

*Тобā, дāнā* (ад. орф.: тепа): *Қошатобā, Уллытобā, Таштобā, Ақтобā* кабилар. Бу индикатор кичиклик билдирувчи *тобāжик* вариантга ҳам эга. Бу индикаторлар бошқача туркий тилларда ҳам шу маънода қўлланилади. Қозиланг: олт.: *тобе* ёки *тоғъ*, бошқ.: *туба*, туркм.: *тоба* қ. қалп.: *тобе, доғ*. Шунингдек, айрим туркий халқлар кичиклик билдирувчи варианты ҳам мавжуд. Масалан, бошқ.: *тубәсек* (рус.: холмик).

4. ГИДРОНИМИК ИНДИКАТОРЛАР<sup>59</sup>. Обьектнинг хусусиятига кўра бу типдаги индикаторларни бошқача неча турга бўлиш мумкин:

1. Дарё ва дарёдан сув олувчи объектларни ифодаловчи индикаторлар: *Дарё арна, ўзак, — Дарёа, дерёа* (ад. орф.: — дарё).

Туркий тилларда (турк.: *деря*, қ. қалп.: *дарья*, қирғ.: *дайра* ёки *дарья* каби вариантларга эга) «катта оқ сув» (рус. река) маъносида қўлланади.

*Арна*: *Қылычвайарна, Манғытарна, Пахтаарна, Оқтябрарна, Шаватарна* каби гидронимларда қатнашиши У Хоразмда «катта ариқ», магистрал «канал» маъносида эга. Бу сўзнинг этимологияси ва қайси тилга мансублиги ҳозирча мунозаралидир. В. В. Радлов *арна* дарёга айланган канал десалар (Рдл. I. 303). Э. М. Му

<sup>58</sup> Мадраҳимов О. Кўрсатилган асар, 161-бет.

<sup>59</sup> Туркий тилларда қўлланилувчи гидронимик индикаторларнинг биринчи марта Г. И. Донидзе тасниф қилган (қarang: Гидронимические термины в тюркских языках.— В сб.: Ономастика, с. 161-171).



ҳам бу фикрни қувватлайди<sup>60</sup>. С. П. Толстовнинг  
қрича, бу сўз протохетча бўлиб, «манба» маъносини  
билдиради<sup>61</sup>. В. В. Бартольд арна сўзи қадимги хоразм  
тиллар тилига мансуб эканлигини айтади<sup>62</sup>.

Арна сўзи фақат Хоразмдагина эмас балки Ўзбекистон  
нинг бошқа жойларида ҳам, жумладан, Зомин, Жиз-  
ак, Галлаорол, Фориш, Сирдарё районларида — «сой  
арна» маъноларида қўлланади. Шунингдек, Қозоғистон,  
Қирғизистон, Сибирь, Доғистон ва бошқа жойларда ҳам  
арна номи билан аталувчи сўзлар бор. С. Қораев арна  
сўзи турли жойларда турлича маъно ифодалашини ёз-  
ган. Хоразм ва Туркменистонда арна — «магистральний  
сув, приток», Самарқандда ва Сирдарёда «сухое рус-  
ло, овраг», Шимолий Қирғизистонда «река», Қозоғис-  
тонда «русло реки» Ўзбекистоннинг жанубида  
«шелье»<sup>63</sup>.

Профессор А. П. Дульзон қадимги эрон тилларида  
арна сўзи «сув» маъносини билдирганини айтган<sup>64</sup>.  
Шунингдек, санскрит тилида ҳам ар — оқмоқ, арна куч-  
ли сув оқими маъноларига эга. Осетиядаги Ардон дарё-  
си номи ҳам ар (кучли, тез оқар) + дон (дарё, сув): тез  
оқар дарё, Бирмадаги Иравади дарёси (ир + авада)  
номи тез, қудратли деб изоҳланган<sup>65</sup>.

Шундай экан, арна сўзи ҳам ар (сув) ўзаги орқали  
билангандир.

**Озёк** (ирмоқ). Бу индикатор Хоразмда икки хил  
маънолари: топонимик атамалар ҳамда гидронимларни  
билдиради келади: *Көкөзёк, Қараёзёк, Киччиёзёк, Улли-  
ёзёк* каби номлар айни вақтда шу ўзаклар ёнидаги  
сув пунктларини ифодалаш учун ҳам қўлланилади.  
Арна сўзи кўпгина туркий халқларда ҳам мавжуд.  
Маъно: олт.: *кок озок* (рус.: *синья речка*), ёқт.: *ўрех  
озок*; *речка, ручей, русло реки*), қоз.: *ақозак* (рус.:  
*синья речка или приток, балка*). Баъзи олимлар *ўзак,  
ўзак, ўгуз* сўзлари бир-бир билан чамбарчас боғлиқ

<sup>60</sup> Мурзаев Э. М. К географической терминологии Туркме-  
нии. ВГО. Т. 71. 1939, с. 8.

<sup>61</sup> Толстов С. П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тош-  
кент, 1964, 83-бет.

<sup>62</sup> Бартольд В. В. Сочинения. Т. II. М., с. 122.

<sup>63</sup> Дульзон А. П. Древние топонимы Южной Сибири индо-  
иранского происхождения.— В сб.: Топонимика Востока. М.,  
1964, с. 344.

<sup>64</sup> Қораев С. Қўрсатилган асар, 188-бет.

<sup>65</sup> Попова В. Н. Нетюрские гидронимы Павлодарской об-  
ласти.— В сб.: Происхождение абorigенов Сибири. Томск, 1969,

эканлигини айтадилар<sup>66</sup>. Ҳақиқатан ҳам уларнинг биринчи компоненти *ўс* ёки *ўздир*. Н. Г. Доможков *ўс* сўз мўғулча бўлиб, *сув* маънисини ифодалаганини айтиши мумкин. Унинг фикрича бу сўз мўғул тили орқали Урхун-Енисей ёдгорликларига ўтган ва бу ёдгорликлардаги *ўгус* сўзлари *ўс* сўзи иштирокида вужудга келган<sup>67</sup>. Хоразмда *ўзак* дарёнинг оқмай ташлаб кетган ирмоғи маънасида келтирилади.

2. Кичик гидронимик объектларнинг индикаторлари: *йап*, *салма*, *йарма*.  
*Йап*: *Уйғурйап*, *Нёкисйап*, *Найманйап*, *Чавдырйап* каби ўнлаб топонимлар ва гидронимлар таркибида иштирок этади. Қозоғистонда *ёп* (*джап*) — «канал» Туркменистонда *яп* — «магистральный канал» маъносида келтирилади<sup>68</sup>. Барча тадқиқотчилар эрон тилларидаги *сав* (*сув*, дарё) сўзи билан алоқадор деган фикрни билдиришди<sup>69</sup>. Эски ёзма манбаларда *ёп* — «қазилган артезиан» маънасида келтирилади<sup>70</sup>. Деб изоҳ берилган (Рдл. III. 259).

*Салма*: (кичик ариқ) *Айақсалма*, *Узунсалма*, *Тилсалма*, *Қасипсалма*, *Тоғайсалма*, *Бегансалма*, *Билсалма* ва ҳоказо гидронимлар таркибида иштирок этади. Ҳозирги кунда Хоразм шеваларида активдир. Ҳозирги кунда Хоразм шеваларида активдир. Ҳозирги кунда Хоразм шеваларини текширган олимлар бу сўз хоразм тилига хос бўлса керак, деган фикрни билдирадилар<sup>71</sup>. Аммо эрон тиллари топонимиясида бу термин деярлик учрамайди.

Кубан гидронимларини текширган Л. Г. Гулиев Кубанда *сал* термини билан ясалган гидронимлар учрашини, шунингдек, Дон, Қрим, Кавказ, Бурятия, Хантй-Мансий миллий округида ҳам мазкур сўз иштирокида келтирилади<sup>72</sup>. Л. Р. Қизласов *салба* деб аталувчи гидронимларни келтиради. *Салба* — Енисей дарёсининг ўнг қирғоғидаги Кобежа дарёсининг ирмоғи. *Салба* — Минуса ва Красноярск оралиғида Енисей дарёсининг қўйилувчи Убей дарёсининг чап ирмоғи<sup>72</sup>.

<sup>66</sup> Конкашбаев Г. Қ. Қўрсатилган асар, 276-бет.

<sup>67</sup> Гельдиханов М. Қўрсатилган асар, 204-бет.

<sup>68</sup> Мурзаевы Э. и Л. Словарь местных географических терминов, с. 263; Фуломов Я. Қўрсатилган асар, 243-бет.

<sup>69</sup> Баскаков Н. А. Географическая номенклатура в топонимии Горного Алтая, с. 66.

<sup>70</sup> Доможков Н. Г. Заметки о слове. Ученые записки Халкинского научно-исследовательского института языка, литературы и истории. Вып. 5. Абакан, 1957, с. 181.

<sup>71</sup> Гулиева Л. Г. К вопросу о топонимической синонимии. В сб.: Ономастика. М., 1969, с. 174.

<sup>72</sup> Қизласов Л. Р. К вопросу об этногенезе хакасов. Ученые записки Халкинского научно-исследовательского института языка, литературы и истории. Вып. 5. Абакан, 1957, с. 181.

Э. М. Мурзаев ҳам *сал* сўзи билан ясалган бир қанча номларни қайд этган. *Салба* дарёси — Туба сув ҳавзасига қуйилувчи дарё. *Сал* — Доннинг чап ирмоғи. Худди шу ирмоқ бўйида жойлашган шаҳар *Сальск* деб атаган.<sup>74</sup> Э. М. Мурзаевнинг фикрича бу номлар мўғулча *сал сала* — «дарё, ирмоқ» ўзаги билан алоқадордир<sup>74</sup>.

Хоразмдаги *салма* маъносига кўра шу сўзга яқин бўлиб, шубҳасиз *сала, сал* ўзаги билан алоқадордир. Қисланг: чуваш тилида *сарма* сўзи «дарё, жар» маъносига эга: *Савалсырма дарёси*<sup>75</sup>.

Мияълумки, ҳозирги чуваш тили туркий тиллар орасида қадимий тил хусусиятларини сақлаб қолганини жиҳатидан характерлидир. Шундай қадимий хусусиятлардан бири Р ↔ Л мослигидир<sup>76</sup>. Шу сабабли *сырма//сылма//салма* сўзларининг келиб чиқиши жиҳатдан бир ўзакка мансуб деб ҳисоблаш мумкин. Л. Р. Кизласов *салба* гидроними *сал+ба* шаклида ясалганини қайдда *бю, би, бу, ба* самандий тилларида «сув» маъносига эга эканлигини кўрсатади<sup>77</sup>.

Демак, *Сал+ба* — «сув ирмоғи, дарё» маъносига эга. Хоразмдаги *салма* индикатори ҳам «кичик ариқ, ирмоқ» маъносига эга бўлиб, мўғулча *сал* ўзаги билан алоқадордир.

*Пармиш*: Бу индикатор *Йармиш, Бозйармиш, Қалийармиш, Кичийармиш* каби номларда учрайди. *Пармиш* Хоразмда «кичик ариқ» маъносига эга. Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида *йармыш//джармыш* Амударёдан сув оладиган «ариқ, канал» маъносини билдиради<sup>78</sup>. *Ярмиш* термини Туркменистонда ҳам учрайди. Масалан, *Кўна йармиш* канали<sup>79</sup>. Индикатор «ирмоқ, қазмоқ» (вырыть) ўзаги билан алоқадордир. Бу индикатор билан бирга худди шу маънода *йарган//жаран* шакли ҳам қўлланилади. Масалан, *Тазайарган, Шимжаран* каби.

Хакасского научно-исследовательского института языка, литературы и истории. Вып. 7. Абакан, 1957.

<sup>74</sup> Мурзаев Э. М. Южносибирские топонимические элементы в Монголии.— В сб.: Изучение географических названий. Вып. 10. М., 1966, с. 50.

<sup>75</sup> Мурзаев Э. М. Очерки топонимики, с. 247.

<sup>76</sup> Донидзе Г. И. Гидронимические термины в тюркских языках.— В сб.: Ономастика.

<sup>77</sup> Баскаков Н. А. Введение в изучение тюркских языков. М., 1969, с. 241.

<sup>78</sup> Кизласов Л. Р. Кўрсатилган асар, 107-бет.

<sup>79</sup> Ишаев А. Кўрсатилган асар, 103-бет.

<sup>80</sup> Атаниязов С. Отражение в топонимике природно-климатических условий Туркменистана.— В сб.: Очерки по истории быта народов Средней Азии и Казахстана. Л., 1973, с. 118.



3. Оқмай диган объектларни ифодаловчи индикаторлар. *Кўл*: Кўплаб туркий тилларда *col, кол, кул, хол, куле, куол* каби фонетик вариантларда қўлланади. Бу индикатор Қ. К. Юдахиннинг айтишича қирғ: *gol* шаклида учрайди ва фақат географик номлар таркибида келиб, рус.: *русло речки, речка, долина* маъноларини ифодалайди<sup>80</sup>. Масалан, *Qaragol* «қорақўл», *Naryngol* — «Норин кўл» каби.

Н. А. Баскаков бу сўзнинг фақат туркий тиллар эмас, балки мўғул тилида ҳам *гол* шаклида (река, сурусло) учрашини айтган<sup>81</sup>. Э. М. Мурзаев ҳам мўғул тилидаги *гол* сўзи ҳозирги даврда «дарё, булоқ, ботқоқлик ёки ботқоқли кўл» маъноларига, Гоби чўлларига эса «сухое русло, мертвая долина» маъноларига эканлигини ёзади<sup>82</sup>.

Хоразмдаги Тўрткўл термини таркибида *кул//кўл* «тепа, текислик, ясиланган текислик» каби маъноларига эга. Шунингдек, Хоразмда суғориб экиладиган кичик ер майдонини *кўлчā* (*кўл* — текси ер, *-ча* аффикс) атайдилар. Хоразмда бу индикатор кўплаб гидронимлар ва топонимик номлар таркибида учрайди: *Тамирликўл, Ташликўл, Чāгāликўл, Сазанликўл, Чортанликўл, Ативаркўл* ва ҳоказо.

*Айдин*: Хоразмда бу индикатор «кўл, кўлнинг чўқур жойи, кўлнинг ўсимликсиз очиклик жойи, ўртача маъноларига эга. *Қамишли айдин, Қарангчайдин, Айдин кол* каби номлар таркибида учрайди. Қорақалмиқистондаги ўзбек шеваларида *айдын* — «қамиш ўсимлиги кўлдаги (қамиши бўлмаган) жуда чуқур жой», маъносини англатади<sup>83</sup>. Бундан ташқари *ойдин* — «юзаси тоза очик сув, кўл» маъносига ҳам эга<sup>84</sup>.

*Чунгул*: Хоразмда кўл ва дарёларнинг доира шаклидаги энг «чуқур жойи» маъносини ифодалайди. *Саричунгул, Узуннинг чунгули, Чортанлы чунгул, Тамирличунгул* каби топонимлар таркибида иштирок этган Баъзан ёлғиз ҳолда ҳам гидроним сифатида қўлланилади.

4. Сунъий объектларни ифодаловчи индикаторлар. *Қуйи, ҳовуз*.

<sup>80</sup> Юдахин Қ. К. Киргизско-русский словарь. М., 1940, с. 381.

<sup>81</sup> Баскаков Н. А. Географическая номенклатура в топонимии Горного Алтая, с. 64.

<sup>82</sup> Мурзаев Э. М. Центральноазиатские топонимические мифологии.— В сб.: Топонимика Востока. М., 1964, с. 13.

<sup>83</sup> Казакевич В. А. Современная монгольская топонимика, с. 20.

<sup>84</sup> Хасанов Ҳ. Географик терминлар луғати, 22-бет.

*Қуйи* (қудуқ): *Қасипдинқуйиси, Мачитқуйи, Сопиқуйиси, Гожанинг қуйиси, Қир қуйи* каби ўнлаб топонимлар таркибида иштирок этади. Бу индикатор Тожикистоннинг Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона ва бошқа областларида жой номлари сифатида учрайди. Қашқадарёда *Тошқудуқ* (пишиқ гиштдан теган қудуқ), *Шўрқудуқ* (чўлдаги қудуқ), *Орнақудуғ* (бу вақтлари ишлатилиб ишдан чиққан қудуқ) каби топонимлар мавжуд<sup>85</sup>.

Қудуқ термини туркий ва мўғул тилларида сўзлашувчиларнинг орасида кенг тарқалган бўлиб, у топонимлар таркибида актив қатнашади<sup>86</sup>. Э. ва Л. Мурзаевлар бу терминнинг Мўғулистон Халқ республикасида, шунингдек, Жанубий Сибирь, Ўрта Осиё, Украинанинг жанубида ва Волга бўйида кенг тарқалганлигини айтишлар ҳамда эвенклар тилида *шўр сувли ирмоқ* маъносида қўлланишини қайд этганлар<sup>87</sup> эски — *kuduk* (қудуқ) колодец, *қуйуғ* (қуйуғ), колодец (Тафсир. 216). И. Малов *gidu, gidug* (416.) В. В. Радлов луғатида *қудуқ, қудуғ, кудук, қуйы, куйу* каби шакллари қайд этилган (Рдл. II 903, 904, 1002, 1003). Қўринишдан индикаторнинг икки хил варианты й товушининг эволюцияси (з→д→й ўзгариши) билан боғлиқдир.

*Ҳавиз* (ҳовуз): *Ташҳавуз, Сасықҳавуз, Ханқаҳавуз, Бешҳавиз, Мачитдинг ҳавузи* каби номлар таркибида учрайди. Бу индикатор ар.: *ҳовз*—сунъий сув омбори (рус.: *бассейн, водоем*) деган маънони билдиради<sup>88</sup>. Бу индикатор Ўзбекистоннинг деярлик барча областларида, шунингдек, Тожикистонда ва Эрон топонимиясида ҳам учрайди<sup>89</sup>.

Б. Бошқа типдаги гидрообъектлар билан боғлиқ индикаторлар:

*Сақа*: *Дашсақа, Арнасақа* каби номлар таркибида иштирок этади. *Сақа* арабча сўз бўлиб «суғориш» (ороғат) маъносини англатади<sup>90</sup>. Хоразм ва Туркменистон-

<sup>85</sup> Абдурахмонов Д. Бешкент топонимикаси. Ўзбек шева-диалектикаси. Тошкент, 1964, 392—393-бетлар.

<sup>86</sup> Конкашбаев Г. К. Казахские народные географические термины. Известия АН Каз. ССР серия география. Вып. 3, 1951, с. 12.

<sup>87</sup> Мурзаевы Э. и Л. Словарь местных географических терминов, с. 122.

<sup>88</sup> Кононов А. Н. Родословная туркмении Сочинение Абул-Хана Хивинского. М.—Л., 1958, с. 90—91.

<sup>89</sup> Савина В. И. О типах словообразования топонимов Иранского Закавказья, с. 164.

<sup>90</sup> Мурзаев Э. М. Очерки топонимики, с. 211.

да манба, ариқнинг бошланиш жойи («место, где берёт своё начало магистральный или оросительный канал») маъносини англатади. Худди шу маънода, бироқ кўп қина ариқларга нисбатан «қулоқ» сўзи қўлланади.

**Б о ғ ғ а т:** *Марибōғāt, Чатбōғāt*. Бу индикатор «плотина» маъносига эга. Бошқа шеваларда *бант* термини ишлатилади.

**Й а с қ а:** *Қумйасқа, Йомытйасқа, Узыййасқа, Мачийасқа* каби. Бу индикатор *гузар* маъносига эга. Хоразмда *кўл, ариқ, дарё* ва бошқа объектларнинг чўмилиш жойларини *йасқа* деб юритилади.

**5. ФУНКЦИОНАЛ ИНДИКАТОРЛАР.** Бу типдаги сўзлар объектнинг номи билан бирга қўлланавериб шундай жойнинг ўзини индикаторсиз ҳам ифодалайдиган бўлиб қолган. Аслида улар индикаторлар эмас, балки объектнинг бирор белгисини кўрсатувчи сўзлардир. Бу типдаги сўзлар индикатор ифодалаган объектнинг белги-хусусиятини, жойлашган ўрнини, сон-саноғи, ҳажми кабиларини англатади. Бу белгилар объектнинг ўзи ҳам ифодалашга мослашган. Шу сабабли ҳам буларни функционал индикаторлар, индикаторнинг вазифасини бажарувчи сўзлар деб қараш тўғри бўлади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, белги билдирувчи ҳамма сўзлар ҳам функционал индикатор бўла олмайди. Бу типдаги сўзлар кўпинча географик тушунча англатади. Уларни қуйидаги группаларга бўлиш мумкин.

1. Белги-хусусият билдирувчи сўзлар. *Ават* (обод). *Ша:ват, Ғазават, Хизирават, Амирават, Қулават* ва ҳоказо топонимлар таркибида учрайди. А. Л. Хромов *обод* компоненти ўрта Осиёда актив топоним формантлардан эканлигини, шунингдек, унинг тарқалиш ареали Эрон, Афғонистон ва Покистонга қадар боғлиқлигини ёзган<sup>91</sup>. *Обод* сўзи ўрта форс тилига мансуб бўлиб «населенный, цветущий» каби маънони билдиради. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон территориясида «қишлоқ аҳоли пункти» маъноларини ифодалайди. Бу сўзни айрим топонимистлар жой номи ясовчи формант деб ҳисоблайди (Э. Мурзаев, Т. Нафасов). *Обод* янги номлар ясашда ҳам иштирок этади: *Комсомолобод, Советобод* каби.

<sup>91</sup> Хромов А. Л. Таджикская микропонимия долин Верного Зеравшана и Ягноба.— В сб.: Ономастика. Ср. Азии. М., 1961, с. 60.

<sup>92</sup> Абрамян Р. Пехлавийско-персидско-армяно-русско-английский словарь. Ереван, 1965, с. 61.

2. Томон билдирувчи сўзлар. *Арқа* (орф. *Арқа:авул, Арқалы, Арқажам, Арқа* каби топонимларда учрайди. Хоразмда шимол томонни билдиради. Бу термин ҳам кўплаб номлар таркибида иштирок этади ва ўзи ёлғиз ҳолда ҳам топоним сифатида қўлланилади. Ғарб ва Шарқ томонларни ифодалаш учун *кунчиқар* ҳамда *кунчиқар* сўзлари ишлатилади.

3. Ўрин билдирувчи сўзлар. Баланд ва паст сўзлари ёрдамида кўплаб гидроним ва топонимик номлар ясалган: *Баландавил, Баланткөпир, Пассалма* каби. Бу сўзларнинг синонимлари бўлган *йоқары* (юқори), *тōмāн* (паст) сўзлари ҳам параллель ишлатилади: *Тōмāнавил, Йоқаравил* каби. Мазкур овул номларининг характерли хусусияти шундаки, улар баландликда жойлашган пастликда жойлашган эмас, балки барча қўшни қишлоқлар бир хил текисликда жойлашган. Демак улар «нижний» ёки «верхний» маъносини ифодаламайди. Кексаларнинг айтишича *баланд* ва *паст* сўзлари қўёшнинг чиқиши ва ботиши билан боғлиқ. *Баланд* ёки *йоқари*—«кунчиқиши, шарқ», *паст* ёки *тōмāн* «кунботиши, ғарб» томондир.

Ёқутистон тономиниясидаги айрим номлар ҳам шундай хусусиятга эга. Қиёсланг: *арға сала*—«западный приток» (арға—запад, западный), *алғысала*—«передний приток»<sup>93</sup>. Аммо бу сўзлар билан бир хил маъно ифодаловчи *айақ* сўзи ҳам мавжуд бўлиб, *дарё, ариқ* сўзининг бошланиши ва қуйилиши билан алоқадор: *Обқдўрман, Юқоридўрман* каби.

Шундай қилиб, ўрин билдирувчи сўзлар *балант, пās, йоқары, тōмāн, аяқ* кабилар. Бу сўзлар асосан *томон* билдириб, қўёшнинг чиқиши ва сувнинг оқиш томони билан боғлиқ ҳолда қўлланилади.

4. Ҳажм билдирувчи сўзлар. Уллы (ад. орф. улкан): *Уллықала, Уллыатиз, Уллы* каби. Худди шу маънода *Улкāн* сўзи ҳам қўлланилади.

*Киччи* (ад. орф. кичик): *Киччикōл, Киччиқала, Киччитахта* ва ҳоказо.

<sup>93</sup> Гриценко К. Ф. Из якутской топонимии.— В сб.: Топонимика Востока. М., 1961, с. 194.



### III боб. ТОПОНИМЛАРНИНГ АТАЛИШ МОТИВЛАРИГА КЎРА ТИПЛАРИ

Топонимлар жамиятдаги турли хил ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Жой номларининг вужудга келиши маълум территориядаги кишиларнинг урф-одати, тили ва уларнинг тараққиёт тарихи, маданий юксалиши каби социал проблемалар билан алоқадордир. Бошқача айтганда, ҳар қандай номнинг мотивлари тарихий ва социал маънога эгадир<sup>1</sup>.

Номларнинг вужудга келиши халқ ҳаётининг маълум босқичидаги эҳтиёжи, зарурияти патижасидир. Бунинг назаримизда энг тасодифий деб қаралган ном ҳам бирор социал факторнинг, маълум ономастик ситуациянинг маҳсулидир. Топонимларнинг аталиш мотивлари ва мотивланиш факторларини текшириш номлар этимологиясини ўрганишнинг, бошқача айтганда, номлардаги диохроник информацияни аниқлашнинг дастлабки босқичидир.

Топонимларнинг мотивланиши турли хил далилларга асосланади. Бу далиллар атрибут характерда бўлиб, улар объектни бошқа шу хилдаги объектдан фарқлаш эҳтиёжи натижасида вужудга келади. Бу факторлар объектнинг жойлашиш ўрнига, унинг шакли, катта кичиклиги, узоқ-яқинлиги яъни геоморфологик хусусиятига асосланиши мумкин. Топонимларнинг мотивланишида маълум жойнинг шахс билан муносабати ёки шу территориядаги этник группалар, уларнинг дунёқарашини этнографик белгилари ёки шу объект билан боғлиқ ҳадисалар каби турли факторлар муҳим роль ўйнайдилар. Шунинг учун ҳам А. В. Суперанская топонимлар мотивациясига асос бўладиган далилларнинг хусусияти бундан инсоният учун бир хилдир<sup>2</sup> деган эди.

Дарҳақиқат, улар маълум универсалияни ташкил этади. Ҳар қандай атоқли отнинг (шунингдек, турланиш отларнинг ҳам) мотивацияси дастлабки номинация бо-

<sup>1</sup> Суперанская А. В. Общая история имени собственного М., 1973, с. 101.

<sup>2</sup> Суперанская А. В. Уша асар, 245-бет.

чида объектнинг маълум белгисига, хусусиятига асосланади. Топонимлар мотивациясида объектнинг турли рақибларини акс эттирувчи сўзлар, апеллятивлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Хоразм топонимларининг аксарият кўпчилиги узоқ йиллардан бери мавжуд бўлиб, халқ ҳаётида юз берган турли ўзгаришлар, турли тарихий жараёнлар, ҳар хил этнолингвистик жараёнлар, воқеа ва ҳодисаларнинг таъсири билан сифатида сақланиб келмоқда. Хоразмда жуда кўпгина топонимлар билан аталувчи топонимлар учрайди, уларнинг деярлик кўпчилиги республикамизнинг бошқа областларида, Иттифоқимизнинг турли жойларида (жумладан, Молдавия, РСФСР, Қозғонистон, Кавказ, Бошқирдистон ва ҳоказо), шунингдек, Афғонистон, Эрон каби чет мамлакатларда ҳам учрайди. Бу далил ушбу жойлардаги халқларнинг Хоразм билан алоқаси билан тарихий алоқада бўлганлигидандир.

Хоразм топонимларининг кўпчилиги тарихий шахсларнинг номларини, шунингдек, революциядан олдинги инқилабнинг касб-ҳунари, машғулоти, деҳқончилиги билан алоқада бўлиб қолган ҳаёт кечириш услубига оид терминларни ўзида сақлаган. Шунингдек, бошқа бир номлар табиатдаги ҳодисалар ҳайвонот дунёси билан боғлиқ. Яна бир гуруҳда номлар совет халқининг бахтиёр турмуши, янги йилларнинг ўзгаришлари ва анъаналари билан алоқадор. Бу номлар ўз характери ва мотивларига кўра бошқа хил номлардан фарқ қилади. Кўринишдан Хоразм топонимларининг мотивланиш далилларига кўра ҳар хил бўлиб, турли топонимик типларни ташкил этади:

1. Кишиларнинг маълум объект билан боғлиқ этнолингвистик хусусиятларини билдирувчи далиллар асосида мавжудга келган номлар, яъни этнотопонимик тип — этнотопонимлар.

2. Кишиларнинг объект билан муносабати, унга эга бўлиш, яшашлик, барпо этганлик каби далиллар асосида мотивланган топонимларни, яъни антропотопонимик тип — антропотопонимлар деб юриштириш мумкин.

3. Бошқа бир қатор топонимларнинг мотивланишида шу территорияда яшайдиган ва объект билан маълум алоқада алоқаси бўлган ҳайвонот дунёси асос бўлади. Бу гуруҳни мотивланиш далилларига кўра зоонимик тип яъни зоотопонимлар деб ажратиш мумкин.

4. Номларнинг мавжудга келишида шу территориядаги ўсимликлар дунёси ҳам муҳим роль ўйнайди. Улар

маълум объектни бошқа шу типдаги объектдан ажратишда, уни характерлашда атрибут вазифасини бариши мумкин. Шунинг учун ҳам топонимларнинг мованишида ўсимликлар муҳим далил ҳисобланади. типдаги номларни фитонимик тип деб ажратмақсадга мувофиқдир.

5. Ниҳоят топонимларнинг вужудга келишида объектининг жойлашиш ўрни, размери, шакли ва умуман ердаги тупроқ билан боғлиқ бўлган геоморфологик сусиятлар катта аҳамиятга эгадир. Бу номлар геоморфологик тип деб аташ тўғридир.

### Этнотопонимик тип

Этнотопонимик тип энг қадимги номлар қатлами ташкил қилади. Умуман, этнотопонимларни текшириш Хоразм аҳолисининг ва умуман ўзбек халқининг этногенези масаласини ёритишга кўмаклашади.

Маълумки, ўзбек халқининг этник асосини, этногенезини Маворауннаҳр (икки дарё оралиғидаги) ва ушунда яшаган (сак, массагет, сўғд, хоразмийлар каби) кишилар ташкил этади. Шунингдек, ўзбек халқининг шаклланишида булардан ташқари Марказий Осиёдаги Ўрта Осиё ва Орол бўйида яшаган қадимги ва ўрта асрларда ҳар хил туркий қабилалар иттифоқига кирган қангли, қарлуқ, қипчоқ каби туркий тилларда сўзлашувчи этник компонентлар ҳам иштирок этган, жараён ҳозирги халқларнинг тили, маданияти ва айниқсан антропологик, этнографик белгилари акс этгандир<sup>3</sup>. Ҳозирги кунда Хоразмда яшовчи аҳоли ўзларининг уруғ ва қабиллага бўлинишларини унутган бўлсалар ҳам этник номлар асосида вужудга келган топонимларнинг маънавий замирига қисмига қисмини ташкил қилади. Бу далил шуни кўрсатадики, Хоразм аҳолисининг уруғ, қабиллага бўлиниши узоқ даврларгача сақланган келган. Дарҳақиқат, ўзбек халқининг асосини ташкил этган этник компонентлардан бири ўғуз қабилаларининг конгломератига кирган *Саёт*, *Баёт*, *Жувондир*, *Овиш*, *Қиниқ*, *Бижанак* ва бошқа шунингдек, қипчоқ қабилаларига кирган *Кенагас*, *Нукус*, *Қатағон*, *Уйғур*, *Мангит*, *Қангли*, *Қўнғирот*, *Найман* каби ўнлаб этнонимлар билан аталувчи жойлар кўплаб учрайди. Туркман халқининг этник таркибини ташкил этган айрим этник номлар, жумладан, *Чавдур*, *Ёвмут*, *Али-эли*, *Хизр-эли*, *Ташкент*

<sup>3</sup> Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. Ташкент, 1974, с. 10.



булар ҳам Хоразм топонимиясининг бир қисмини ташкил этади. Булардан ташқари қozoқ халқига хос бўлган этнонимлар, шунингдек, умуман туркий халқларнинг таркибида учрамайдиган номлар учрайди, бу Хоразм халқининг этник таркиби турлича бўлганлигини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам этнографик маълумотларнинг гувоҳлик беришига қараганда Хоразм ўзбекларининг келиб чиқиши этник жиҳатдан бир хил эмас. Шунинг учун ҳам улар Жанубий ва Шимолий ўзбекларга қаратилади. Жанубий ўзбеклар қадимги хоразмийларнинг шимолдан кўчиб келган Олтин Ўрда ўзбекларининг бошқа туркий халқлар билан аралашган авлодларидир<sup>4</sup>.

Хоразм этнотопонимларининг характерли хусусиятларидан бири шуки, айрим этник номлар бир неча, ҳатто кўп қўллаб топоним сифатида учрайди. Бу факт мазкур территорияда уруғ-қабиллага бўлиниш, уруғчилик хусусияти узоқ давом этганлигидан далолат беради. Этнотопонимлар Шимолий Хоразмда жуда сермаҳсулдир. Уруғ-қабилла номи билан аталувчи топонимларнинг кўп қўллаб такрорланиши бу ердаги халқларнинг кейин кўчиб келганлигини кўрсатади. Этнотопонимлар Жанубий Хоразмда Шимолий Хоразмга нисбатан анча барқарордир. Шимолий Хоразмда бир уруғ номи билан аталувчи жой номи билан кўплаб учраши мумкин. Жанубий Хоразмда шундай ҳодиса деярлик учрамайди. Масалан, *Нукус* этнотопоними Шимолий Хоразмда 12 марта, жанубда *Нукус* этнотопоними атиги бир марта учрайди. *Дўр* этнотопоними шимолда 7 марта такрорланади. Жанубий Хоразмда қипчоқ группасига хос шевалар билан аталувчи районларда икки мартагина учрайди. Шимолий Хоразмда яшовчи айрим қабилаларнинг ўртоқлашиши кўп қўллаб бўлганлиги ва бу жараёнга бутун уруғчилик кўчиб ўтганлигини ҳис қилиш қийин эмас. Лекин уруғчилик Хива хонлигида Бухородагига қараганда кучлироқ бўлганлиги сабабли бу ерда Бухородагидек, айрим этник қишлоқлар уруғлар номи билан юритилмайди, балки анча катта шаҳарлар (Қўнғирот, Манғит, Қипчоқ, *Нукус*) уруғларнинг номи билан юритиладиган бўлиб қолган, ҳар қайси уруғ ўртоқликка ўтганда ўзини янги туркум деб ҳис қилган ва майда қишлоқларга соҳиб бўлиб кетмаган<sup>5</sup>.

<sup>4</sup> Сазонова М. В. Традиционное хозяйство узбеков Южного Туркестана. Л., 1978, с. 8.

<sup>5</sup> Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. М., 1927, с. 102.

Хоразм территорияси қадимданоқ турли этник группаларнинг тўқнашиш, аралашуш жойи бўлган. Унинг бой ва ранг-баранг тарихи давомида генетик ҳаётдан турли манбаларга мансуб ва турли тилла гаплашувчи халқларнинг яшаган макони бўлган. Шу ҳасилда, уша халқларнинг тарихий излари ҳозирги Хоразм шевалари лексикасида, айниқса унинг топонимикасида ўз аксини топган.

#### Туркий-мўғул халқлари этнонимлари билан алоқадор топонимлар

Хоразм этнонимларининг асосий ва муҳим қисми ўзбек халқига хос бўлган номлар ташкил қилган. Мазкур территорияда ўзининг тил хусусиятлари билан бир-биридан фарқланувчи ўғуз ва қипчоқ лаҳжаси кўп қиллари яшашини қайд қилган эдик. Этнонимлар таркибида шу икки лаҳжани ташкил этган уруғ номлари билан юритилувчи объектлар анчагина. Хоразм территориясида ўғуз қабиласи эроний халқлардан кейин яшаган катта этник уюшмалардан биридир. Ўғузлар шу кунгача ўзларининг тил хусусиятларини сақлаган.

Ўғузларга мансуб деб ҳисобланган айрим қабилалар уруғ номлари фонетик жиҳатдан турли ўзгаришга учираган ва айрим топонимик индикаторлар билан бирлашган. Айримлари эса умуман маҳаллий халқ томонидан унутилган, уларни уруғ, қabila номи сифатида эслашмайдилар. Аммо турли ўзгаришларга қарамасдан уларнинг ўғуз қабиласига хос уруғлар билан бўлган мунсабатини, алоқасини топиш мумкин. Масалан:

*Баёт* — Ҳазорасп ва Янгиариқ районларидаги қишлоқ. Маҳмуд Қошғарий ўғузларнинг йигирма икки уруғи орасида тўққизинчиси деб тилга олади (ДЛТ. I. 89). Бу сўз арғу тилида «худо, тангри» деган маънони аниқлатишини ҳам ёзган эди (ДЛТ. III. 186). А. Н. Самойлович тотемик маънодаги бу сўз қabila номи бўлишига хизмат қилган бўлса керак деб ҳисоблайди<sup>6</sup>. Унинг фикрича, бу сўз *байан* (бой) сўзининг кўнлик формаси бўлиб -т аффикси орқали ясалгандир.

Рашидиддиннинг қайд этишича (*Байат* — антропонимик ном бўлиб, Кунхоннинг иккинчи ўғлининг исми)

<sup>6</sup> Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. Тошкент, 1978, 26-бет.

<sup>7</sup> Самойлович А. Н. Богатый и бедный в тюркских языках. Изв. АН СССР. Отд. общ. наук, 1936, № 4, с. 31—32.

ир. Бу сўз «счастливый и милостивый» деган маънони билдиради<sup>8</sup>. *Байат* этноними билан юритилувчи топонимларнинг тарқалиш ареали Хоразмдан анча ташқарига чиққан. Бу ном билан юритилувчи жойлар Озарбайжон ССРнинг бир қанча районларида, Туркманистон ССРда ҳам учрайди. А. Гусейнзаденинг берган шайлумотига кўра *байат* этноними Эрон Озарбайжонда Ироқ, шунингдек, Туркияда ҳам мавжуд<sup>9</sup>. Бундай сўз усунят бошқа этник группаларга ҳам тааллуқлидир.

*Жувандир* — Ҳазорасп районидаги қишлоқ совети. Маҳмуд Кошғарий этник ном сифатида тилга олади. Ҳузларнинг йигирманчи уруғи *јувалгар* — (жувалдор, жовулдар) эканини қайд этади (ДЛТ. I. 90). Рашидиддин бу номни киши исми, яъни Кўкхоннинг учинчи ўғли *Жавулдур* деб юритилишини ёзган<sup>10</sup>. Бу сўз «честный, с широко известной (незапятнанной) репутацией» деган маънога эга. Айрим тадқиқотчилар *жавулдур* этнонимини ҳозирги *човдур*//*чоудур* билан алоқадор деб ҳисоблайди<sup>11</sup>. *Жавулдур* ва *Чавдур* сўзлари бир номнинг икки вариантидир. Айниқса, Хоразмнинг шимол томонида бу этноним актив қўлланади. Айрим ёзма манбаларда, кумладан, Мунис ва Огаҳийнинг «Фирдаус-ул иқбол» асарларида ҳам туркманларнинг бир уруғи *Чаудур* сифатида тилга олинган<sup>12</sup>.

Кўринишдан ўғузларнинг бу уруғи туркман халқи таркибига ҳам кирган ва сўнгги даврларда унинг номи фонетик адаптацияга учраган. Бу этноним Озарбайжоннинг Дашкесен ва Кельбаджар районларида ҳам топоним сифатида учрайди<sup>13</sup>. Қизиги шундаки, бу ном Озарбайжонда ҳам *Човдар* формасига эга.

*Авшар* — Боғот ва Ҳазорасп районларидаги қишлоқ номи. Маҳмуд Кошғарий ўғуз қабилаларининг олтинчиси сифатида тилга олади. У авшар шаклида ёзади (ДЛТ. I. 89). Рашидиддин Юлдузхоннинг биринчи ўғлининг исми сифатида қайд этади ва сўзнинг маъноси

<sup>8</sup> Рашидиддин. Сборник летописей. Т. I. Кн. I (перевод персидского Хетагурова Л. А.). М., 1952, с. 88.

<sup>9</sup> Гусейнзаде А. Параллели огузских этнонимов в современной топонимии Азербайджанской ССР. СПТ. № 4. Баку, 1977, 47—51.

<sup>10</sup> Рашидиддин. Кўрсатилган асар, 89-бет.

<sup>11</sup> Карпов Г. И. Туркмены-огузы. Известия Туркменского филиала АН СССР, 1945, № 1, с. 3—9.

<sup>12</sup> МИТТ, II, с. 377.

<sup>13</sup> Гусейнзаде А. Кўрсатилган асар, 49-бет.



«проворный, ловкий к охоте и к соколам страстный» де  
изоҳлайди<sup>14</sup>.

Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима»  
асарида Авшар «проворный в работе» деб талқин қи  
лингган<sup>15</sup>.

*Афшар* этнонимининг тарқалиш ареали анча кен  
*Афшар* компоненти Озарбайжон ва Арманистонда, шу  
нингдек, Эрон топонимиясида жуда қадимдан мавжуд  
эканлиги маълум<sup>16</sup>. Афшарлар ўғуз кўчманчи қабил  
лари таркибига кириб, IX—XI асрларда Орол бўйи ва  
Каспий бўйларида ҳаёт кечирган. Тарихий манбалар  
нинг хабар беришича афшарлар Сирдарёнинг қуйи оқ  
мида ўтроқлашган бўлиб, қишлоқларда, қўрғонларда  
яшаганлар<sup>17</sup>. Уларнинг Хоразм территориясига келиши  
ҳам ўша даврлар билан алоқадор. Чунки қишлоқ ва  
қўрғонларнинг этник ном билан юритилиши шу груп  
панинг бошқа этник бирликлар яшаётган жойга кели  
қўшилиши билан боғлиқ бўлади.

*Бижанак* — Боғот ва Янгиариқ районларидаги қиш  
лоқ. Маҳмуд Қошғарий ўғузларнинг ўнтуққизинчи уру  
ғи *бајәнәк* (бажанак) деб қайд қилади (ДЛТ. I. 90).  
Рашидиддин бу номни *Баджана* шаклида қўллайди  
бу Кўкхоннинг иккинчи ўғлининг исмидир деб ёзади  
Сўзнинг маъносини эса «хайрли иш қилувчи» деб изоҳ  
лайди<sup>18</sup>.

Абулғози эса бу номни (*бечене*) — «делающий» де  
тилга олади<sup>19</sup>. Бу сўз топоним сифатида ва топоним  
таркибида Озарбайжоннинг Нахичеван ва Шаҳбуз ра  
онларида ҳам учрайди. Араб манбаларининг (Ибн Ру  
са, Ибн Фадлан, ал Маъсудий) кўрсатишича печен  
ларнинг қадимги яшаган ўрни Амударё ва Сирдар  
оралиғида, шунингдек, Орол денгизига яқин territori  
ларнинг шимоли-шарқ ва шимоли-ғарб томони  
бўлган<sup>20</sup>.

*Имир* (эймур) — Хоразм территориясида учрайди  
ган ўғуз этнонимларидан яна биридир. Маҳмуд Қошғ

<sup>14</sup> Рашидиддин. Кўрсатилган асар, 88-бет.

<sup>15</sup> Кононов А. Н. Родословная туркмен. Сочинения Абу  
гази хана Хивинского. М.—Л., 1958, с. 53.

<sup>16</sup> Гусейнзаде А. О происхождении топонима «Апшерон»  
СТ. 1974, № 3, с. 66—69.

<sup>17</sup> Кяшторный С. Г. Огузы. Советская историческая энци  
лопедия. Т. 10. М., 1969, с. 467.

<sup>18</sup> Рашидиддин. Кўрсатилган асар, I, 89-бет.

<sup>19</sup> Кононов А. Н. Родословная туркмен, с. 53.

<sup>20</sup> Щербак А. М. Знаки на керамике и кирпичах из Саркел  
Белой вежи (к вопросу о яз. и письменн печенегов). «Материалы  
иссл. по археол. СССР» Т. II. М.—Л., 1959, № 75, с. 372.

рий ўғузларнинг ўнбиринчи уруғи эканлигини айтган (ДЛТ. I. 91). Рашидиддин Такхоннинг иккинчи ўғлининг исми Иймур бўлиб, бу сўз «да будет безгранично добрым и богатым» деган маънони ифодалашини эсади<sup>21</sup>. Абулғози бу этнонимни *имур* сифатида тилга олади ва уни «богатеиший» деб ҳисоблайди<sup>22</sup>. Айрим тадқиқотчилар *эймур* этнонимини туркманларнинг *имрели* уруғи билан алоқадор деб ҳисоблайдилар<sup>23</sup>. Туркманларнинг *имрели* уруғи 1803 (ёки 1804) йилда Аваз иноқ ҳукмронлиги даврида Жанубий Туркманистондан кўчганлиги маълум<sup>24</sup>. Улар дастлаб Оманқули канали бўйларидан ер олиб Хўжайлида яшаганлар. Сўнгра 1806 йили у ердан Янгиариқ районунига<sup>25</sup>, катта бир қисми Тошовуз районунига келиб жойлашган. 1827 йил имрелиларнинг катта бир группаси Атек районунидан Хоразмга кўчиб ўтган<sup>26</sup>. Бу маълумотлар *эймур* (имур) уруғининг туркманлар таркибидаги қисмига тааллуқлидир. Хоразм территориясида ўғузларнинг *имур* уруғига хос этник группаларининг яшаганлиги жуда қадимга бориб тақалади. Хоразмдаги *Йўмри*, *Йўмритаб* каби топонимлар шу этноним билан боғлиқ. *Йўмритаб* оронимининг маъноси ҳақида турли қарашлар мавжуд. Айрим тадқиқотчилар *тоғ* номини жовмард «сахий, шерлит, мард, ботир» сўзи билан боғлайдилар<sup>27</sup>. С. П. Толстов ўзининг «Қадимги Хоразм маданиятини излаб» номли асарида, ҳақиқатан ҳам Эрон афсонавий қаҳрамони *Говмард/Қаюмарс* (Жумарт) ҳақида гапиради. Аммо, бу қаҳрамон номини *Юмритов* номи билан боғламаган. Умуман, С. П. Толстов бу оронимнинг келиб чиқиши ҳақида сўз юритмаган. У юқоридаги қаҳрамон номини хоразмликларнинг яқин ўтмишдаги эътиқодларида «Авесто»да ва паҳлавий афсоналаридаги қаҳрамонлар билан боғланадиган традицияларнинг мавжудлигини кўрсатиш учун келтиради. Бундай традицияларнинг ай-

<sup>21</sup> Рашидиддин. Кўрсатилган асар. I, 89-бет.

<sup>22</sup> Кононов А. Н. Родословная туркмен, с. 53.

<sup>23</sup> Гусейнзаде А. Параллели огузских этнонимов в современной топонимии Азербайджанской ССР, с. 49.

<sup>24</sup> МИТТ, II, с. 355.

<sup>25</sup> Брегель Ю. Э. Расселение туркмен в Хивинском ханстве XIX в. (По мат. архива).— В сб.: Страны и народы Востока. Вып. I. М. 1959, с. 248.

<sup>26</sup> Брегель Ю. Э. Хорезмские туркмены в XIX веке. М., 1961, с. 31.

<sup>27</sup> Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? 54-бет.

рим изларини Хўжайли ва Амударёнинг сул соҳилидаги Жумуртов районида кузатганини айтади, холос<sup>28</sup>.

Шундай экан, Юмритовнинг Жумарт билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шева вакилларида бу номнинг Жумуртов варианты ҳам мавжуд. Бу оддий фонетик ўзгариш бўлиб, у қипчоқ шеваларида ж-лашиш ҳодисаси билан боғлиқ. Қиёсланг: *йул* — *жўл*, *юр* — *жур* ва ҳоказо. Демак, *Иумритав*, *Иумри* топонимик номлари *йумир* (имур, эймур) этноними билан алоқадордир. Буни айрим тарихий материаллар ҳам тасдиқлайди. Қадимги ёзма манбалардан бири «Нузхат-ал-муштак» қадимги ўғузларнинг яшаган жойлари ҳақида маълумот берар экан, уларнинг Орол денгизи бўйларида яшаганлигини ва бу денгиз (ёки Хоразм кўли) бўйидаги тоғ *Чакраўғуз* деб номланганини қайд этади. С. Г. Агаджанов манбаларда тилга олинган *Чакраўғуз* (ўғуз тоғи) ҳозирги *Султонуйс* тоғи эканлигини айтади<sup>29</sup>.

Демак, бу тоғ ёнида қадимданоқ ўғузларнинг яшганлиги аниқ. Маҳаллий халқ бу ўғузларнинг кимлигини яхши билган. Тоғнинг номини конкрет уруғ номи билан юритганлар. Шундай экан, *Эймур* уруғининг номи билан *Юмритов* ороними алоқадордир. Хоразм территориясида булардан ташқари туркман халқи таркибига кирган ўнлаб уруғ, қабила номлари билан аталувчи жойлар учрайди, буларни юқорида қайд қилган эдик. Хоразмдаги этник группалар ҳақида гапирар эканмиз, *хазарлар* ҳақида ҳам тўхталиш лозим. Бунда *хазар* термини бир халқнинг номи эмас, балки халқлар, давлат бирлашмасининг номи сифатида қаралмоғи керак. Эҳтимол бу қабилалар иттифоқи ўз номини кичик бир уруғ номидан олган, бундай ҳодисалар тез-тез учрайди<sup>30</sup>.

*Хазар* давлати билан Хоразмнинг иқтисодий ва сиёсий муносабатлари жуда қадимдан бошланганлигини айтган эдик. Шубҳасиз, бу муносабатлар ҳозирги Хоразм шевалари лексикасида ўз аксини топган. Хоразм топонимиясида *хазар* элементини ўзида сақлаган қатор номлар мавжуд. Масалан: *Хазарыс*, *Хазарават*, *Хазарбағ*, *Хызыр-эли* каби<sup>31</sup>.

<sup>28</sup> Толстов С. П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб, 95-бет.

<sup>29</sup> Агаджанов С. Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX—XIII в. Ашхабад, 1969, с. 50—53.

<sup>30</sup> Мусаев К. М. Лексика тюркских языков в сравнительном освещении (западнокыпчакская группа). М., 1975, с. 11.

<sup>31</sup> Дусимов З., Эгамов К. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати, 159-бет.



Хоразм шеваларининг, яъни ҳозирги Хоразм аҳоли-  
шининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган этник эле-  
ментлардан бири қипчоқлардир.

Қипчоқлар, тарихий-этнографик асарларда қайд  
этилганидек, эрамиздан аввалги III аср охиридан VI  
асрнинг урталаригача Шимоли-ғарбий Олтойда истиқо-  
нат қилганлар<sup>32</sup>. Кейинчалик улар Сирдарёнинг ўрта  
қўлидаги территорияда, Хоразмда, Урал ва Волга  
дирёлари ўртасидаги ерларда, Шимолий Кавказда яшай  
бошлаганлар. Қипчоқлар X—XVI асрлар давомида Ма-  
ворауннаҳр ва Хоразмга кўчиб ўтган ва бу ерларда ўт-  
роқлашиб, ўзбек халқи таркибига қўшилиб кетган<sup>33</sup>.  
Умуман, қипчоқлар фақат ўзбек халқининггина эмас,  
балки Ўрта Осиё, Қозоғистон, Олтой, Ғарбий Европа  
қўлида Шимолий Кавказдаги кўпгина туркий халқлар-  
нинг таркиб топишида иштирок этган. Шу сабабли ҳам  
туркий тилларнинг қипчоқ тиллари группасини ташкил  
этган қозоқ, қорақалпоқ, нўғой, ўзбек тилининг қипчоқ  
диалекти ҳамда татар, бошқирд, шунингдек, карайм,  
кумик, қорақай-балқар, қрим татарлари тилларида қатор  
фонетик, грамматик ва лексик ўхшашликларнинг мав-  
жудлиги табиийдир. Ҳозирги кунда Хоразм топонимия-  
сида юзлаб этник номлар билан юритилувчи жой ном-  
лари бор, бундай этнотопонимлар бошқа қипчоқ тил-  
лари группасига кирувчи халқларда ҳам учрайди. Ма-  
салан: Хоразмда қипчоқ этнонимлари билан юритилув-  
чи топонимлар бор<sup>34</sup>: *Араллы* (Мнғ. Хўж.), *Ача*, *Ачалы*  
(Мнғ.), *Ақмыйқ* (Гурл.), *Бағаналы* (Мнғ.), *Бешаман*//  
*Бешйаман* (Мнғ.), *Бойрачи* (Шов., Ург.), *Бургә*, *Бурга-*  
*вул* (Мнғ.), *Оғлан*, *Оғланқыйат* (Мнғ., Бер.), *Дөрмән*  
(Мнғ., Ург., Шов., Бер.), *Джалайир* (Гурл., Мнғ.), *Ир-*  
*иқли* (Мнғ.), *Карит*, *Каритавул* (Мнғ.), *Көгөзәкли*  
(Мнғ.), *Колат*, *Колатқала* (Мнғ.), *Көлчи*, *Көлчиавыл*  
(Бер.), *Қанжигали* (Мнғ., Бер.), *Қонхор*, *Қонхорлар*  
(Мнғ.), *Қыпчақ* (Мнғ.), *Кулан*, *Қарақулан*, *Қуланқара-*  
*вар*, (Боғот, Бер., Мнғ.), *Қарыллақ* (Мнғ.), *Қарамази*  
(Хнқ.), *Қийат* (Гурл.), *Қирқ*, *Қирқарқан*, *Қирқтам*, *Қирқ-*  
*ман* (Мнғ., Хнқ., Тшз., Бер.), *Мачай*, *Көнәмачай*, *Ма-*  
*тайавул* (Мнғ., Гурл.), *Митан* (Ҳ. асп.), *Найман* (Мнғ.,

<sup>32</sup> Бартольд В. В. Сочинения. Т. V. М., 1968, с. 550—551;  
Шаниязов К. К. Этнической истории узбекского народа, с. 32.

<sup>33</sup> Задыхина К. А. Узбеки дельты Амударьи. ТХАЭЭ. Т. I.  
М., 1958, с. 341; Уша автор. Культура и быт узбеков Кипчак-  
ского района. ТХАЭЭ. Т. II. М., 1958, с. 769.

<sup>34</sup> Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. Тошкент,  
1977. 10—59-бетлар.

Гурл.), *Нокыс* (Мнғ., Боғот), *Сайат* (Хнқ.), *Сарай*, *Сарайавул* (Мнғ., Бер.), *Тажик* (Бер.), *Тама*, *Тамадур*, *Тадик* (Мнғ., Ҳ. асп.), *Туйғачи*, *Дийачи* (Бер., Тшз.), *Увлан*, *Увлан* (Мнғ.), *Уйғур*, *Уйғурйап* (Бер., Гурл.), *Уйшан*, *Уйшанли* (Мнғ.), *Хожамбой*, *Хожақала*, *Хожалар*, *Хожалар*, *Хожалар* (Мнғ., Бер., Гурл.), *Чигатай* (Мнғ.), *Чувылған*, *Чувлан*, *Чобаланчи* (Бер., Гурл.), *Ширинйап*, *Ширин*, *Қонграт*, *Ширин* (Гурл.) ва ҳоказо.

Булардан ташқари профессор Ф. Абдуллаев Хоразмда ўғуз шеваларидан ва ж-ловчи қипчоқ шеваларидан ҳам айрим фонетик ва морфологик белгилари билан фарқланувчи этник группалар борлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, Е. Д. Поливанов ўз классификациясида Урта Хоразм шевалари деб ҳисоблаган ва Ф. А. Абдуллаев таснифи бўйича й-ловчи қипчоқ шевалари таъкибига кирувчи бу кишилар тилида қатор грамматик тафовутлар мавжуд, жумладан, қипчоқ шеваларининг *жол*, *жер*, *жигит*, *жаман* каби сўзлардаги позицияларда у ерда (й) ишлатилади: *йол*, *йер*, *йигит*, *йаман* каби қипчоқ шеваларида биринчи бўғиндаги (е) ўрнида тилида олди (ā) унлисининг келиши (*карақ*); [x] товушининг мустақил фонема сифатида қўлланиши кабиларни кўрсатиш мумкин.

Ф. Абдуллаевнинг фикрича мазкур районларга тарқалган шеваларда й-лашиш ҳодисасини тарихий сабаблар билан, биринчи навбатда шу шеваларнинг ўз ички ривожланиш имкониятлари билан боғлаб ўрганиш керак бўлади. Иккинчидан, далилларнинг кўрсатишича Ширинлий Хоразмга тарқалган ўзбек шеваларининг таркибида қандайдир бошқа этник группалар тили — биринчи навбатда қарлуқ лаҳжасига алоқадор бўлган элементларнинг таъсиридан излаш керак<sup>36</sup>. Бу ўринда Хоразм шеваларидаги й-лашиш ҳодисасини қарлуқлар билан боғлаш қўшимча текширишлар талаб қиладиган масалалар Чунки бу шевалар кўпгина лингвистик кўрсаткичлари билан қипчоқларга ўхшайди. Шунингдек, уларда ўғуз шеваларининг таъсири ж-ловчи шеваларга қараганда анча кучли. В. В. Решетов қипчоқ шеваларида сўз бошидаги [дж] ўрнига [й]нинг қўлланиши кейинги икки аламчи ҳодиса деб қарайди<sup>37</sup>. Бунинг сабабини ўша шева

<sup>36</sup> Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. Тошкент, 1978, 27-бет.

<sup>37</sup> Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. I. Тошкент, 240–241 бетлар.

<sup>38</sup> Решетов В. В. Узбекский язык. Ч. I. Ташкент, 1978, с. 61.

килларига бошқа шеваларнинг, *й*-ловчи диалектлар ва адабий тилнинг таъсири деб қарайди. Аммо Хоразм қипчоқ шеваларидаги *й*-лашиш тарихан анча қадимга қариб тақалади. Яна бир фактни алоҳида қайд қилиш керак. Кўпгина *й*-ловчи шевалар *ж*-ловчилар билан ёнма-ён яшайдилар. Ҳатто *й*-ловчи қипчоқ шевалари ўғузлар яшаётган районларда ҳам ўз тил хусусиятларини сақлаган, жумладан, Бобоғой районидagi Қулон қорабоғ шайлоғи Хонқа райони марказидан 7 километр оралиқда ёки Янгибозор районидagi *й*-ловчи шевалар Урганч шаҳридан атиги 10 километр масофада яшайди. Аммо булар ўзларига хос бўлган тил хусусиятларини яхши сақлаганлар. Айрим тилшунослар бу ҳодисани иқтисодий ва маданий далиллар билан изоҳлайдилар. Е. Д. Поливанов қипчоқ лаҳжасидagi *й*-лашиш ва унинг содир бўлган ўзгаришларни ўғуз лаҳжасининг таъсири қишлоқлардаги ўзбек шеваларининг *ж*-лашишини қипчоқ тилининг таъсири деб қарайди<sup>38</sup>. Е. Д. Поливановнинг бу тезисига Хоразм шеваларини текширган тилшунослар эътироз билдирганлар<sup>39</sup>.

Агар қипчоқ шеваларидаги [ж] товушининг [й]га айланишида лингвистик факторлар муҳим роль ўйнаган бўлса, бу таъсир нима учун фақат *й*-лашиш билан чекланган деган ҳақли савол туғилади. Бошқа тил хусусиятлари жиҳатдан қипчоқ шевалари ўғузларнинг таъсирига учрамаган.

Ҳар ҳолда Хоразм диалектида *й*-ловчи қипчоқ шеваларининг сақланиши, бошқа этногенетик ва тарихий-лингвистик факторлар билан боғлиқлиги аниқ. Бу ҳодисани яъни қипчоқларга хос тилларда *й*-лашиш ҳодисаси қипчоқ туркий тилларда ҳам учрайди. Масалан: қирғиз тилида *дж* ва *й* нинг параллель ишлатилиши фактлари маълум. Қиёсланг: *Джыйрма йашта* (двадцати лет), *Маласы йоқ* (нет ребенка) каби. Бу сўзларнинг *джаш* ва *джоқ* шакллари ҳам қўлланилади<sup>40</sup>. Бундай ҳодиса қорақалпоқ ва нўғой тилларида ҳам мавжуд<sup>41</sup>.

<sup>38</sup> Поливанов Е. Д. Материалы по грамматике узбекского языка. Вып. I. Ташкент, 1935, с. 17—22.

<sup>39</sup> Батманов И. А. Вопросы классификации узбекских говоров. Проблемы языка. Вып. I. Ташкент, 1934, с. 29—36; Абдуллаев Ф. Фонетика Хорезмских говоров, с. 27—29; Ишаев А. профессор Поливановнинг бир фикри ҳақида.—«Ўзбек тили ва адабиёти», 1966, 5-сон, 56—59-бетлар.

<sup>40</sup> Батманов И. А. Северные диалекты киргизского языка. Вып. I. Фрунзе, 1938, с. 18.

<sup>41</sup> Баскаков Н. А. Ногайский язык и его диалекты (Грамматика, тексты и словарь). М.—Л., 1940, с. 14—15.



Профессор Е. С. Малов қорақалпоқ тилида сўз бошидаги [й//дж] алмашиш ҳодисасининг мавжудлигини бирор бошқа Ўрта Осиёдаги туркий тилнинг, мисол учун, ўзбек тилининг таъсири деб ҳисоблайди<sup>42</sup>. Бу фикр сўзсиз Хоразм қипчоқ шеваларидаги й-ловчиларга ҳам тааллуқлидир. Ф. Абдуллаев бу шевада гапирувчиларни Шайбонийхон қўшинлари орасида келган қарлуқлар билан боғлайди<sup>43</sup>. Қипчоқларнинг Ўрта Осиёга келиши айрим тадқиқотчилар тадқиқ қилганидек XVI асрларда эмас, балки анча илгари бошланган. Х. Дониёров дастлабки қипчоқларнинг ҳозирги Ўзбекистон территориясига келиши анча илгари содир бўлганини ва ж-лашнинг дастлабки элементлари Ўрта Осиёда бизнинг эра мизнинг VI асрларидаёқ мавжуд эканлигини қайд этган<sup>44</sup>.

Бу фикр қатор тилшунос олимлар томонидан ҳам қайд этилганлиги маълум<sup>45</sup>. Маҳмуд Қошғарий ҳам қипчоқларни туркий халқлар ичида алоҳида ажратади. Унинг фикрича, қипчоқлар бошқа туркий халқларга иккинчи батан ўғузларга анча яқиндир (ДЛТ. I. 65—69).

К. Шониёзовнинг фикрича қипчоқлар бу даврда иккинчи катта қабилалар иттифоқига бирлашган<sup>46</sup>. Уларнинг бир қисми Сигнақ шаҳрини марказ қилиб олганлар. Бу даврда у ерда яшовчи ўғузлар Маворауннаҳрнинг жанубий-ғарб қисмига кўчган эдилар<sup>47</sup>. Қипчоқларнинг бошқа қисми қангли қабилалар иттифоқини ташкил қилиб, Сирдарёнинг қуйи оқимларида ва Орол денгизининг шимолий-шарқ қирғоқларида ўрнашганлар. Уларнинг маркази Жанд шаҳри яқинидаги Қорақурум деган жойда эди<sup>48</sup>.

Айрим қадимги тарихчилар, жумладан, Жувайний қанглилар қипчоқларнинг бир қисми деб қарайди. Аммо

<sup>42</sup> Малов С. Е. Каракалпакский язык и его изучение.— В сб. Каракалпакия. Т. II. Л., 1934, с. 202.

<sup>43</sup> Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси, 28—29 бетлар.

<sup>44</sup> Данияров Х. Опыт изучения джекающих диалектов в сравнении с узбекском литературном языком. Ташкент, 1975, с. 10—12.

<sup>45</sup> Решетов В. В. Узбекский язык, I, с. 60; Шираев М. Ш. Озарбайжон тилида қипчоқ элементлари. УТАМ, 1996, 6-сон, 9-бет.

<sup>46</sup> Шапиев К. К этнической истории узбекского народа, с. 66.

<sup>47</sup> Бартольд В. В. Сочинения. Т. I, с. 236. Ушаев А. Сочинения. Т. III, 227; Якубовский А. Ю. Развалины Сыр-Дарьи (Сурхандарья). Сообщения Гос. Академии истор. мат. культуры. Т. I, Л., 1929, с. 125—126.

<sup>48</sup> МЭИТ, I, с. 184.

лар сиёсий жиҳатдан мустақил бўлганлар. Шунинг учун ҳам Хоразмшоҳ улар билан иттифоқ тузишга ҳаёсат қилган. Абулғози Баҳодирхоннинг хабар бериши билан Хоразмшоҳ Такашхон қангли қабиласининг раҳбарлигида бирининг қизи Туркун Хотунга уйланган. Шундан сўнг Хоразмга кўплаб қанглилар кўчиб кела бошлаган. Мўғулларнинг юриши даврида Хоразмда 90 минг қангли бўлган<sup>49</sup>. Кўпгина авторлар қипчоқлар ва қанглиларни бир деб ҳисоблайди. Аммо улар қипчоқ қабилалар иттифоқига кирган мустақил этник бирликдир. Эҳтимол ана шу этник элементлар қипчоқ шеваларидаги й-ловчи группани ҳосил қилгандир. Ҳозирги ж-ловчи қипчоқлар Хоразмга шайбонийлар даврида келганлар. Буни Шимолий Хоразмдаги этнотопонимлар ҳам исдиқлайди. Чунки ҳозирги Хоразм топонимиясида й-ловчилик қипчоқларнинг жуда майда қабила бўлинмалари ҳам сақланиб қолган. Бу шубҳасиз уларнинг келиши анча кейинги даврларга хослиги ва ўтроқлашиш сараёни анча сўнг содир бўлганини кўрсатади. й-ловчи шева тарқалган қишлоқлар этник номлар билан деразлик юритилмайди.

Хоразм й-ловчи қипчоқ шеваларининг келиб чиқиб келиши қипчоқларнинг дастлабки этник группалари билан боғлаш, аниқроғи қангли қабилалари билан алоқадор деб ҳисоблаш мумкин. Дарҳақиқат, XII—XIII асрларда қипчоқлар Дашти қипчоқ чўлларида кўчиб келган пайтларида уларнинг таркибига кўплаб тил жиҳатдан қариндош бўлган қабилалар қўшилган эди. Бу қабилалар группалари қарлуқлар томонидан Еттисувдан қириб чиқарилган қангли, қипчоқ, печенег, ўғуз қабила қабилаларнинг тарқоқ қисмлари эди. Қайд этилган қабила группалари қипчоқ-қимақ уюшмасига кириб, дастлаб, туркий тилларнинг Ғарбий тармоғига хос бўлган бирор шевада гаплашган бўлиши мумкин. Аммо кейинчалик қипчоқлар ҳукмронликни ўз қўлига олгач (X асрларда), улар орасида қипчоқ-қимақ уюшмасига мумий бўлган бирор тил шаклланганлиги эҳтимолга келиши мумкин. Бу тил негизи билан қадимги туркий тилларга хос элементларни сақлаган ҳолда, давр ўтиши билан қипчоқ-қимақ қабилалар уюшмасига кирган турли-туман шеваларнинг таъсирида жиддий ўзгаришга учраган. Бу тилларга шу даврда ўғуз (ёки ғуз) тилининг таъсири сезиларли бўлганлиги шубҳасиздир. Э. Н. Наджип-

<sup>49</sup> Абул-Гази Баходурхон. Родословное древо тюрков (перев. и примеч. Саблухова Г. С.). Казань, 1905, с. 34.

нинг тахмин қилишича, қипчоқ тили X—XII асрларда ва ундан кейин ҳам қарлуқ ва ўғуз тиллари орасида ҳолатда бўлган, бироқ кўпгина кўрсаткичлари билан ўғуз тилига анча яқин турган<sup>50</sup>.

й-ловчи шеваларда айрим қарлуқларга хос лингвистик элементларнинг бўлиши ҳам табиийдир. Бизнинг Хоразм шеваларидаги айрим фонетик, морфологик лексик элементларнинг туркий тилларининг Ғарбий қипчоқ тармоғидаги қумиқ, қорачай-балқар, қараим ва қрим татарлари тилида ҳам учраши тасодифий ҳол эмас.

Хоразм халқи этник таркибида эроний халқларнинг умуман, эрон компонентининг анча қадимий эканлиги қайд қилган эдик. Хоразмнинг қадимги туб халқи размийлар гарчи эрон халқлари группасига кирса ҳам улар маълум даражада бошқа шу этник системага кирган кишилардан фарқ қилган. Шу сабабли ҳам айрим этнопонимлар туркий халқлар таркибига кирган ёки келиб чиқиши жиҳатидан бошқа халқларга мансуб уруғ-қабилла номлари асосида вужудга келган.

#### Туркий бўлмаган халқлар этнопонимлари асосида вужудга келган номлар

Айрим ёзма манбалар Хоразм территориясида аҳолилар ва асларнинг яшаганлиги ҳақида хабар беради. Шунингдек, анча илгари сўғд, массагет, сак каби қабилаларнинг аралашганлиги ҳам маълум. Ўз-ўзидан размий тарих саҳнасида тушиб кетган бу халқлар, этник группалар ўтмиш Хоразм маданиятини яратишда қатнашган. Ўтмишда бу территорияда эслатиб ўтилган турли-туман этник группаларнинг мавжуд бўлиши, шубҳасиз, маҳаллий аҳоли тилида, жумладан, унинг топонимиясида (умуман ономастикасида) ўз изини қолдирган.

С. П. Толстов Хоразмдаги, умуман, Ўрта Осиёдаги туркий халқларгача бўлган этник группаларининг номини туркманларнинг айрим уруғлари номи билан солиштиради ва улар орасида маълум алоқа борлигини кўради. Мисол: туркм.: *абадил* — *эфталит* (абдалит — эфталиты), *язирлар* (языры) — *яслар*, (асы, ясы), *олавлар* (оламы) — *аланлар* (аланы), *доугар* (дюгер) — *тохар* (тохары)<sup>51</sup> ва ҳоказо.

<sup>50</sup> Наджип Э. Н. Кипчакско-огузский литературный язык Мамлюкского Египта XIV века. АДД, М., 1965, с. 14.

<sup>51</sup> Толстов С. П. Города гузов, с. 100; Толстова Л. Этногенез и исторически ранние этапы этногенеза народов Средней Азии в исторической ономастике. М., 1978, с. 6—11.

Ҳозирги Хоразм топонимиясида ва антропонимиясида *абдал* (Рейим абдал), *ас* (Матмирот ос), *алан* (Ражабаланг), *тўқал/тўқар* (Қурвои тўқол) каби номлар учрайди, бу юқоридаги этник группаларнинг изларидир. Умуман, Хоразмда туркий бўлмаган халқларнинг номи билан юритилувчи топонимлар анчагина. Қуйида айримлари ҳақида тўхталамиз. *Ас* ва *алан* деб юритилувчи этник группалар кўпгина халқларда, жумладан, қорақалпоқ, туркман қабилаларининг таркибида ҳам мавжуд. Булардан ташқари, *ас*, *алан* номи билан алоқадор топонимлар Уралда, Кавказ республикаларида ҳам учрайди. Умуман бу этник номнинг тарқалиш ареали анча кенгдир. Этнонимларнинг маъноси ва улар билан боғлиқ топонимларнинг хусусиятларини кўзатар эканмиз, улар орасидаги тафовутлар сезиларли. *Ас* ва *аланлар* ҳақидаги фикрлар бир-бирига мос келмайди. Аммо энг қизиғи шундаки бу номларни доимо бирга ёнма-ён тилга олишади. Ёзма манбаларда ҳам бирга қўллашади.

Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм область территориясида *ас* этноними билан алоқадор бўлган топонимлар бир неча марталаб учрайди. *Асқала* (Амударё), *Аслар* (Гурлан), *Асийан* (Қўшқўпир). Шунингдек, Хива хонлари архивида *Ас* ва *Асли* маҳитлари қайд этилади<sup>52</sup>.

*Ас* этноними ҳақида олимлар турли фикрларни билдирадilar. Айрим тадқиқотчилар *ас* аланларнинг бошқача номи деб ҳисоблайди, баъзилари эса *асларни* мустақил этник birlik деб қарайдилар.

X асрларда Беруний шундай деб ёзади: Амударёнинг суви тошиб кўп жойларни босиб кетди, кўп ерларни вайрон қилди. Мазкур ерларда яшаган аҳоли Хазар денгизи бўйларига кўчиб кетди. Бу алан ва аслар уруғидан, уларнинг тили ҳозирги вақтдаги хоразмликлар ва печенеглар (қипчоқ) тилининг аралашувидан ташкил топган<sup>53</sup>. Шундай экан, Беруний *ас* ва аланларни тил жиҳатдан ҳам бир-бирига яқин бўлган турли қабилалар деб ҳисоблаган эканлигини кўриш мумкин.

Қадимги рус ҳужжатларида аланларни яслар (ёки исслар) деб атаганлар. В. В. Виноградов мўғул империяси даврида кўпгина бошқа қабилаларнинг мўғул-

<sup>52</sup> Хива давлат ҳужжатлари. Т. II. Под редакцией члена корреспондента АН УзССР Юлдашева М. Ю. Ташкент, 1960, с. 211.

<sup>53</sup> Абу Райхон Беруни. Избранные произведения. Т. III. Ташкент, 1972, с. 95.



лашганини, буларнинг орасида ҳатто динига кўра ҳам мўғулларга анча узоқ бўлганларини ёзган<sup>54</sup>.

Профессор А. И. Поповнинг қайд қилишича осетинлар ўзларини *ас* деб юритмайдилар (ҳар ҳолда ҳозир) аммо то XIII асрларгача ва ҳатто кейин ҳам рус ва бошқа манбаларда осетинлар шу ном билан юритилган<sup>55</sup>. Ҳозир *аслар* номи осетинлар томонидан туркий тилда гаплашувчи балкарларни ифодалаш учун қўлланади. Балкарлар ўзларини *малкар* деб юритади, аммо осетинлар уларнинг яшайдиган жойини *ас* дейдилар. Абхазлар эса бутун Шимолий Кавказни *ас* термини билан атайдилар<sup>56</sup>. Дигорлар ҳозирги кунгача ўзларининг татар қўшниларини *ас* деб атайдилар<sup>57</sup>. Кейинги топонимик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, осетинлар ёнма-ён яшган туркий халқларни *ас* номи билан юритадилар<sup>58</sup>.

Шундай қилиб, *ас* ва *аланлар* бир халқнинг икки номи эмас, балки *ас* аланлар тилидаги бошқа халқларнинг (кўринишдан туркий халқларнинг) номидир. Хоразмда учрайдиган *ас* ва *алан* номлари ҳам худди шу йўл билан вужудга келган. Аланлар кейин келган туркий халқларни *ас* деб юритганлар. Бу хилдаги топонимларнинг тарқалиш ареалига кўра ҳам бу фикрнинг ҳақиқатга яқинлиги кўринади. Юқорида биз аланларнинг тахминий яшаган жойи Хива атрофлари бўлганлигини айтган эдик. *Ас* компонентли топонимлар ҳам худди шу районларда унга яқин жойларда (ҳозирги Қўшқўпир, Ҳазорасп каби) учрайди. Шундай экан, *ас* номи аланлар томонидан бошқа халқлар (эҳтимол туркий халқлар) яшаган территорияга берилган. Алан эса уларнинг ўзини атовчи номдир. Юқорида кузатганимиздек, аланлар ўзларини *ас* деб атамаганлар. Аланларнинг бошқа халқлар (эҳтимол хоразмийлар) тилидаги номидир. Шундай қилиб, *ас* маълум бир этник группанинг номи эмас аланлар тилида бошқа халқларнинг номи деб ҳисоблаш мумкин. Шу сабабли ҳам бу икки ном доимо ёнма-ён қўлланади. Умуман, аланлар (ҳозирги осетин) тилида хоразмий тилининг излор

<sup>54</sup> Виноградов В. В. Аланы в Европе.—«Вопросы истории», 1974, № 8, с. 119.

<sup>55</sup> Попов А. И. Название народов СССР. Л., 1973, с. 139.

<sup>56</sup> Абаев В. И. Историко-этимологический словарь осетинского языка. Т. I. М.—Л., 1958, с. 79.

<sup>57</sup> Миллер В. Язык осетин (пер. с немец. М. И. Исаченко). М.—Л., 1962, с. 18.

<sup>58</sup> Цагаева А. Дз. Топонимия Северной Осетии. Ч. I. Орджоникидзе. 1971, с. 145.

ри қолганлиги шубҳасиздир. А. М. Шчербак таъкидлаганидек, Хоразмдаги барча эроний элементларнинг ҳам келиб чиқиши хоразмийлар ва умуман қадимги эронийлар билан боғланмайди. Кўпгина эроний халқлар Хоразмга анча кейин келганлар (туғрироғи келтирилган). Ҳозирги даврда *Қуллар*, *Пирсийан* (форсиён «форслар»), *Жамшид* деб аталувчи топонимлар турли этник группаларнинг Хоразмга келтирилиши билан боғлиқдир.

Хоразм топонимиясида шундай номлар учрайдики, ҳозирги кунда уларни маҳаллий халқ этник группалар деб атайди. Қизиғи шундаки, бундай этник группалар орасида келиб чиқишига кўра туркий халқларга мансублари ҳам бор. Аммо уни хоразмликлар бошқа ердан келган деб ҳисоблайдилар. *Алтинжилав*, *Шасувар*, *Кизилбаш* каби этнотопонимлар шулар жумласидандир. Олтинжиловлар ҳақида Мирзо Меҳдихоннинг «Тарихи Нодиршоҳ» асарида (XVIII аср) шундай маълумотни топамиз. Хоразм хони Шерғозихон (1715—1728) Машҳадга ўз элчилари билан бир неча савдогарларни ҳам юборади. Чахча вилоятига келганда савдогарлардан бож талаб қиладилар. Бу ердаги қабила кишилари савдогарлар билан жанжаллашганлар ва уларни талаганлар. Шундан кейин Шерғозихон Нодиршоҳга қайтадан элчи юбориб бўлган воқеадан хабардор қилади. У Нодиршоҳдан савдогарларнинг мулкани қайтаришга ёрдам беришни илтимос қилади. Нодиршоҳ унинг бу илтимосини бажо келтиради. Шундан сўнг хурсанд бўлган Шерғозихон шоҳга ўз навкарларидан 500 кишини хизматга юборади. Бу кишилар хоннинг шахсий аскарлари бўлгани учун «олтин жилов» деб аталган<sup>59</sup>. Хоннинг шахсий аскарлари хонликда маълум имтиёзга эга бўлганлар. Уларнинг авлодлари ҳам шу ном билан «олтин жилов» деб юритилганлар. Бу кишиларнинг кейинги даврда маҳаллий аҳоли этник бирлик сифатида қабул қилган. Олтин жиловлар ҳақида кейинги хонлар даврида ҳеч қандай маълумот йўқ. Қизилбошлар сўзи билан боғлиқ этнотопонимлар Хоразмнинг шимолий қисмида мавжуд.

*Қизилбошлар* ҳақиқатан ҳам этник ном бўлган. Бу ном анатолиялик (анатолийские) турклар томонидан Закавказья, Озарбайжон ва Шарқий Кичик Осиёдаги туркий (туркман) қабилаларига берилган. Улар қайд қилинган туркий қабилаларни бошидаги қизил салла-

<sup>59</sup> МИТТ. II, с. 126—127.

сига қараб шундай атаганлар<sup>60</sup>. Бу қабилалар сафавий (сефевиды)лар (XIV аср) атрофига бирика бошлаганлар. Бу қабилалар иттифоқи ўзида етти уруғни (устаджли, текели, румли, бахарли, зулқадар, афшар ва каджар) бирлаштирган. Бу бирлашма мусулмон-шийалар билан мусулмон-суннийлар орасидаги курашда муҳим роль ўйнаган ва сафавийларнинг ўз давлатини тузишда катта ёрдам берган. Қизилбош номи кейинчалик турклар томонидан бутун эрон халқларини номлаш учун қўлланган. Чунки Хоразмда эронлик халқларни *пирсиён ёки эроний* деб атайдилар.

*Шохсувар* (ёки Шосувар) номи ҳам қизилбошлар билан алоқадор. Аббос I Улуғ (Аббас I Великий 1587—1628) туркий қизилбош қабилаларидан йирик қизилбошлар иттифоқини ташкил қилган эди. Бу қизилбошлар аслида Озарбайжонга XIV асрда Амир Темур томонидан кўчирилган<sup>61</sup>. Шохсуварлар икки катта бўлакка бўлинади: *арабеллилар* ва *мешкинлар* (арабельские и мешкинские)<sup>62</sup>.

Кўринишдан қайд қилинган қабилалар иттифоқи — Қизилбошлар ва Шохсуварлар Темур истилолари даврида Хоразмга келган. Ҳозирги даврда булар баъзи кишиларнинг лақаби сифатида қўлланилади. Улар ўзларининг этнонимик хусусиятини деярлик йўқота борган.

Шундай қилиб, этнонимик фактор асосида вужудга келган топонимлар Хоразм топонимиясида анча активдир. Уларнинг аксарият кўпчилиги Хоразм халқларининг таркибига қўшилган ёки шу территорияда яшаб кетган, қипчоқ қабилалар иттифоқидаги уруғлар билан алоқадордир.

### Антропотопонимик тип

Киши номларининг, антропонимларнинг географик номга айланиши кенг тарқалган лингвистик ҳолидир. Антропонимларнинг топонимга айланиши албатта турли экстроллингвистик факторлар асосида содир бўлади. Аввало бу икки системанинг бир-бири билан бўлган яқин муносабатидан, уларнинг характеридан келиб чиқади. Антропонимлар ҳам худди топонимлар сингари фақатгина объектлари (кенг маънода) инди

<sup>60</sup> МИТТ, II, с. 10.

<sup>61</sup> МИТТ, II, с. 114.

<sup>62</sup> Тигранов Л. Ф. Из общественно-экономических отношений в Персии. СПб., 1909, с. 105, 127, 132, 144.



идуаллаштирадиган, уларни бир-биридан ажратадиган социал-лингвистик белгигина эмас, айти вақтда улар кишиларнинг этник белгиси, миллий хусусияти, ижтимоий-сиёсий қарашларини ҳам кўрсатувчи белгидир. Шу сабабли ҳам улар орасидаги ўзаро муносабат жуда қадимдан бошланган. Кўплаб киши номларининг жой номига ёки аксинча жой номларининг киши номларига айланиши худди ана шу фактор билан изоҳланган.

Антропонимлар топонимик системага ўтар экан, албатта, объектни фарқловчи, бошқалардан ажратувчи атрибут функциясини бажаради. Бунда шахс ва объект муносабати муҳим роль ўйнайди. Аввало бирор территориядаги кишиларнинг (ёки айрим шахснинг) жамиятда тутган ўрни муҳим белги бўлиб хизмат қилади. Бу белгилар турлича ифодаланиши мумкин, кишиларнинг касби, машғулот, мансаби, этник типи, лақаби ва лақаби қатор индивидуал турларда акс этади. Дарҳақиқат кўпгина ижтимоий терминларнинг, лақабларнинг ва баъзи этнонимларнинг топонимга айланишида антропонимлар муҳим восита бўлади. Бу хилдаги белгиларнинг кўпчилиги ўз-ўзидан жой номига айланмайди. Улар даставвал киши номи билан бирга қўлланилади. Вақт ўтиши билан турли факторлар асосида жой номига ўтади. Хоразм антропотопонимларнинг аксарият кўпчилиги Хива хонлиги даврида вужудга келган бўлиб ҳозиргача сақланиб қолган. Хонлик вилоятларга, вилоятлар эса қишлоқларга, қишлоқлар айти вақтда мачит-қавми ва ўрамларга бўлинган. Кўпчилик ҳолларда мачит-қавм ва ерлар унинг эгаси исми билан юритилган: *Матманбийдинг йери, Қурван аталиқдинг йери, Хожамират йузбашининг авули* кабилар.

Антропотопонимлар давр ўтиши билан фақатгина тузилиши жиҳатдан эмас, балки ўз мотивлари ва ўнарилиши жиҳатдан ҳам ўзгаради. Кўпгина номлар ўз моҳияти билан хусусий мулкчилик психологияси ёки мазкур территорияда яшовчи халқнинг диний-ғоявий дунёқарашини ифода этса, бир қатор янги номлар мавжудки, улар ўз ғоялари билан юқоридаги номлардан кескин фарқ қилади. Улуғ Октябрь революциясидан кейин вужудга келган *Ленин, Чапаев, Максим Горький, Комсомол, Гулистон, Янгийўл* каби номлар совет кишиларининг янги дунёқарашини, янгича турмушини, уларнинг мақсад ва идеалларини тўла акс эттиради. Бундай номлар умумхалқ ҳурмати сифатида ифодаланган бўлиб жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Демак,

антропотопонимларда ҳам халқ психологияси, дунёқараши ва ижтимоий муҳит таъсири маълум даражада акс этган.

а) касб-ҳунар ва машғулот номларининг ифодаловчи топонимлар. Хоразм антропотопонимиясининг кўпчилик қисми посессивлик хусусиятига эга. Юқорида таъкидлаганимиздек, улар мазкур объектнинг кимгадир қарашлигини англатади. Бундай қарашлилик баъзан *қаратқич* + *қаралмиш* (Баъзазнинг қоли) типда бирлашган бўлиб, киши исми тушириб талаффуз қилинади. Кўпчилик ҳолларда объектни кўрсатувчи индикатор ҳам туширилади: *Сурнайчи*, *Ҳоққачи*, *Сабинчи*, *Қасиплар*, *Майрағанлар*. Бу типдаги антропотопонимлар маъносига кўра «Қосибнинг қишлоғи» ёки «қосиб яшовчи овул» деган маънога тенг. Кўпичча тилдаги тежаш принципи натижасида қарашлилик ва объект билдирувчи сўзнинг маъноси ҳам топонимдан англашилиб туради, бу маънолар унга юкланади.

Давр ўтиши билан маълум антропотопонимик моделлар ҳосил қилинган. Уларнинг мавжудлиги кишиларнинг касби, лақаби, мансаби кабиларни ифодаловчи терминларнинг топонимга айланишига сабаб бўлади. Г. Ф. Саттаровнинг қайд этишича, кишилардаги касб-ҳунар, ижтимоий келиб чиқиши кабилар билан боғлиқ топонимлар коллектив-территориал характерга эга<sup>63</sup>. Улар шу территориядаги кишилар группасини ифода этади;

б) диний тушунчалар билан боғлиқ антропотопонимлар. Жой номларининг вужудга келишида маълум территорияда яшовчи аҳолининг диний эътиқоди муҳим фактор бўлиб ҳисобланади. Антропотопонимларнинг бу типлари кўпичча бирор авлиқанинг исми билан боғлиқ бўлиб, унинг шу ерга дафн этилганлиги билан ифодаланади. Бу типдаги топонимлар таркибида албатта «бува», «ата», «хожа» каби терминлар иштирок этади: *Шийқабир ата* (Шайх Кабир ата), *Қаршили хожа*, *Ахун бува*, *Йусупхамаданбува* ва ҳоказо. Топонимлар таркибида айрим ҳолларда тарихий шахсларнинг номлари ҳам учраб, улар кўпичча илоҳийлаштирилган. Масалан: *Султан Увайд тоғи*. Ҳозирги кунда *Султон бува* деб аталиб, у ерда машҳур дин вакилларидаан Ҳазрати Султон дафн қилинган деб изоҳланади;

<sup>63</sup> Саттаров Г. Ф. Лексико-семантические и тематические группы и разряды татарских лично-индивидуальных и семейно-родовых прозвищ. СТ, № 3, 1977, с. 29.

в) кишиларнинг лақаблари билан боғлиқ номлар. Антропотопонимларнинг бошқа бир группаси кишиларнинг лақаблари ва исмлари асосида вужудга келган. Маълумки, лақаблар кишининг бирор (жисмоний ёки ақлий) камчилиги, унинг характери, хусусияти, шунингдек, антропологик тузилиши кабиларга қараб қўйилади<sup>64</sup>. *Банги*, *қанхор*, *авмас* (танбал), *манғқа* (бурнидан гапирадиган киши), *чолоқ*, *қара*, (Баззи қора, Бозорбой қора) ва ҳоказо. Кўпинча лақабларнинг олдида шахс оти бўлган. Аммо давр ўтиши билан улар тушиб қолган ёки ўша лақаб билан бирга қўшилиб кетган. Натижада улар қўшма сўз сифатида талаффуз қилинади.

Антропотопонимларнинг маълум бир қисми киши исmlарининг қисқарган шаклида ҳам қўлланилади. Қиёсланг: *Мадрим* (Муҳаммад Раҳим), *Жумми* (Жуманиёз), *Бажжи* (Бозорбой), *Ожжи* (Урозбой), *Йолли* (Йўлдош), *Саппи* (Сапарбой), *Режжи* (Ражаб), *Баққи* (Баҳодир), *Алли* (Олим), *Сийдāmāt* (Саид Аҳмад), *Сийдабулла* (Саид Абдулла) ва ҳоказо<sup>65</sup>. Хоразм топонимиясини текшириш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, антропотопонимларнинг кўпчилиги бошқа сўзлардан ҳосил бўлган номларга қараганда анча беқарордир. Масалан, этнотопонимлар жуда узоқ давр ўзгармаслиги мумкин. Аммо антропотопонимлар тузилиши ва баъзан семантикаси жиҳатдан ҳам тез ўзгаришга учрайди. Уларнинг кўпчилиги мазкур объект йўқолиши билан истемолдан чиқа боради ва натижада умуман топонимик системада қўлланилмайди.

### Геоморфологик тип

Хоразм топонимларининг катта бир қисми мазкур территориянинг табиий-географик белгиларини ўзида акс эттирган: *Аччикёл*, *Чингизнинг қири*, *Тақирлық*, *Пантақлы айдин*, *Қоктоба* ва ҳоказо. Вақт ўтиши билан мазкур территорияга хос бўлган рельеф ўзгариши мумкин. Бироқ шу объектнинг дастлабки табиий шароитини ифодаловчи ном, термин узоқ вақт сақланади<sup>66</sup>. Геоморфологик топонимларни бир неча турга бў-

<sup>64</sup> Иш аев А. Манғит шевасига оид кузатишлар. I. Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 2 китоб. Тошкент, 1961, 229—235-бетлар.

<sup>65</sup> Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. I. II, 106—109-бетлар.

<sup>66</sup> Горбачевич К. С. Русские географические названия. М.—Л., 1965, с. 32.



либ ўрганиш мумкин: а) сув объектлари билан алоқадор номлар яъни *гидронимик тип*; б) ер сатҳидан юқорида турувчи объектлар билан алоқадор номлар яъни *оронимик тип*; в) мазкур территориядаги ўсимликлар дунёси билан алоқадор номлар яъни *фитонимик номлар*; г) мазкур территориядаги ҳайвонот олами билан алоқадор номлар яъни *фаунастик номлар*; д) тупроқнинг хусусияти билан боғлиқ *топонимлар*.

1. Хоразм гидронимлари ясалиш жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эга. Кичик ҳажмдаги объектлар кўпинча *айдын, чунгул, салма* каби сўзлар қўшиш орқали ясалади. Хоразмда сунъий каналлар одатда «ёп» деб аталади. Катта каналлар ва каналнинг кенг участкалари «арна» (آرنا) дейлади. Арна терминидан дарёнинг бир қисми яъни шохобчаларга ажралиши англашилади. Масалан: *Пахта арна, Шават арна, Палван арна* каби. Ёпдан салма деб аталувчи ариқлар ажралиб чиқади. Улардан аёқ салмалар экинларни, яъни *атыз* (отиз)ларни (кичик-кичик суғориладиган ерлар) суғориш учун қўлланилади. Отизлардан кичкина ер *кўлча* деб юритилади. Хоразм гидронимлари қатор факторлар асосида вужудга келган:

а) киши номларига *арна, йап, салма, кўл* сўзлари қўшиш орқали ясалган номлар: *Байтўлап кўл, Бегназарвай йап, Арбаннинг кўли, Исканнинг кўли, Кўкянинг кўли, Қылычвайарна* каби.

Киши номи билан аталувчи гидронимлар баъзан шу кишига берилган лақаб билан ҳам юритилади: *Узыннинг кўли, Маққанинг кўли, Йелбегай салма, Саққал йап, Мўлланинг кўли* ва ҳоказо. Бу хилдаги гидронимлар *қаратқич + қаралмиш* типда ясалган бўлиб, маълум объектнинг шу шахсга қарашлигини билдиради. Юқорида келтирилган мисоллардан кўринадики, баъзи ҳолларда қаратқич келишиги қўшимчаси *-дининг* тушиб қолса ҳам шу маънони билдираверади (масалан, *Саққал йап, Йелбагайсалма* каби);

б) объект атрофида яшаган халқ ёки қабила номи асосида номланади: *Хызырели кўли, Араллының кўли, Манғыт арна, Уйғыр йап, Найман йап, Арāп кўл, Нўкш йап, Йомыт йап* ва ҳоказо;

в) объектнинг шакли ва тузилишига кўра номланади: *Чайма кўл, Томалақ кўл, Узун кўл, Қыйшық йап*;

г) объектнинг кўламига ва чуқурлигига қараб қўйилган номлар: *Улкāн кўл, Улли кўл, Қаранғы айдын, Дўдак айдын, Сары чунгул, Чоңқыр кўл, Узынайдын* ва бошқалар. Бу гидронимлардаги *айдын, чунгул* сўзлари

Хоразм шеваларида кенг тарқалган бўлиб, *айдын* — кенг, чуқур: *чунгул* — энг чуқур (кўл) маъноларини билдиради;

д) айрим гидронимлар улар ёнидаги авлиё, мазор, тепа номлари билан юритилади: *Досақ бува* (кўл), *Шийт кўл, Дўвлāt бува* (кўл) *Қармазар* (кўл), *Султан бува* (йап), *Султанбува қуйыси*;

е) баъзи гидронимлар сувнинг таъмига нисбатан номланган: *Аччы кўл, Шор кўл, Тузлы кўл, Мазалы қуйы* каби;

ж) объектда бирор жонивор ёки ўсимликнинг кўпингига нисбатан номланади: *Балығуйы* (кўл), *Чортанлы кўл, Лаққалыкўл, Лаққайатар, Чағалақ кўл, Қамышли кўл, Йеканлы кўл, Сувāн қачар, Тамырлы кўл*;

з) объект тагидаги ерга (грунтга) нисбатан номланган: *Батқақлы кўл, Кўкчāғā йап, Кўкчāғā кўл, Қумлақ, Бозйап, Бозсалма, Соғалы йап, Чāғāлы йап, Чāғāли тасқа, Катты кўл* ва ҳоказо;

и) объект билан боғлиқ бирор ҳодисага нисбатан номланади: *Оғиз олган кўл, Орыс кетгāн* (кўл), *Қарылақ олгāн, Қыз кетгāн, Али кетгāн* ва шу қабилар.

2. Оронимик тип. Худди гидронимлар каби оронимлар ҳам жой номларининг вужудга келишида муҳим фактор бўлиб хизмат қилади. Хоразм топонимиясида оронимлар унча катта ўринни эгалламаса ҳам, маълум бир группани ташкил этади. Оронимлар асосан *тав//дағ* (тоғ), *тўбā* (дāпа), *тўбāжык* (кичик тепа) каби оронимик индикаторлар ёрдамида ясалади. «Тав» компоненти орқали ясалган номлар кўпинча объектларнинг ташқи кўриниши ва турига қараб номланади: *Қаратав, Ҳāктав, Қубатав, Ақтўбā, Қўшадāпā* ва ҳоказо.

3. Фитонимик тип ёки фитотопонимлар ўсимликлар номи билан аталувчи топонимлардир. Бу типдаги номлар асосан кишиларнинг кундалик турмушига зарур бўладиган ёки умуман ишлаб чиқариш, ҳаёт кечириш жараёни билан алоқадор бўлган ўсимликлар билан боғлиқдир:

а) дарахт турлари билан аталувчи номлар: *Эрик бағ* (ўрик боғ), *Йеккā тут, Тутбағи, Гожāтал, Қаратал, Бешгужум, Ақтāрāк, Кўктāрāк, Ларанғы тоғай, Қараман, Гўжā, Анжирли, Қийшиқ жийдā, Иситма жығылдак* (жийданинг бир тури), *Алмиртлиқ* (олмурут), *Ақтут, Данāтут*;

б) экин турлари билан аталувчи топонимлар: *Арпабидийан, Гунжи атыз, Ғавушийер* (жўхорининг бир тури), *Йонғирчқа атыз* (беда экиладиган майдон), *Кāн*

дирли (каноп), *Майштахта* (мош экиладиган ер), *Зам чайер*;

в) ёввойи ўсимликларнинг номи билан юритилувчи номлар: *Йылғынлы, Итсийгак, Яантақлиқ, Қамишлиқ, Йылғынлық, Қылдырлы, Ақбашлық, Бойанлық, Ажирықлық, Чирмавуқйасқа, Сазқлық* ва бошқалар.

4. Фаунавий тип. Хоразмнинг ҳайвонот дунёси билан алоқадор номларнинг кўпчилиги халқ чорвачилиги ҳамда овчилик билан боғлиқ ҳолда вужудга келган.

М. В. Сазонованинг қайд этишича Хоразмнинг традицион деҳқончилик ҳўжалигида чорвачилик муҳим аҳамиятга эга бўлган<sup>67</sup>. Фаунавий тип топонимлар ҳам разм чорвачилиги, овчилиги каби муҳим ҳаётий фактор билан боғлиқ ҳолда вужудга келган. Фитотопонимларни чорвачилик билан алоқадор номларга ва умуман ўлканнинг ҳайвонот дунёсини ифодаловчи номларга ажратиш мумкин:

а) чорвачилик билан алоқадор номлар: *Атбазар, Атчалар, Оғизбўлган кўл, Атайувар, Куррай* (хўтик), *Малбағар*;

б) ёввойи ҳайвон номлари билан аталувчи топонимлар: *Бўрийатақ, Шағалавла, Шағал, Итбўлган, Дўҳайнишер* (шер оғзи), *Қарағулақ, Донғиз қачқан, Донғизли* ва ҳоказо;

в) қуш ва паррандалар номи билан аталувчи номлар: *Сўйлўнли* (сулгунли, тустовуқ), *Қашқалдақ кўли* (ўрдаксимон қуш), *Биргўзайн* (Бир қозон — пеликан), *Тайкўлик, Бўдўнахта* (бедана), *Кўкқарға*;

г) бошқа типдаги жониворларнинг номи билан юритилувчи топонимлар: *Чортанли* (балиқ тури), *Сазанли, Лақалийап, Иланли, Камўвул йатақ* (каламуш) ва ҳоказолар.

5. Тупроқнинг хусусияти билан боғлиқ топонимлар. В. П. Семёнов-Тяншанский РСФСРнинг марказий областларидаги географик номларни тадқиқ қилар экан, топонимлар номнациясида жойнинг белгиси муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд қилган<sup>68</sup>. Ернинг хусусияти ва умуман, жойнинг табиий-географик шароитини кўрсатувчи номлар Хоразм топонимиясида ҳам маълум системани ташкил қилади. Туп-

роқнинг хусусияти, унинг ҳолатини ифодаловчи номлар Хоразмда маҳаллий деҳқончилик билан боғлиқ ҳолда вужудга келган. Деҳқончилик билан шуғулланувчи кишилар ўз ерларининг, умуман тупроқнинг хусусиятини яхши биладилар. Хоразмда «асил қизил чаққа тупроқ», «шўр чага тупроқ» каби тузли ва унумдор тупроқни қадимданоқ фарқлаганлар<sup>69</sup>.

Худди ана шу типдаги ҳосилдор тупроқли қишлоқлар: *Сўғали, Соғаланг, Соғалияп* деб номланган. Хоразмда бу типдаги ҳосилдор ерлар кам бўлган. Кўпинча, шўрхок ерларни ўзлаштириб экин экишга тўғри келган. Бундай жойларда аҳоли яшайдиган пунктлар вужудга келган *Шорлиқ, Шортахта* (шўр ердаги ер) каби номлар билан аталган.

Бундан ташқари, Хоразмда, *Боз, Бозли, Бозйап, Бозйапли* каби топонимлар мавжудки, бу жойнинг аҳолиси кейин ўзлаштирилган ерларга кўчиб келган. Хоразмда *қайир* термини билан ясалган номлар ҳам тупроқнинг хусусияти, ернинг ҳолатини ифодалаш билан боғлиқ пайдо бўлган. Қайир ерлар ҳақида М. Кошғарий ҳам маълумот берган эди (ДЛТ. III. 180). *Тақир, Ақтақир* топонимлари ҳам географик термин асосида вужудга келган. Умуман, Урта Осиё топонимиясида бу термин анча сермаҳсулдир.

Шундай қилиб, топонимлар ўзларининг номланиш факторларига кўра турли типлардан иборат. Маълум райондаги топонимик система ана шундай типларнинг йиғиндисидан иборат. Айни вақтда, ҳар бир топонимик тип ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар маълум микросистемани ташкил қилади. Бу микросистемалар доимо бир-бири билан муносабатда бўлади ва уларнинг бири иккинчисига ўтиш ҳоллари учрайди. Зеро, маълум бир системани текшириш доимо бошқа системалар билан алоқада ва бир-бирига қиёсланган, боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак.

### Қисқача хулоса

1. Хоразм шевалари лексикасини, хусусан унинг топонимиясини кузатиш мазкур шевада хоразмий тили элементлари сақланиб қолганлигини кўрсатди. Кўпгина топонимик асослар ва топонимик формантлар ҳозирги форс тиллари асосида аниқ изоҳланади. Аммо топо-

<sup>67</sup> Сазонова М. В. Кўрсатилган асар, 54-бет.

<sup>68</sup> Семёнов-Тяншанский В. П. Как отражается географический пейзаж в народных названиях населенных мест? «Землеведение». Т. 26. Вып. 2. 1924.

<sup>69</sup> Джаббаров И. М. О культуре земледелия Южного Хорезма. — В кн.: История материальной культуры Узбекистана. Вып. 2. М., 1961, с. 283.



нимлар орасида шундайлари мавжудки, уни бу тиллар заминида изоҳлаш мумкин эмас. Бу факт субстрат номларнинг ўзига хос лингвистик хусусиятларга эга эканлигини, айти вақтда хоразмликлар этногенезида эрон элементларидан фарқ қилувчи бошқа этник элементларнинг иштирок этганлигини кўрсатади.

2. Хоразм топонимларининг шаклланиш босқичлари бир-биридан фарқланувчи бир неча даврга бўлиш мумкин. Унинг хоразмий даври ўзида ранг-баранг топонимик элементларни мужассамлаштирган бўлиб, маълум бир босқичда *вара* компоненти муҳим белги ҳисобланади. Бу босқич топонимлари хоразмий тилининг шаклланишида ҳинд-европа этник группаларининг ҳам иштироки борлигини кўрсатди. Бу даврнинг келажакдаги элони топонимларини текшириш шуни кўрсатдики, унда хоразмий-сўғд, хоразмий-алан тил муносабатлари анча ривожланган.

Араб истилоси арафасида ва ундан кейинги даврда хоразмий тилига бошқа тилларнинг таъсири яққол сезилади. Арабларнинг исломлаштириш сиёсати хоразмий тили инқирозини яна ҳам тезлаштирди. Бундан ташқари, туркий (ўғуз) қабилаларининг кўплаб жойларни босиб олиши, феодал урушлар ҳам бу жараёнда муҳим роль ўйнади.

3. Маълум территорияга кейин келган аҳоли мавжуд бўлган топонимик системани бутунлай рад қилмайди. Ўз тараққиётининг дастлабки босқичида мавжуд традициядан фойдаланади. Бу жараёнда улар номларни ўз тил хусусиятларига мослайди. Натижада кўпгина мазкур аҳоли учун субстрат характердаги номлар ўз фонетик ва морфологик структурасини ўзгартиради.

4. Хоразм топонимиясида соф топоним ясовчи аффикслар кам бўлса ҳам таркибида кўпгина аффикслар (-*миш*, -*жик*, -*лар*, -*чи*, -*ма* каби) қатнашган сўзлар уларнинг айрим семантик хусусиятига кўра топонимга айланишга мойил бўлади. Айниқса, предметнинг бирор характерли хусусиятини билдирадиган сўз ясовчилар, инсон фаолияти, унинг касби, лақаби билан боғлиқ сўзлар ҳосил қилувчи формантларда бу хусусият яққол сезилади.

5. Топонимлар тузилишига кўра содда ва қўшма бўлади. Хоразм топонимларининг кўпчилиги қўшма ном бўлиб, характерига кўра қўшма сўзларга мос келади. Аммо топонимлар семантик жиҳатдан чегараланган бўлиб, фақат номинатив функция бажаради. Шу сабабдан



ҳам уларнинг компонентлари орасидаги синтактик муносабат ва синтактик алоқа деярлик сезилмас даражага келиб қолган. Топонимларнинг бундай ҳолати доимий топонимик моделларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Бу моделлар тил динамикаси давомида сайқаллашиб, ихчамлаша боради. Кейин яратилган номларнинг барчаси ҳам ихчамлашиш босқичини босиб ўтмайди. Улар тайёр моделларга мослашади.

6. Топоним ясалиши принцип жиҳатдан сўз ясалишидан фарқ қилмайди. Ҳар бир тилдаги сўз ясалиши воситалари топоним ясашда ҳам иштирок этади. Аммо жой номлари ясалиш жиҳатдан текширилар экан, аввало, атоқли отларнинг ўзига хос бир қатор семантик ва грамматик хусусиятларини эътиборга олмоқ зарур. Лексемалар топонимга айлангач, улар категория жиҳатдан ўзгаради, маълум функционал сферага эга бўлади, семантик кўлами қисқаради, яъни маъно махсусланиши содир бўлади. Шулар билан боғлиқ ҳолда уларнинг формал-грамматик кўрсаткичлари ҳам ўзгаради.

## МУНДАРИЖА

Кириш	3
I б о б. Хоразм топонимиясининг стратиграфик тавсифи	9
Хоразмий даври	12
Оралиқ даври	29
Туркий-муғул даври	32
Янги давр	34
II б о б. Топонимларнинг структурал-лингвистик тавсифи	37
Апеллятив номлар	45
Формантли номлар	47
Индикаторли номлар	51
Топонимларнинг ясалиш моделлари	54
Топонимик индикаторлар	59
Индикаторлар таснифи	64
III б о б Топонимларнинг аталиш мотивларига кўра типлари.	76
Этнотопонимик тип	78
Антропотопонимик тип	94
Геоморфологик тип	97
Қисқача хулоса	101

Зариф Дусимов

### ТОПОНИМЫ ХОРЕЗМА

*На узбекском языке*  
Ташкент, «Фан»

*ЎзССР Маориф министрлиги ва В. И. Ленин номидаги Хоразм  
Давлат педагогика институти илмий советлари томонидан нашрга  
тавсия этилган*

Муҳаррир *О. Абдуллаева*  
Рассом *Э. Валиев*  
Техмуҳаррир *Ҳ. Бобомухамедова*  
Корректор *М. Шамсутдинова*

ИБ № 3116

*Хўб-нашриёт л. 57*

Теришга берилди 23.04.85. Босишга рухсат этилди 16.05.85. P03824. Формат 84×108<sup>1/32</sup>. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 5,46. Шартли буёқ отт. 5,78. Тиражи 1200. Заказ 86. Баҳоси 85 т.

ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 700047, Гоголь кўчаси, 70.  
ЎзССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.

